

СОБИР ЮНУСОВ

ҲОФИЗ БОЛА

(қиссалар)



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1982

Ушбу китоб муаллифи Собир Юнусов сиз, ёш китобхонлар учун кўп йиллардан буён қалам тебратиб келади. Унинг ҳиноя ва қиссаларини газета-журналлардан ўқигансиз, сахна асарларини томоша қилгансиз. Езувчининг янги китобига «Ҳофиз бола», «Мирмирза митти», «Валиш ва унинг ўртоқлари» қиссалари киритилди.

Тақризчи А. Шаропов

ҲОФИЗ БОЛА





ЧУРИ БИЛАН ХИЗМАТКОР

Фарғоналик Тўраҳонбойнинг ҳар шаҳарда ошна-оғайнилари бор, пахта олди-соттиси билан кўч таниш орттирган эди. Унинг пахта даласида сон-саноксиз мардикор, корандалар ишлар, уларни бой танимасди ҳам. Пахта заводидаги ишчиларни ҳам тез-тез алмаштириб турар, уларга тўланадиган ҳақни энидан-бўйдан уришни билар, шикоят қилганнинг тагига сув қуймагунча тинчимасди. Лекин иши тушадиган одамга хушомадни ўрнига қўярди. Шунинг учун ҳам боёнлар орасида «қўли очиқ» номини олган, чунки, уларни меҳмон қилганида ҳаммадан зиёда иш тутар, пулнинг юзига бормасди. Пахта заводидаги ишчи ва даладаги корандалар: «Бой уч пулни киприги билан қисиб олади, ундан пул сўрагандан кўра, гадодан хайр сўраш осон», дейишар, «хасис» лақаби ҳам шундан эди. Уйдагилар эса, «кўча хандон, уй зиндон»лигини билишарди. Тўраҳон бой

нима қилишини ўзи биларди — ёру биродарларига кетган сарф-харажатни қарам одамлари ҳисобидан чиқарарди. У қориндор, беғам бойлардан эмас, қотма, калтакдек тик қаддини ғоз тутиб, озода ва яхши кийиниб юришни ёқтирар. шунга кўра ёзда оқ жужунча кўйлак устидан тугмали жужунча пешмат, қишда тулки териси сирилган, бирор ерида доғи йўқ мовит пўстин, телпак ўрнига қулоқчин кияр, оқ оралаган чўққисоқолини тез-тез текислатиб турарди. Унинг важоҳатидан чўчиб, кўча-кўйда дуч келган нотаниш қария ҳам шошилиб олдин таъзим билан салом берар, бой хушига келса алик олар ёки бошини билинар-билимас қимирлатиб ўтарди. Унинг пули кундан-кун кўпайиб, қирқ ёшларга яқинлаб қолганида тўрт қиз туққан Ёқут исмли хотини устига яна уйланди. Санобар исмли кичик хотини ўғил туққанига севиниб, отасидан қолган тор ҳовлини сотди-да, шаҳар чеккасига ажойиб бино қурдирди — ичкари-ташқарилик, катта нақшдор дарвоза ёнига ихчамгина ҳужра, ундан кейин айвон ва қирқ-эллик киши кетадиган меҳмонхона бино қилинди. Ҳовлининг саҳни кенг, этагига отхона солдирди. Ичкарида эса, иккита хотинига алоҳида уй тиклатиб, турли нақшлар билан безатди. Ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам беш-олти таноб келадиган боққа кирилади. Унга ток, турли мевали дарахтлардан ўтқаздирди. Энди дарвоза олдида қоровуллик қиладиган, ҳам боққа қарайдиган хизматкор керак эди. Бой суриштириб, Саҳобни топди. У ота-онасиз, ҳар кимнинг эшигида хизмат қилиб юрган, бошпанасиз ўн олти яшар бола эди. Кўп қийинчиликни кўрган хизматкор фаросатли бўлгани учун тезда бойнинг кўнглига ўтиришди. Аввало у қийинчиликдан нолимас, айтилган ишни кўнгилдагидек бажарар, ҳатто, баъзи ишларни айттирмасдан ҳам ўринлатиб кўярди. Ташқари доим супуриғли, сув сепилган бўлар, отларнинг таги тоза турар, боғдаги дарахтларга сув қуйиб, тоқларни тарарди. Саҳобнинг хизматидан рози бўлган бой унга олти сўмдан ойлик белгилади. Қийим-боши, озиқ-овқати текин бўлди.

Орадан ярим йилча вақт ўтгач Тўраҳонбой Қўқондан Малика исмли ўн яшар қизни чўриликка олиб келди. Малика ҳам етим қиз эди, у ойиси ўлгач, амакисининг бева хотини қўлида қолганди. Уни Малика катта ойи, деб атар, кўнгилчан, яхши хотин эди-ю, ўзининг ҳам Маликадан каттароқ ўғли ва саккиз яшар қизи бор, дўппи тикиб қиладиган тирикчилиги нон-чойга зўрға етарди. Шунинг учун ҳам Маликани бойга, унинг катта ваъдаларига ишониб топширди, камбағал оилада ўсган бўлса ҳам, Малика анқов қизлардан эмас, тийрак, бир гапни дарров илғаб оладиган фаросатли эди. У бойнинг хонадонига тезда кўникиб кетди. Қотмадан келган, чайир, доим кулиб турадиган, чеҳраси иссиқ, ёқимтой Малика ичкаридаги аёлларни тезда ўзига ром қилди-ю, лекин оқсочлигини унутмаслик учун уни камситиб туришарди. Бир йил ичида Малика уй юмушларини тамоман қўлига олди. Энди кундошлар уни қил, буни қил деб танбеҳ беравермас, фақат улар уришиб қолганида нордон сўзларни Малика орқали бир-бирига теккизарди: «Нега ундай қиласан, Малика ўлгур», «тилим-оғзим тегмаса, сақичдек чайнайверасанми, фисқ-фасодчи Малика», дейишар, гарчи бу қарғишлар ўзига қаратилмаганини билса ҳам, Малика хафа бўларди. Баъзан кундошлар аҳил бўлиб қолса, чўри қиздан камчилик топишар, турткилашарди. Маликанинг чидашдан бошқа иложи йўқ эди. Бегона шаҳарда унинг йўқловчиси йўқ. Фақат иложини топганида хизматкор Саҳоб унга бир-икки оғиз юпатувчи гап айтиб, кўнглини кўтаради. Саҳобнинг ош-овқатидан Малика хабар олиб турар, у келгандан бери хизматкор болага ичкаридан вақтида иссиқ овқат бериладиган бўлди, аниғи, ҳаммага таом сузилгандан кейин, қозонда қолган овқатни Малика совитмай олиб чиқадиган, агар Саҳоб боғда бўлса, уни чақирадиган бўлди. Маликанинг ғамхўрлигини сезган хизматкор бола унинг яхшилигига қандай миннатдорчилик билдиришни билмасди. Бозорга чиққанида бир нима сотиб олай деса, пули йўқ, бой пулингни биратўла йиғиб оласан ёки уйланганингда оласан, деб важ қилар, лекин қўпол гапириб, кўнглини оғритмасди.

Орадан тўрт йил ўтди, Саҳобнинг бўйи чўзилиб, товуши йўғонлашди-ю, лекин дағал эмас, ёқимли, юракдан чиқаётгандек майин эди. Гавдаси ўртадан тик, елкадор, танҳо ўсган теракни эслатарди. Маликанинг ҳам бўйи чўзилиб бир оз эт қўйди, энди сочини қирқ кокил қилиб эмас, иккита қилиб, орқага ташлаб юрар, ишга халақит бермаслиги учун кўпинча чамбарак қилиб, Ёқут аяси берган эски рўмол билан танғиб оларди. У аяларидан уялиб, Саҳобнинг олдига камроқ чиқадиган бўлиб қолди. Ёқут аяси: «Юзингни бегонага кўрсатаверма», деганидан бери, Саҳобга овқат олиб чиқса, ундан яширинган бўлиб, рўмолининг учи билан бир кўзинигина бекитарди. Биринчи марта Малика рўмолини ёпиниб олганида Саҳобга бу ғалати туюлди-ю, мийғида кулиб қўя қолди. Лекин бу кулги орага тушган бегоналикдан ўкиниш эди. Энди у билан бемалол гаплашишга чек қўйилганини сизди. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди: энди Малика чойми, овқатми, айвоннинг лабига қўйиб кетар, аяларининг кўнглига бир гап келмаслиги учун ҳам шундай қиларди. Сувсиз чўлда тўсатдан чанқов кучайгандек, Малика юзини яширадиган бўлганидан кейин, Саҳобда соғиниш ортди: энди у Маликани тез-тез кўргиси келар, боққа кирганида чалакам-чатти эшитган ашулаларини хиргойи қиларди. Гоҳо унинг ёқимли овози кўчадан ҳам эшитиларди.

Боғнинг ёнида кексайиб, ўтириб қолган Шермат исмли қария қўшни турарди, унинг ери икки танобча бўлиб, экин-тикинга хотини Кимё буви Саҳоб тенги ўғли билан қарарди. Улар шу боғдан чиққан ҳосил билан тирикчилик қиларди. Тўраҳон бой бу боғни ҳам ўзига қаратиб олмоқчи бўлди-ю, лекин Кимё бувининг шаддодлиги, қариянинг аёл кишига қарам бўлиб қолганидан андиша қилди. Бу ҳақда маҳалла мачитининг имомига маслаҳат солганида у ҳам: шаънингизга яхши бўлмас, деб райини қайтарди.

Имом бойдан ёшроқ бўлса ҳам, бамаъни, бева-бечораларнинг ёнини оладиган, тўғри сўз, имонини сотмайдиган одам эди. У ўқимишли, араб тилини яхши билар, ғариб-

етимларнинг бошини силаш керак деган ақидага амал қиладиган эди. У мачитга намозга чиққанларни илм-маърифатга тарғиб қилар, болаларингизни ўқитинг, деб насиҳат қиларди. Жаҳолат йўқолса, одамларнинг ҳаёти яхши бўлади, дерди. Мана шу имом пешин намозидан олдин Тўраҳонбойнинг боғи ёнидан ўтиб кетаётганида Саҳоб Навоийнинг «Хусни ортар юзда зулфинг амбар афшон айлагач» байтини куйларди. Юракдан айтилаётган бу кўшиқ домлани тўхтаб, қулоқ солишга мажбур этди: уни ҳайратга солган кимнинг овози эканини билмади, бой бирорта донғи чиққан ҳофизни чақириб, меҳмондорчилик қиляпти шекилли, деб ўйлад. Ашуланинг оҳанги ва равон айтилиши шундан далолат берарди. Лекин домла бир дам қулоқ солиб тургандан кейин, сўзларнинг хато айтилаётганини пайқаб, мийиғида кулди-да, ўзига эл кўрмаса ҳам, атрофига аланглаб, кўчада ҳеч ким кўрилмаганидан кейин, девордан мўралади. Хушманзара богда Саҳоб хомток қиларди. Ишқомнинг оғзида тургани учун кўчадан яққол кўринарди у. Ашуласини тугатиб, яна бир-икки ортиқча наводани чилпиди-да, нарвондан тушди. Домла ҳаваскор ҳофизни уялтирмаслик учун, оёқ учиди девордан узоқлашди.

Бой уйида бўлса, жума кuni мачитга чиқиб турарди. Домла намоздан кейин уни тўхтатиб, Саҳоб тўғрисида гап очди:

— Хизматкор болангизнинг яхши овози бор экан,— деди.

Тўраҳонбой Саҳобнинг хиргойи қилиб юришини биларди. Ёлғиз қолганда ким ашула айтмайди? Ашула ёлғизликни билдирмайди, узоқни яқин қилади, меҳнатда ҳамдард бўлади, саз чалишни ёки кўшиқ айтишни билган одамнинг кўнглида бир дарди бўлади. У аламини созидан ёки кўшиғидан чиқаради, бировга ёмонлик қилмайди, деб ўйлаб, Саҳобга ҳалал бермасди бой.

— Биламан, уқувли бола,— жавоб қилди у домлага.

— Кўшиқни дўндирад экан-у, аммо сўзларини хато айтаркан, ўқимаган-да, фикрини давом эттирди домла,— На-

войнинг сўзларини чалкаш айтяпти. Ҳазрат Навоийнинг ҳар сўзлари бир дунё, уни хато айтиш гуноҳ. Ҳуи десангиз, мен унга хат танитиб қўйай, овози қироатга ҳам яхши тушади. Шояд сизга ҳам, менга ҳам савоби тегса.

Бой қаршилиқ қилмади, фақат ишга зарари тегмаслигини, бунинг учун қиш кечалари қулайлигини айтди. Домла эътироз билдирмади-ю, лекин бу фикрни хаёлидан ҳам чиқармади.

Қиш мавсуми ҳам етиб келди. Энди Саҳоб Малика билан аввалгидан ҳам кам учрашар, баҳоналар камайганди. Домланинг ўзи бойнинг эшигига чақириб келиб, Саҳобни мачитга таклиф этди. Унга қуръонни кўрсатиб:

— Шунинг ўқишинг керак,— деди-да, мақсадни тушунтирди.

Саҳоб қўзивой тарвузнинг уруғида бўладиган ажи-бужи чизиқларга ўхшаш ёзувларни илгари ҳам кўрган эди-ю, биринчи марта иши тушгани учун кўзи тинди. Лекин домла ўқитиш ва тушунтириш усулини яхши биларди. У эски домлалардек бармоғи билан узоқдан чаплашиб кетган ҳарфларни кўрсатмай, ҳар бир белгини ёзиб кўрсатди ва Саҳобнинг ўзига ҳам ёздирди ҳамда ҳужрасида машқ қилишга қоғоз-қалам берди. Идрокли Саҳоб бир ҳафтада бешта ҳарфни ўқиб ёзадиган бўлди. Домла уни мақтаб, кўнглини кўтарди, уч ойда ҳафтиякни хижжалаб ўқишга ўрганди, кейин қуръонга ўтди. Нотаниш сўзларни эслаб қолиш қийин бўлса ҳам, амаллаб бир-икки сурани ёд олди. Шу орада домла Навоийнинг девонини ўқишга бераркан, тушунмаган сўзларинини сўраб оларсан, деб тайинлади. Бу китоб Саҳобни сеҳрлаб қўйгандек, шам ёруғида кечалари қайта-қайта ўқиди, шунда байтларни нотўғри айтишини тушуниб, худди домла тепасида тургандек, хижолат бўлди. Ҳар ишда, ашулада ҳам пала-партишлиқ қилмаслик кераклигини тушунди. Илгари ундан-бундан эшитган ашулаларни бефарқ айтганини эслаб, энди бунга жиддийроқ қаради. Бир кун у ёймачилар олдидан ўта ту-

риб, кичкина дўкончада йиртиқ-ямоқ китобларни бутлаб ўтирган қарияни кўрди. Аввал, китоблар унга гапирмайдиган пайтларда қайрилиб қарамасди ҳам. Ҳозир қариянинг олдига бориб, кузатди: ўнг томондаги курсида муқоваси янгиланган китоблар тахлоғлиқ турар, қария варақлари титилиб кетган қалин китобни бетлар, четига сирач суркаб, энсиз бўз ёпиштирарди. У Саҳобнинг китобларни қизиқиб қараётганини пайқаб, кўзойнаги устидан қиялаб боқди.

— Келинг, ўғлим?

Саҳоб тортиниб, қариядан кўзини олиб қочди. Чунки у китоблар буюртмачиларникими, сотиладими, билмасди. Сотиб олишга эса, пули ҳам йўқ эди.

— Шунчаки томоша қилмаётганингиз билиниб турибди,— деди қария юмшоқлик билан,— керагини айтаверинг, арзон қилиб бераман.

— Раҳмат,— миннатдорчилик билдирди Саҳоб,— бир кўриб боқай деб эдим.

— Ўзбек тилидагиси керак бўлса, сўраганингиз топилади: Лутфий дейсизми, Навоий дейсизми, мана буниси Машрабнинг китоби.— Тортиниб турган Саҳобга қаттиқ муқовали китобни узатди.

У хижолатлик билан китобни варақлаб, қарияга узатар экан:

— Кейин олиб кетарман...— деди, пулим йўқ, дейишга ийманиб.

Қария уни тушунди, ким, қаерданлигини суриштириб, китобни насиага бериб юборди. Илгарилари ҳам халқ оғзидан эшитиб юрган Машраб ғазаллари оқшом ўқиганини эртасига ёд бўлиб қолишига ҳайрон қолди. Шеърларнинг мантиқи ва мусиқавийлиги Саҳобнинг завқини келтирар, гоҳ у ер-бу ердан эшитган оҳангга байтни солар, гоҳ ўзи ҳам янги куй яратарди. Боғнинг этагида, ёки ташқарида ҳеч ким йўқлигида кўпинча хиргойи қилар, баъзан берилиб кетиб, овозини баралла қўйганини билмай қоларди. Қунлардан бирида Саҳоб отхонада беда қирқарди, жодининг

гичир-гичирига мослаб минғирлаб хиргойи бошлади. Аста-секин ўзининг қаерда турганини ҳам унутгандек, Машраб-нинг «Уртар» қўшиғини баралла куйлаб юборди. У бу разал сўзларини ҳам, куйни ҳам яхши ўзлаштириб олганди. У энди бир бандни тугатганида ичкаридан Тўраҳонбой чиқиб келди. Унинг уйдалигидан Саҳоб беҳабар эди. Бой отхона эшигига бориб, қўлини орқага қўйганча, бўйинини чўзиб туриб қолди. Саҳобнинг ҳақиқий ашулачилардек етук, ёқимли, бир оз мунгли овози унинг кўнглида ухлаб ётган алланечук ҳасратли туйғуни уйғотди, балки ёшлик чоғларидаги кечинмаларни эслатди шекилли, қўшиқ тугаганда ҳам хаёли ўзига келмади, жодунинг гичиллаши эшитилгандагина ҳушини йиғиб:

— Баракалло,— деб юборди.

Бу олқишдан Саҳоб чўчиб тушди, Тўраҳонбайдан уялиб, ҳаракатини тезлаштирди.

— Мен яхши қўшиқни яхши кўраман, тортинма, ука!

Бой ҳазил қилмаяптими деб ўйлаб, унга кўз қир: билан қаради-да, хижолатдан жоди дастасини ўйнади. Лекин бойнинг биринчи марта уни ука, дейиши кўнглини бўшаштириб юборди. Шу топда ундан шу қадар миннатдор эдики, агар Тўраҳонбой қучоғини очса, ўзини унинг бағрига отишга ҳам тайёр эди. Лекин бой уни қучоқламади, садоқатли хизматкорининг елкасига қоқиб, юпатди:

— Сен менинг қиёматли укамсан, ҳеч қисинма!— деди. Зулукдек қора отини эгарлашни топшириб, орқасига қайтди.

Шу куни бой отда, қамчи ўрнида дутор олиб келди. Саҳоб югуриб бориб, отнинг жиловидан ушлади-да, бойнинг қўлтиғидан олди. У дуторни хизматкорига тутқазаркан:

— Сенга олиб келдим, ука, бўш вақтингда машқ қиларсан. Дутор куйлари ҳам шайдо қилади кишини. Усталик билан чалса, эриб кетаман.

Бойнинг ман қилиши у ёқда турсин, рағбатлантиришидан Саҳоб терисига сиғмай севинди. Укам, деб атаган сў-

зининг исботидек билинди бу унга. Эгним бут, қорним тўқ, битта ака шунчалик бўлади-да, деб ўйлади. У дуторни биринчи кўриши эмас: нариги маҳаллада кекса машшоқ бўлиб, бой зерикканида ёки уйига меҳмон келганида Саҳобдан уни айттириб юборар, шунда у дуторни бирга кўтаришиб келар, машшоқ боладаги ҳавасни сезиб, унга йўл-йўлакай дутордан гапирар, қулай келганда чалишга ҳам ўргатарди.

— Болаларимга касбим юқмади, деҳқончиликдан бўшамайди,— дерди икки ўғли ҳақида гапириб,— сен ўргансанг, зора савоби тегса...

Мана энди Саҳобнинг ўзи ҳам дуторлик бўлди. Эшитган куйларини эслаб қолиш қобилияти унда кучли бўлгани учун дутор билан тезда ошналашди. Гоҳ ўзи билган қўшиқ оҳангига дуторни тинғиллатар, керакли пардаларини топмагунича кўнгли ўрнига тушмасди. Шундай қилиб у дурустгина чаладиган, унга жўр бўлиб куйлайдиган бўлиб олди. Энди Тўраҳонбой уйда қолганида Саҳобни чақириб:

— Кел, ука, дунёнинг ташвишларидан кўнгилини бўшатайлик!— дерди.

Саҳоб бойда ҳам ташвиш бўлишини тасаввур қилмас, уй-жойи шай, бола-чақаси бағрида, егани олдида, емагани кетида, деб ўйларди. Бойнинг ҳам душмани бўлишини, ҳар дақиқада унинг сиғишини пойлашини билмас, бундан ташқари илғор ишчиларнинг бойларга қарши олиб бораётган курашидан беҳабар эди. У бой акасининг кўнглини очиб учун ўзи севган куйларни эзиб чалар, гоҳо паст овозда қўшиқ куйларди. Тўраҳонбой ёстиққа ёнбошлаб, кўзини юмиб, билинар-билинмас бош чайқар, ташқари қоронғи бўлгани учун деразадан мўралаган аёлларни кўришмасди. Аввал катта хотини, кейин кичиги дераза тағига келар, Маликанинг яқинлашишга бети чидамасди. У хизмат қилиб юрганида ашуланинг узук-юлуқ сўзларигина эшитилиб қоларди. Шу алфозда кунлар ичкаридагиларга ва Саҳобга беташвиш ўтаётгандек туюларди.

Бир куни Тўраҳонбой ҳамтовоқ ошналарига ҳофиз хизматкорини мақтаб қолди.

— Бунақасини кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам, олло берса, шоҳдан ҳам, гадодан ҳам чиқаверар экан,— деди.

— Лоп ҳам эви билан-да,— деди бири.

— Уста кўрмаган шогирд-да, минг қилса ҳам,— деди иккинчиси.

Шундан кейин бой баҳс ўйнаб, улфатларидан бирининг ўғил тўйига Саҳобни бошлаб борадиган бўлди. Базм куни кечқурун Тўраҳонбой Саҳобни ясантириб биринчи марта даврага бошлаб борди. Кўпчиликнинг орасида бўлмаган, казо-казолар даврасида ўтирмаган Саҳобни қип-қизил гилам ва шойи кўрпачалар тўшалган супада ўтирганлар олдига йўллашганида у довдираб, нима қилишни билолмади. Тўраҳонбой унинг кайфиятини сезиб, аста қўлтиғидан ушлади-да, ўзининг ёнига ўтқизди. Дуторини ушлаб туриш баҳонасида энгашиб, Саҳобнинг қулоғига шивирлади:

— Тортинма, ўзингни хирпа ҳофизлардек тутавер,— деди супанинг у бурчагида ўтирганларга ишора қилиб.

Хирпа ҳофизлар қанақа бўлишини ҳам, улар ўзини қандай тутишини ҳам Саҳоб билмасди. У қизариб, машшоқларга кўз қирини ташлар экан, уларнинг кулиб гаплашиб ўтиришини кўрди-ю, бари бир ҳеч нарсага тушунмади. Қулоғи шиппа битиб, меҳмонларнинг ғала-ғовурини ҳам эшитмади. Бир оздан кейин яна бошини кўтариб қараганида машшоқлар унга ғараз ва ҳасад билан қараётгандек туюлди. Қаршида ўтирган машшоқлару ҳофизлар кўпчилик, Саҳоб шулар билан беллашиши керак, донғи чиққан полвонлар биринчи марта куч синашгани келгандек уни ваҳима босди, ҳатто, эти увушаётгандек ҳис этди у ўзини. Шу топда ликопчанинг чертилиши эшитилди, кимдир катта ашулани бошлади. Созандалар ўртасида ўтирган узун қора соқолли киши кекирдагини чўзиб хониш қиларди. Пати йўқ хўрозникидек буришган бўйни, пойтешадек кўтарилиб тушаётган соқолини кўриб, Саҳобнинг беихтиёр кул-

гиси қистади. Овоз Саҳоб ўйлагандек равон эмас, хирил-
лаб чиқарди, ёнида ўтирган ошнаси ора-чора чой ҳўпла-
тиб қўярди. Ҳофиз ашуланинг авжида жуда ҳам хириллаб
қолди, лекин эплаб кетди. Айрим меҳмонларнинг кўнгила
учун «яшанг, кам бўлманг», деган олқишлари эшитилса
ҳам, кўпчиликнинг берилиб тингламаётгани сезилди. «Чин-
дан ҳам хирпа ҳофиз экан», деб хаёлидан ўтказган Саҳоб
ўзини анча тутиб олди. Иккинчи бир ҳофиз тамбур билан
гирияни бошлади. Анча тузук айтди-ю, аммо унда эҳтирос
етишмасди. Буларда ҳавас йўқлигини, кунини ўтказиш
учун ашула айтишини Саҳоб фаҳмлади. Ҳофиз ашуласини
тугатди, кўнгила учун айтилган олқишлар эшитилди. Меҳ-
монлардан кимдир:

— Қани, янги меҳмондан ҳам эштайлик,— деди. Кўп-
чилик унинг гапини қувватлади.

Бу таклиф ўзига қаратилганини сезиб, бирдан Саҳоб
қаяжонга тушди. У дуторни қўлига олганида бармоқлари
титраб, ҳадеганда созланмади. Сабрсиз меҳмонлар:

— Эштайлик!— деб бақаришди.

Саҳобнинг ҳаяжонланаётганини сезган Тўраҳонбой
унинг қулоғига:

— Ўзингни бос, шарманда қилма!— деб тўнғиллади.

Бу Саҳобга тарсакидек туюлиб, бир оз хаёли чалғиди,
бари бир дутор қайсарлик қилиб созланмасди. Ниҳоят
ўзига керакли пардани топди. Бу орада меҳмонларнинг
ғўнғир-ғўнғири эшитилди. Саҳоб ўзини чалғитиш учун
хаёлини Маликага кўчирди. У девор ортидан унинг ашу-
ласига муштоқ бўлиб тургандек, айтмаса хафа бўладиган-
дек эди. Саҳоб Машрабнинг «Келадур» ашуласини бош-
лади. Унинг ҳали ҳеч ким эшитмаган ёқимли овози, куй-
нинг мунглилиги тингловчиларни шаккоклик қилишдан ти-
йиб турган бўлса ҳам, Саҳоб баъзи жойларда музикадан
чиқиб кетганини, айрим сўзларни ноаниқ талаффуз қил-
ганини сездди. Унинг тантанасини кутган Малика энди юзи-
ни ўгириб тургандек эди. Саҳоб қаерда ўтирганини унутди,

хаёлини Малика тамом банд этди. Шунда иккинчи ашула «Ўртар»ни бошлаб юборди.

Агар ошиқлигим айтсам,
Куйиб жону, жаҳон ўртар...

Бу мисраларни бошлашиданоқ Саҳобнинг юраги жи-мирлашиб, рангида ўзгариш пайдо бўлди. Ёш бир йнгит тўсатдан: «Яшавор!» деб юборди. У ёш ҳофизга катта дал-да берди. Меҳмонларнинг сув қуйгандек жим ўтирганини, баъзиларнинг сел бўлиб, оҳангга бош чайқашини кўрди Саҳоб. Ашуланинг авжини шундай тиниқ, қийналмасдан айтдики, бундан кайфияти янада кўтарилди, энди ўзини бутунлай тутиб олган, бутун хаёли юракдан, эҳтирос би-лан айтишга қаратилганди. Ашула тугади, Саҳоб кутган мақтов эшитилмади. Тингловчилар ҳамон миқ этмай ўти-рарди. Саҳоб маъюс тортиб, бошини эгди. Энди бойдан дашном эшитишни, шунча одам, қаршисида ўтирган хир-па ҳофизлар олдида бошини кўтара олмаслигини, бу шар-мандаликдан яшамаган маъқуллигини бир зумда хаёли-дан ўтказди. Шу пайт бир ҳовли одам тўсатдан уйғонган-дек бир овоздан:

«Яша, умринг узоқ, иқболнинг баланд бўлсин», деб ол-қишлагани эшитилди. Чекка-чеккадан одамларнинг ўзаро фикр алмашиши Саҳобнинг қулоғига чалинди. «Худо бер-ган овози бор экан, бунақасини эшитмаган эдим, томоғини ҳам ҳўллагани йўқ...»

Саҳоб ўзида йўқ хурсанд эди: биринчи катта синовдан ғалаба билан ўтди. Қаршисидаги ҳофизларнинг кайфи бу-зилганини кўриб, уларга раҳми келди. Шу куни тўй эгаси Тўраҳонбойга ҳам, Саҳобга ҳам чопон кийгазди. Кетиш-лари олдидан катта қўчқорни етаклатиб юборди.

ҲОФИЗНИНГ БАХТИ

Саҳобнинг шаҳарга довриғи кетди. Тўраҳонбойнинг яқин ошна-оғайнилари уни тўй ва меҳмондорчиликка тез-тез таклиф қилар, ҳофизингизни ҳам бирга олинг, ўлади-

гап дунёда кўнгилхушлик қилайлик, деб тайинлашарди. Тўраҳонбойнинг чиқимсиз ўтиришга суяги йўқ эди, айниқса, боёнларнинг уйида, ҳаммадан юқорида роҳатланиб ўтиришни ёқтирар, меҳмонларнинг кўнглини хушлаётган Саҳоб унинг хизматкори эканидан ғурурланарди. Фақат ўзидан ўткирроқ бой Саҳобни айнитиб қўйишдан чўчирди: бунақанги қобил, садоқатли, меҳнаткаш, ҳалол, бунинг устига ўткир ҳофизни қаёқдан топади. Уни ўзига боғлаб олиш учун бир қиш Маликага уйлантириб қўйишни ваъда қилиб юрди.

Авжи пишиқчиликда Тўраҳонбой иккала етимчани ниқоҳлаб, кичкина тўй қилиб берди. Дарвоза ёнидаги ҳужрага эски бўлса ҳам ҳали пишиқ сандиқ, бўйра устидан наमत тўшаб, келин-куёвга мос жиҳозлатди. Саҳоб ҳам, Малика ҳам буздан бахтиёр, Тўраҳонбайдан миннатдор эди. Бой хонадонидан миннатдор бўлган иккала ёш ҳамон чарчаш нималигини билмай, астойдил хизмат қилишарди.

Саҳоб бойнинг хизматларини ўринлатгани учун унинг янги-янги қўшиқларни машқ қилишга тўсқинлик қилмасди. Айниқса, у қоронғи тушиб, ҳужрасига қайтганида дурторни қўлга олар, Фузулий, Фурқат, Муқимий ғазалларини куйлаб ўтирар, Малика бу вақтда ичкарида идиш-товоқларни ювиб саранжомлар, эрталабга тайёргарлик қиларди. Юмушларини тинчитгани учун кундошлар уни тергайвермасди. Лекин у ҳомиладор бўлиб, оғирлашиб қолганида ҳам юмушдан бўшатишмади. Агар овқат кечроқ қолса, кир ўз вақтида ювилмаса, фисқи-фужур гапларни айтадиган, қочирим қиладиган бўлиб қолишди.

— Ҳали ёшсан, қорнингни кажавадек қилиб юрасанми, сендек вақтимда мен учардим,— деди кичик хотин Сапобар. У Маликадек вақтида қўлини совуқ сувга урмай, туғишидан уч ой олдин уйида ёнбошлаб олганини эсламасди ҳам. Ўзи оғир ишга қўл урмаган-у, ундоқ қилардим, бундоқ қилардим, деб мақтаниб Маликага дашном берадиган бўлди.

Оғирчиликдан боши чиқмаган етим оқсочнинг бойвуч-

чаларга эътироз билдиришга ҳадди йўқ эди. Бир марта нима қилай, деганига балога қолганди. У кўзи ёрийдиган куни ҳам хизмат қилиб, тонг отарда ўғил кўрди. Ичкаридан бирортаси унинг кўнглини сўраб чиқмади ҳам. Фақат бой Саҳобга бир сўм суюнчи бериб:

— Буёғига қарздормиз, ука,— деди.

Саҳоб ўғил кўрганига хурсанд, бойдан миннатдор эди. Малика шу куни ўрнидан туролмади, ичкаридан иссиқ овқат ҳам чиқмади. Чунки иккала кундош сансолар қилиб, қозон осмади. Эртасига пешинда Ёқут ҳужра олдига келиб, остонадан сўради.

— Тузукмисан?

— Дармоним йўқ,— инқиллаб жавоб қилди Малика.

Саҳоб ҳам ҳужрада чақалоққа қараб ўтирарди. Ёқут ундан юзини яширмай, Маликага минғирлади:

— Тур, думба ёғдан атала қилиб ичсанг, отдек бўлиб кетасан. Тўртта қиз туғсам ҳам ўша кунийёқ белимни боғлаб кир ювганман.

Туққан куни кир ювган одам, аталани ҳам энди пиширолмадингми, деб сўрайдиган одам йўқ эди. Кундошлар фақат керилишдан бошқасини билишмасди. Ана шунда ораларидаги кескин тафовут айнап сезилди. Пулдорлар оғизда, бечоралар машаққат билан ишни бажариши тобора билинар, лекин итоат этишдан бошқа илож йўқ, оллонинг хоҳиши шу, деб ўйларди Саҳоб ҳам, Малика ҳам. У инқиллаб ўрнидан турди, дармонсизликдан аста юриб, ичкарига кирди. Санобар уни кўриши билан:

— Ўғил туққанингга талтайиб кетдингми? Жарақ-жарақ пули борга ярашади ёнбошлаб ётиш,— деди чиёндек чақиб.

Малика индамади, иккала кундошга илтижоли боқиб:

— Нима қилай?—деб сўради.

— Ош дамла, заҳарингга ўзинг ҳам ейсан.

Санобарнинг андишасиз гапи Маликанинг нарёғ-берёғидан ўтиб кетди. Боши айланиб, деворга суяниб турдида, ўзини тутиб олиб, ошхонага кирди.

Кундошлар Маликага аввалгидан зардалироқ бўлганга ўхшаб туюлди. Уни аяшмади, эртасига йиғилиб қолган кирларни ювди-ю, иситмаси чиқиб, ётиб қолди. Саҳоб Тўраҳонбойга ичкаридагилардан шикоят қилди:

— Ака, янгаларим Маликага дам беришмади, касал бўлиб қолди,— деб айтди.

Бой табиб олиб келди, Маликани даволатди, хотинларини уришиб берди:

— Сочи узун, ақли қисқа, дегани рост. Бурнингдан нарисини кўрмайсанлар, бундай тили йўқ, жағи йўқ хизматкорни кўчага ташлаб қўйибдими, эртага ҳам керак бўлади-ку!— деди.

Кундошлар бойдан қўрқиб, Маликани безовта қилишмади-ю, лекин унинг бели шамоллаб бўлганди. Бир оз тўзалганидан кейин Малика ҳам тинч ётолмади, яна силқовланиб ишга тушиб кетди. Энди у эри билан ўзини эмас, чақалоқни ҳам ўйларди. Бой уни мўмин-қобил бўлсин, деб отини Қобил қўйганди.

Қорли-қировли кунлар бошланди. Эр-хотин Қобилжонни галма-галдан авайлаб, тарбиялай бошлашди. Бойнинг болаларидан қолган, кўп йилдан бери чордоқда ётган эски кўйлак, чопонга ўраб, шамоллашдан асрашди. Ёз келганида Қобилжон тўққиз ойлик бўлиб, дадасига талпинадиган, унга борганидан кейин қиқирлаб қулоғи-ю, бурнидан тортадиган, ойиси олмоқчи бўлса, жажжи қўллари билан дадасининг бўйнига ёпишадиган қилиқ чиқарди. Ота-бола бир-бирига шунчалик ўрганган эдики, куни билан дадаси кўринмаса, Қобилжон харҳаша қилар, Саҳобнинг ҳам юраги уюшарди.

Ёзда тўй-томошалар юришиб кетди, кеч кузгача Саҳоб бойнинг қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларикидан бўшамай қолди. Гоҳ уларнинг тўйига борар, гоҳ улфатчилигига чақиришарди. Тўй эгалари ва меҳмонларни хурсанд қилгани эвазига ярлақаса тугун беришар, чунки бой тутинган укасининг хизматларини тўёнага йўйиб, бирор нарса олдирмасди. Саҳоб эса, тўкин дастурхон олдида гоҳ

машқ чалиб, гоҳ қўшиқ айтиб ўтирганида, қоронғи ҳужрада қолган севикли ўғли, меҳрибон рафиқасини ўйлаб, еганичгани татимас, ликопчаларда ёки дастурхонга тўкиб қўйилган ноёб попуқлардан хижолатлик билан «табаррук» деб бир-иккита олар, ёнида ўтирганларга:

— Уғлим бор, жуда ширин бўлган-да,— деб қўярди. Ичида ўғлига худди бир дунё олиб борадигандек севинар ва унинг хурсанд бўлишини тасаввур қиларди.

Катта йиғинлардан Саҳоб тунда қайтарди, унинг отхонада қиладиган юмушлари ҳам Маликага қоларди. Буларнинг бахтига Қобилжон йиғлоқ бола чиқмади. У дўмбоққина бўлиб, дадаси толпоя ва қопдан ясаб берган беланчақда ухлаб қоларди. Саҳоб бўшади дегунча уйига ошиқарди, агар ўғли ширин уйқуда бўлса, жинчиरोқ ёруғида термилиб, узоқ туриб қолар, пешанасини силар, уни қандайдир чаманзорларда, боғларда эркин ўйнаб юрганини кўз олдига келтирар, Қобилжон уйғониб, Саҳобнинг кўкнори хаёли тарқаб, жинчироғу қора ҳужрани кўрар, бировга муҳтожликдан кўнгли ўксирди, наҳотки Қобилжоннинг ҳам қисмати шу бўлса, рўшнолик кўрмаса, деб изтироб чекарди. Гўё Қобилжон ухласа бу ташвишдан қутуладигандек, уни бағрига босиб, ўзи тўқиган қўшиқ оҳангида аллаларди:

Ширин бола, қароғим,
Қора уйда чироғим,
Улғай, бахтинг бўлсин ёр,
Гижинглаган тойчоғим.

Қобил алланинг эркаловчи оҳангига маҳлиё бўлиб уйқуга кетарди. Бу тез-тез такрорланиб тургани учун Қобилнинг қулоғига абадий ўрнашиб қолди. Чунки, у беш ёшга кирганида ҳам дадаси елкасига қоқиб, шу алла билан уни ухлатарди.

Кейинчалик, эси кириб, дадаси кўзига кўринмагунча ухламайдиган одат чиқарди Қобил. У дадасини сўрайвериб, чарчаган Маликани ҳам ухлатмасди. Таниш оёқ то-

вушни эшитганида ўрнidan ирғиб туриб, Маликанинг ҳайҳайлашига қулоқ солмай, дарвозага отиларди. Саҳоб ўғлини қўлига олиши билан унинг бўйнидан қучоқлар, кунни билан топиб қўйган гапларини бижирлаб гапирар, дадаси эркалаб елкаларини силар, ўринга ётганда эса, уйқу беравермагач:

— Қани ўғлим, мени ухлатиб қўйинг-чи,— дерди бошини силаб.

Қобил дадасига тақлид қилиб, жажжи қўллари билан унинг елкасига уриб, болаларга хос беғубор овозда куйларди:

Ширин бола, қароғим,
Қора уйда чироғим...

«Ширин бола»— Саҳоб қоронғида жилмайиб ўзини ухлаганга солар, Қобил эса, унинг пинжигга тиқилиб, бўйнига қўлини ташларди-да, ўзи ҳам ухлаб қоларди.

Қобил олти ёшга кирганида тўққиз-ўн ёшли боланинг дидини бериб қолди. Унинг кўрган дунёси мана шу жинчироқдан сомон сувоқлари қорайиб кетган хужраю бойнинг ичкари-ташқариси бўлди. Боққа эса, аҳёнда дадаси билан кирар, бирор нарсага теккани ҳадди сиғмас, бунга бойнинг болалари ҳам, Саҳобнинг ўзи ҳам йўл қўймасди. Шунда бола хаёлида нега бундай, деган савол туғилар, ўзи кўкартираётган боққа дадасининг ҳам ҳадди сиғмаслигига ақли етмасди. Боғ этагида икки туп азим ёнғоқ бор эди, бойнинг неваралари тагида кесак отиб, ғужвон ўйнашар, Қобил борса уриб ҳайдашарди. Уни чиқиштиришмасди. Бунинг сабабини сўраганда, дадаси:

— Боғ уларники, берухсат тегиш гуноҳ бўлади,— дерди.

— Нега бизаники йўқ?— сўрарди Қобил.

Саҳоб гап тополмасди, шунинг учун:

— Бу худонинг хоҳиши,— деб жавоб қилар, ўғлининг қаноатланмаганини сезса ҳам, итоатга ўрганган Саҳобда бошқа жавоб йўқ эди. У ўғли эсини таниб, шаккоклик кўчасига кириб кетмаслиги учун уни банд қилиш, ўқишга

ўргатишни кўнглига тугди ва маҳалла имомининг розилигини олиб, ўқишга олиб борди. Домла Саҳобнинг қўшиқларини завқланиб эшитар, уни саводли қилиб, кўп шоирларни танишга имкон яратиб берганидан хурсанд бўлиб юрарди. Гарчи Қобилни ўқитгани билан Саҳобдан бирор нарса унмаслигини билса ҳам, савобни ўйлаб, болага таълим бера бошлади. У ўйинқароқ, хаёли тарқоқ эмасди, домладан ўрганганларини уйда дадаси билан такрорлаб, билганларини пишиқларди. Саҳоб ўғлини чиройли ёзишга ўргатар, қаерлардандир парча-парча қоғоз топиб келар, чойқоғозни кўрса, тилла топгандек севиниб кетарди. Қобил эса, жимжилоқдек кўк қаламни тили билан ҳўллаб, ҳарфларни қайта-қайта ёзишдан эринмас, тилию лаблари кўкариб кетганига парво қилмасди. Шундай қилиб, у саккиздан ошганда ҳарф таниб, ёзишни ўрганди.

Тўраҳонбойнинг икки набираси ҳам шу домлада икки йилдан бери ўқирди. шўх, беқарор болалар бўлгани учун ҳали ҳам ўқишни билмас, нуқул Қобилни турткилашар. домла уни мақтаса, катта одамга гап қайтаришмасди-ю, Қобилга:

— Ҳар қанча билганингда ҳам хизматкор бўласан-да,— деб уни хафа қилишар, ота-боболарининг бойлиги билан керилишарди. Улар бошқа камбағалроқ оилаларнинг болаларига ҳам кун беришмасди. Қилиғи совуқ бойваччаларни домла ҳам ёқтирмасди. Лекин ночор қаттиқ гапирмасди.

Қобил уйда ёлғиз қолганида қўшни Кимё бувникига чиқарди. Унинг Саҳоб тенги ўғли ҳам, Кимё буви ҳам, ҳатто, тўшакда ётган қария ҳам Қобилни яхши кўришар, у билан катта одамдек гаплашишарди. Қобил ўқишни ўрганганига, айниқса, қария жуда севинди. «Қиссасул анбиё» китобини чол кўпдан бери асраб юрарди-ю, ўқиб берадиган одам йўқ эди. Ўғли деҳқончилик билан бўлиб, ўқиёлмай қолди. Қобил нотаниш китобни биринчи кун иҳижжалаб, бир бетни зўрға ўқиди.

— Умринг узоқ бўлсин, бошинг оғримасин болам,—

деди қария севиниб,— бугун бир варақни ўқисанг, эртага иккитасини ўқийсан. Қимирлаган қир ошар, дейдилар, ҳаракат қилавер.

Боланинг қилаётган ишидан Саҳоб ҳам, Малика ҳам хурсанд эди. Зора бир тузукроқ одам чиқса, деб умид қилишарди. Ўзларининг оғир меҳнатини ўғлига раво кўришмасди. Лекин уларнинг орзуси, қувончига завол етди.

ЖУДОЛИК

Бу вақтда жаҳон уруши борарди, ҳоли танглаша бошлаган подшо ерли аҳолидан фронт орқасидаги ишларга мардикор ола бошлади. Мамлакатда танглик, ғалаёнлар кўтарилди. Тўй-томошалар тўхтаб, одамларни ғам-ташвиш эзди. Деҳқончилик, боғдорчилик ишлари ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолди. Энди хурсандчилик кўнгилга сиғмасди. Бева-бечоралар мардикорга олинган ўғли ёки эри фироқида ўртанарди. Саҳоб уйда, ҳеч ёққа чиқмай бойнинг хизматларини қилар, ором билмасди. Малика ҳам бир зум дам олмасди. Бой хонадонида бола-чақа кўпайиб, ишнинг кўлами ортар, кундошлар аяшни билмасди — ўзининг тинчини кўзларди. Бу қийинчиликларга қарамай Саҳоб билан Малика ўтган кунига шукур қиларди. Чунки, кўпчилик хонадонларда бўлаётган йиғи-сиғи ҳали бу хонадонга кириб келмаганди. Кимё бувиникидан эса, азада бўладиган нолиш эшитилди:

Норим эдинг, Норжоним,
Меҳрибоним полвоним,
Сенсиз йўқдир мадорим,
Таянчимдан айрилдим.

Уйим тўла нур эдинг,
Чорбоғимда гул эдинг.
Кўнглим ғурури эдинг,
Ғуруримдан айрилдим.

Норжоннинг нарёқ-берёғидан алам ўтиб турган бўлишига қарамай, онасининг нолишини босиш учун:

— Ҳали тирикман-ку, элбурутдан аза тутманг!— деб уришиб берди.

Пешанасида биттаю битта ўғли бўлса, дадаси тўшакда ётган бўлса-ю, бирортаси раҳм-шафқат қилмаса, кампирнинг додлашдан бошқага кучи етмасди. Норжон онасининг кўнглини совитиш учун жеркиб ташлади:

— Бас қилинг деяпман, битта менми мардикор кетяпган, юртга келган тўй-ку...

— Вой ўргилай кўзичоғим, кимга тўй, кимга аза...— баттарроқ ув солди Қимё буви.— Нега оқсоқолнинг боласини, Насрилло бойнинг беш ўғлидан биттасини олмайди?

Онанинг бу ҳаққоний сўзига Норжон жавоб топмади.

Юртга келган «тўй» Тўраҳонбойникига ҳам кириб келди. Ҳали Қимё бувининг нолишлари тинмай, у Саҳобни ичкаридаги хонасига чақиртирди. Бу хонага жуда зарур пайтда ва бойнинг ашула эшитгиси келгандагина кирарди. Кейинги пайтларда бой ашула эшитишни ҳам йиғиштириб қўйганди. Шунинг учун Саҳоб ичкарига қадам босаркан, кўнгли алланечук нохуш эди.

Бой хонада ёнбошлаб ётарди, Саҳоб кириши билан ўрнидан туриб, ёнидан жой кўрсатди, ундан бундай муносабатни биринчи кўрган Саҳоб муҳим иши борлигини пайқади, Тўраҳоннинг ёнига тортиниб ўтираркан, турли хаёлларга борди. То бой ўзи гап очмагунча бошини эгиб ўтирди. Лекин Тўраҳонбой шошилмасди, икки косада Санобар шўрва кўтариб кирди — бу ҳам янгилик эди. Бундай ишларни одатда Малика бажарарди, бойвуччаларнинг бир нарса кўтарганини ёки ювганини Саҳоб кўрмаганди. Санобар нон ушатиб чиқиб кетди.

— Ол ука, тортинма,— деди бой меҳрибонлик билан.

Косалар йиғиштирилди ҳамки, бой мақсадини очмади, тишини ковлаб, ўтирарди. Саҳоб ўнғайсизланиб, йўталди. Шундан кейин бой узоқдан гап бошлади:

— Ука, ақлинг бор, кўп нарсага тушунасан,— деди у

томоғини қириб,— бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер, қиёматли укам деганман, укалик қиласан, шундайми?— гапини тасдиқлатмоқчи бўлди бой.

Гапнинг савти чўзилиб кетганидан Саҳобнинг кўнглида шубҳа кучайди-ю, лекин бош қимирлатиб, бойнинг гапини маъқуллади.

— Баракалла,— деди бой чеҳраси ёришиб Саҳобни мақташга тушди:— Мен берган тузимни оқлашингни билардим. Узингга маълум, катта аянгдан тўрт қиз кўрдим. Кичик аянг Ҳасан-Ҳусан туғиб берди-ю, пешанамга Ҳасани сигди. Жуда нозик бўлиб ўсди у. Саратонда иссиқ шамол эсса ҳам аксиради...

Бойнинг мақсадини Саҳоб энди аниқ билди, лекин андишали йигит ботиниб бир гап айтолмади. Эгик боши янада қуйн солинди, дарров кўзи олдига биттаю битта фарзанди, жонидан ҳам яхши кўрадиган ўғли, хизматда қадди эгилган, қувлик-шумликни билмайдиган меҳрибон Маликаси келди. «Айрилиққа улар қандай чидаркин? Дарвозахона ёнидаги ҳужрада, ёлғизлик ва қиш қировли кунларда ҳоли нима кечаркин?»

Тўраҳонбой Саҳобнинг аламли фикрларини уққандек, унинг елкасига қоқиб юпатди:

— Бола-чақангнинг ташвишини қилма, аканг бўлганимдан кейин уларни унутармидим, она қорнида ётгандек авайлайман. Ичкарига— аяларингнинг ёнига кўчиб ўта қолади. Қобилжон ўқишини давом эттираверади, сен келгунингча мулла бўлиб қолади. Оқ подшога хизмат қилганлар, иншоолло кам бўлмайди.

Бойнинг ширин сўзлари Саҳобнинг кўнглини кўтармади, хўрликда катта бўлаётган Қобилжоннинг баттарроқ хўрланиб қолишини, Маликани аяйдиган киши қолмаслигини ўйларди. Ундан садо чиқмагач бой тўрс сўзлашга ўтди:

— Ҳушёр йигит эдинг-ку, гапимга тушунмадингми? Уйлаптириб қўйдим, укам демаганимда шундай қилармидим, қайси бой хизматкорини уйли-жойли қилиб қўйибди?

Шунча йил ишлаган ҳақингни, Маликанинг ҳақини ҳам йиғиб қўйганман. Эсон-омон қайтиб келсанг, бунга имоним комил, ҳовли-жойли қилиб қўяман — ёқтирган ҳовлингни олиб бераман, бундан ортиқ нима қилай сенга?

— Райингизни қайтара олмайман, ока, аммо бола-чакамни кўзим қиймаяпти...

— Қантдек асраб бераман дедим-ку, бўлди, тайёргарлинггни кўравер, эртага йўлга тушасан!

Шу кунни Маликага иш буюришмади, юртга келган «тўй»дан кечаси билан йиғлаб чиқди. Дадасига ҳаддан ташқари меҳрибон Қобилжон онасига қўшилиб йиғларкан, бу айрилиқнинг оқибатларини ҳали тасаввур қила олмасди, унинг бўйнидан қучоқлаб:

— Тез қайтиб келинг, дадажон,— деб тайинларди. Бу боришу келиш дадасининг ихтиёрида деб ўйларди.

Саҳоб ўғлига далда бериш ўрнига ўзи ҳам йиғлаб юбормаслик учун кўзларини олиб қочарди, унинг елкаларини силаб, бағрига босарди. Бу айрилиқдан оғир мусибат йўқ эди Саҳобга. Қаерга бориши, қачон қайтиши номаълум. У йўғида меҳрибон хотини билан жондан яхши кўрган ўглининг ҳоли нима кечади? Бой ардоқлайман дегани билан, унинг тантиқ набиралари, болалари ва кундошлар тинч қўярмикин? Нима қилиши керак? Бормайман деса, бу даргоҳдан қувлиши аниқ. Бой унинг бошига бошқа бир оғир мусибат солиши ҳам мумкин. Унда хотин-боласи қаерларда сарсон бўлади? Бундай оғир, қийинчилик пайтларда ким ҳам бошпана берарди. Нима қилса ҳам Тўраҳонбой қиёматли ака-ука тутинган, зора вадасининг устидан чиқса, Саҳобнинг садоқати, хизматлари ҳаққи ўғли билан Маликани қийнамаса.

Тўраҳонбой Саҳобнинг кўзи олдида Малика билан Қобилга ичкари ҳовлидаги ошхона билан ёнма-ён ҳужрани жиҳозлаб берди. Бундан Саҳобнинг кўнгли бир оз таскин топди.

Саҳоб кетган куннинг эртасигаёқ бойнинг неваралари

Қобилни турткилай бошлади. Шунинг учун у бой болаларининг ўйинига аралашмасди, бўш қолса ҳужрада мутолаа билан шуғулланарди, лекин бўш вақтнинг ўзи кам бўларди: ойисига қарашиб, ҳали сув ташир, чой қайнатар, идиш-товоқларни ювишар, отларни суғориб, олдига беда солар, кетмонни зўрға кўтариб, отларнинг тагини тозаларди. Бой эса, уни ўқитиб, мулла қиламан, деган ваъдасини унутиб, нуқул ишга буюрар, шу туфайли у мактабга бора олмасди. Бойнинг набиралари қўлини совуқ сувга урмас, Қобил азонлаб туриб ойисига қарашаётганида, бойваччалар ухлаб ётар, ҳамма нарса тайёр бўлганда эриниб, нонушта қилишарди. Уларга ҳамма нарса тайёр эди. Қобил билан ойиси ҳаммадан кейин қолган-қутганлар билан овқатланишарди. Шунинг учун Қобилнинг кичкина юрагида: нега бундай, деган савол туғиларди. Бойваччалар ишламайди, домлага ҳам кунини ўтказгани боришади, ҳамма ишни Қобил билан ойиси қилади-ю, ҳеч нарсага ҳадлари сиғмайди, бой хонадонидагиларнинг буюрганини қилишади. Шунда дадасини қўмсайди, у бўлса узоқда, чақирган билан овоз етмайди, олти ойдан бери хат-хабар ҳам йўқ. Ниҳоят, еттинчи ой деганда хат келди. Тўраҳонбойнинг номига ёзилган экан. Унда аввал бойга, аяларига ва бола-невараларига салом айтиб, сўнг Қобилжон билан Маликанинг ҳолини сўрабди. Кейин ўзининг сиҳат-саломат, Уралдаги конлардан бирида ишлаётганини ёзибди. Қобилжон кечқурунлари, еттинчи чироқ ёруғида ойисига хатни қайта-қайта ўқиб берар, нега аввал бой хонадонини тилга олганини сўрарди. Ойиси: «Шунақа бўлади расми», деб жавоб қиларди. Расми шунақа бўлишини Ҳасанбойвачча ўрнига дадаси кетганида ҳам билганди Қобил. Дадаси эртаю кеч ишларди, бунинг устига яхшигина ҳофиз ҳам эди. Қобилга турли ширинликлар олиб келарди. У мардикорликка кетди. Ҳасанбойвачча эса, ҳеч қанақа иш билан шуғулланмайди, кечалари маст бўлиб келади. Ярим кечада бўлса ҳам дарвозани Қобил очади. У қаттиқ маст бўлганида бир ошнаси

қўйиб кетади. Қоронғида Қобил унинг афт-башарасини кўрмайди-ю, лекин Ҳасан унинг отини атаб, қуюқ хайрлашади. Буёққа кир, деб қистайди.

— Оғайни, Ёқубжон, қиёматли дўстимсан, кирмайсанми, мени хафа қиласан-да,— дейди Ҳасан тили зўрға айлашиб.

То улар хайрлашгунча Қобил дарвозанинг орқасида кутиб турарди. Ҳасан чайқалиб, уйига ўтиб кетгач дарвозани ёпади. Шунда бўйдор, елкалари кенг, ёнига пичоқ таққан одамни орқасидан кўриб қолади. Унга Ҳасан, ҳам қоронғида топишгани Ёқубжон ҳам дадасидан бошқача, бировларнинг ҳисобига яшовчи текинтомоқ бўлиб кўринади. Фойдаси тегадиганлар — Кимё бувининг ўғли Норжон ва дадасига ўхшаганлар мардикорликка кетди, Ҳасанбой-ваччага ўхшаганлар ялло қилиб юрибди.

Қобил ўн бир ёшга қадам қўйиб, паст-баланднинг фарқига анча борадиган бўлиб қолди. У дадасини тез-тез ўйлар, бошқаларни унга таққослаб кўрар, дадаси дунёда йўқ одамдек кўринар, хат-хабар келмай қўйганидан соғинчи ортарди. Саҳобнинг кетганига бир йилдан ошди. Бу вақт ичида Тўраҳонбой оиласида хотиржамлик ўрнига асабийлик пайдо бўлди. Бу, айниқса бойда сезиларди. У бўлар-бўлмасга қизишиб хотинларини ҳам, невара-чевараларини ҳам уришиб ташлар, Малика билан Қобил у ёқда турсин, арзанда Ҳасанини ҳам еган-ичганини бурнидан чиқарарди. Бир куни тунда дарвоза қаттиқ тақиллади. Ҳасан келмаганидан Қобилнинг хабари бор эди, у оёқяланг чопиб чиқиб, дарвозани очганида Ҳасан қаршисида чайқалиб турар, нарироқда Ёқуб унинг ичкари киришини кутарди. Ҳаммаёқ сутдек ойдин бўлганидан биринчи марта Қобил Ёқубжоннинг юзини ғира-шира кўрди, негадир унинг бир кўзи ой ёруғида йилтиллаётгандек туюлди. Ҳасан дарвоза табақасини ушлаб турган Қобилга эътибор бермай ичкарига ўтиб кетди. Дарвозани занжирлаб, Қобил аста ичкари кирганида ота-боланинг жанжали устидан чиқиб қолди. У ҳужрасига ўтишни ҳам, орқага қай-

тишини ҳам билмасди. Тўраҳонбой эса, телба одамдек ўнг-сўлига қарамай Ҳасанни койирди.

— Оллодан ўғил сўрабман-у, ақлли-ҳушли бўлсин, демабман. Отангни бошига қандай кунлар тушиши билан ишинг йўқ, қимор ўйнайсан, кайфу сафо қиласан, дунёда бўлаётган ғавғолар билан ишинг йўқ, уялмайсанми. Боёнлар сенга ўхшаган бўлса, гадоларнинг бошга чиқиши ҳеч гап эмас.

Шовқинга кичик хотини уйғониб кетди.

— Ҳасанбой, келдингми болам?— деди у ичкаридан.

Бой ҳаммани безовта қилишни истамади шекилли, дами қирқилди. Ҳаммаси хона-хонасига кириб кетгач, Қобил ойнисининг ёнига ўтди. У ҳам сергакланиб, Қобилжонни кутарди. Ота-боланинг биринчи жанжали шоҳиди бўлган Қобил уйқуси келмай, бойнинг «гадолар бошга чиқади», деган гапини ўйлади. У кимларни назарда тутаётганини ҳали тушунмас, кейинги пайтларда кўпайиб қолган, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрадиганларни ўйларди. Улар озғин, юпун эркак, аёллар, ора-чора болалар ҳам учраб қоларди. Булар қандай қилиб бошга чиқиши мумкин? Тўраҳонбойга ўхшаганлар бошига чиқариб ўтирармикин?

Россияда ва Туркистонда бўлаётган тўполонлардан беҳабар эди Қобил. У пайт пойлаб туриб, Қимё бувиникига чиқди. Кампир азадор эди, чоли оламдан ўтганди. Қобилни кўриши билан у севиниб, бағрига босди-да, товушини чиқармай йиглаб кўришди, айвонга ўтқизиб, олдига иссиқ жўхори кабоб қўйди, емаганига қўймади. Бунақанги мазали нарса емаганди Қобил. Бойнинг уйнда бунақангиси бўлмасди.

— Ўзим эккан жўхоридан, тортинма,— деди Қимё буви ўчоқдан яна иккита қизарганини олиб. Уни сўтадан чиққан пўстига артиб, Қобилга узатди.— Сен даданг, мен ўғлимдан айрилиб, бўвлаб қолдик болам. Илоё эсон-омон келишсин-да.

— Буви,— деди Қобил иссиқ жўхорини пуфлаб,— кеча

Ҳасанбойвачча маст бўлиб келди. Дадаси уришди: «Гадолар бошга чиқадн», деди.

— Илоё этгани келсин!— деди буви.

Қобил тушунолмаи, Қимё бувиға ағрайиб қаради.

— Узоқда, оқ подишо турадиган шаҳарда Ленин отлиғ камбағалпарвар чиққанмиш. Тунов куни бобонгга қаъда қилиш учун бозорға озгина жўхори олиб чиққандим, шунда эшитдим. Ҳамма гап бозорда бўлади-да. Уша Ленин оқ подишони, бойларни ағдаринглар, камбағаллар ҳам рўшнолик кўрсин, деяпганмиш. Оқ подишони ағдарса, дананг билан Норжон акангга жавоб тегармиди...

Қимё бувининг яхши ният қилаётганини Қобил тушунди-ю, бари бир оқ подишони, бойларни ағдаришга ақли етмади Шаҳардан четроқда туришгани учун кўп гаплардан беҳабар қолишарди. Эртадан-кечгача тиним бўлмагач от у ёқда турсин, фил ҳам чарчайди. Кеч кузда Малика исит-малаб ётиб қолди. Тўраҳонбой эса, бир ҳафтадан бери кўчага чиқмайди. Гоҳо телбалардек ўзидан-ўзи гапириб юборади, кимларнидир сўкади. Қобил билан Маликага ўқрайиб қарайди. Гуё улар гуноҳ иш қилгандек.

Совуқда ҳужранинг эшигини ланг очиб Санобар пайдо бўлди, у ўринда ётган Маликага шаллақилик қилиб:

— Текин томоқ, нимангга ёнбошлаб ётасан? Фироқнингни кўтарадиган ўлиб кетган. Тур, ўрнингдан, кир тахланиб ётибди.

Маликаниннг юраги шиғиллаб кетди, наҳотки Саҳобга шама қилаяпган бўлса, ярим ёнбошлаган жойида бўшашиб, боши ёстиққа шилқиллаб тушди. Қобил кўрқиб кетиб, унинг бошини қучоқлади:

— Ойи, ойижон...

Малика кўзини очди, ўзини тетик тутишга уришиб, бойвуччага ялинди:

— Сал иситмам борга ўхшайди, зора эртагача тузалиб қолсам...

— Эринг ўлгур эрка қилиб қўйган экан сени, қўшмозор бўлгур!— сасиб кетди Санобар.

Унинг «қўшмозор» деган сўзи Маликанинг шубҳасини кучайтирди. Наҳотки эримнинг ўлганини менга билдиришмаган бўлса... У энди иситмасини ҳам унутди, бутун умиди Саҳоб билан дийдор кўришишда, у келгунча қийинчилик, хўрликларга чидарди, энди нима қилади? Қобилнинг ҳаёти нима кечади? Малика изтиробларини ўғлига сездирмади. Эртасига белини маҳкам боғлаб, бошини танғиб, бир оз кир ювди.

Ун саккизинчи йил келди. Бойнинг аввалги шаҳди йўқ, гоҳ уйда қимирламай ётар, гоҳ кўчага чиқиб, қовоқ-тумшуғи осилиб қайтар, катта-кичикни аямай ҳақорат қилар, эрка Ҳасан ҳам дадасини кўрганда уйга яшириниб оларди. Қобил бойнинг юмуши билан кўчага чиққанида қулоғига «Ишчи-деҳқон ҳукумати», «Шўролар жумҳурияти», деган сўзларни эшитарди. Бойнинг пахта далалари қаровсиз қолди. Заводини ишчилар олиб қўйганмиш. Энди унинг кўчага чиқиб, уйга киришдан бошқа чораси қолмаганди. Шу йил ёзни Малика билан Қобил ҳам жуда хўрликда ўтказди. Кеч куз келганда Тўраҳонбой уйига маҳалла оқсоқоли билан домлани бошлаб келди. Уларни меҳмон қилгач, хонага Маликани чақиртирди. Малика рўмоли билан юзини яшириб, пойгакда чўнқайди.

— Замон оғир, бўйинга ботмон тош осгандек кишиларнинг боши хам. Ўз юкини ўзи кўтаролмайдиган замонда чўри ишлатиш мушкул...

Малика қийинчиликда бўлса ҳам кўниккан уйдан ҳайдамоқчи бўлаётганини тушуниб, борар жойи нотайинлигини ўйлаб, йиғлаб юбормаслик учун рўмолининг учини тишлади. Гувоҳлар олдида бир нохушлик бўлмаслиги учун бой уни юпатди:

— Аввалом бор сени оллонинг паноҳига топшираман, иншоолло кам бўлмагайсан, Қўқондаги амакиваччангникига бориб, яйраб-яшнашингга ёрдам қиламан, тўй чиқимлари ва боққанимга розиман, Саҳобнинг шунча йил ишлаган ҳақи, ҳатто мардикорга кетган ҳақини ҳам тўлайман. Сенинг хизмат ҳақингни ҳам ҳисоблаб қўйдим —

жами минг сўм бўларкан. Мана шу пулларни тилла билан бераман, қоғозга ишонч йўқ,— деди.

— Офарин,— мақтади оқсоқол,— сизнинг саховатли эканлигингизни аввал ҳам билардим.

Шунча пулни умрида кўрмаган домла ҳам ҳайрон қолди. Бойнинг шаънига узундан-узоқ дуо ўқиди. Шундан кейин бой домлага оқ қоғоз билан қалам бериб:

— Сиз Маликанинг номидан тилхат ёзиб тулинг, мен пулни олиб чиқаман,— деди.

Тўраҳонбой чиқиб кетганидан сўнг оқсоқол билан домла яна унинг саховатини мақтаб, Маликага далда беришди. Бир оздан кейин бой халтача олиб чиқиб, ўтирганларга кўрсатди:

— Мана, роса юзта ўн сўмлик,— домла билан оқсоқолнинг маъқуллаб бош ирғишлаганидан кейин халтачани Маликанинг олдига ташлади.— Ишонмасанг са-наб ол!

Малика бойнинг саховатига миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб, йиғлаб юборди. У ўпкасини тутолмас, рўмоли билан оғзини бекитса ҳам, ҳиқиллаши босилмасди. Бой уни юпатмоқчи бўлиб:

— Қўй, йиғлама қизим, менга осон дейсанми? Қизимдек бўлиб кетгандинг, на чора,— деди афсусланиш оҳангида,— шояд замон аслига қайтса... Албатта, сени излаб бераман.

Малика отаси ўлиб, кўз ёши қуригандек ҳолсизликда бошини эгди. У тинчигач бой давом этди:

— Расмийчилик юзасидан манави хатга бармоғингни босиб қўй. Саҳоб қайтиб келса, сен йўғингда ишончли бўлади, ярамас одамлар уни йўлдан уриши мумкин.

Малика бармоқ босишни ҳам кўрмаган, нима қилишини билмай бошини эгиб ўтирарди, бойнинг ўзи унинг бармоғини ҳўллаб, қалам суркади-да, тилхатнинг тагига босди. Бой эртага уни ўғли билан Қўқонга жўнатишини айтиб, чиқариб юборди.

ИУЛ АЗОБИ

Шу кунни оқсоқол билан домла бойнинг саховатига таҳсинлар ўқиб, тарқалишди. Домла табиатан тамагир эмас, лекин вазифаси юзасидан чақирилган жойга борар, бойкамбагални ажратмас, берганини олар, озми-кўпми шукр қиларди. Қайтага боёнларникида ўзини эркин сезмас, изватига тегиб қўйишларидан, инсоний ғурурини ерга уришларидан чўчир, барчага баравар мулойим гапирарди. Бойлар ҳамма нарсани, ҳатто одамнинг қадрини пул билан ўлчашларини билар, оллодан кўра кўпроқ пулнинг кучига ишонишларини сезарди. Лекин Тўраҳонбойнинг хамирдан қил суғургандек осонлик билан чўрисига шунча пулни бериши уни ҳайратга солганди. Сув қаттиқ жойда тўхтайтиди, деган мақол деярли ҳамма бойларга хос эди. Агар уларнинг бир сўми икки сўм бўлмаса ётиб уйқулари келмас, жиноятга ҳам қўл урарди. Демак, бечорапарвар бойлар ҳам бор экан, шўролар ҳукумати барча бойларга бирдан қаттиқ чора кўрмаслиги керак экан, деган хаёлга борди. Худди ўз қизи билан неварасига ғамхўрлик қилгандек, бойнинг сахийлик қилганига ичида миннатдор бўлди. Хайрлашиниш оқшомида чўри билан ўғлига ҳеч ким қаттиқ қаттиқ гапирмади.

Эртасига Санобар Маликага эски кўйлаги билан, пахталик нимчасини, Ёқут эски каллиш, маҳсисини берди. Пулни бой рўмолга ўраб Маликага узатганида аёлларни, айниқса Ҳасаннинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Бой буни сезди-ю, Маликага тайинлади:

— Нимчангнинг тагидан белиннга боғлаб ол, йўқотиб қўйма, кўз ёшингни оқизиб келсанг тан олмайман.— деди.

Ҳаво совуқ бўлгани учун Малика Қобилни қалинроқ кийгазгани дарвозахона ёнидаги хужрага бошлаб чиқиб кетди: Саҳобдан қолган эски чопон, Ҳасанбойваччанинг куя еган телпаги, катта эски этик бор эди у ерда.

Малика Қобил билан ташқарига чиққач, Ҳасан туюқиб сўради:

— Сизга нима бўлди, дада, танингиз соғми?

— Ҳали ақлимни йўқотганим йўқ,— деди бой жаҳл чиқмай,— бошни ишлатишни билиш керак.

— Менга бир сўмни ўйлашиб берадиган одам...

— Сен совирасан, бу пул куймайди, тушундингми?— деди Тўраҳонбой мийиғида кулиб.

— Мен ҳозир тортиб оламан!— ташқарига отилди Ҳасан.

— Қайт, бадбахт!— жаҳл билан ўғлини тўхтатди бой.— Саҳоб қайтиб келса икки баравар қилиб ундириб олади. Янги ҳукумат уни ёқлайди, шунини тушунмайсанми? Пўлда йўқотиб қўйса, жавобгар эмасман — ўз вақтида ҳисоб-китоб қилганман, менда тилхати, гувоҳларим бор, шунга ақлинг етмадими?

Дадасининг фикрига тушуниб, Ҳасан тиржайди. Тўраҳонбой давом этди:

— Поездга ўтирганидан кейини, шунда ҳам ўзинг кўринма!..

Узун, кенг чопошни буклаб, белдан боғлаган, мўйнаси кал телпақда кириб келган Қобил поллиздаги қўриқчига ўхшарди. Бойнинг невараларию бойвуччалар ичаклари узилгудек бўлиб кулишди. Қобил хафа бўлмади, бу хонадондан қутулиб, ойсининг амаквивачасиникига кетаётганидан хурсанд эди. Бойвуччалар билан хайрлашаётганида Малика ҳам йиғламади. Тўртта нон тугилгап тугунни кўтариб, чиқиб кетди. Уларни Саҳобнинг таниши Алимат исмли йигит вокзалга кузатиб қўйди. У Тўраҳонбойда қорандачилик қиларди. Бу йил бойнинг даласида ишламай, янги ҳукуматнинг шаҳар идорасида қоровул турарди. У Қўқонгача бой олиб қўйган билетни Маликага бериб, поезд келадиган вақтгача кугди, келавермагач, хайрлашиб, бир йўловчи аёлга тайинлаб кетди.

Ҳаво эрталабқидан совиди, қор учқунлай бошлади. Малика сал исиб олиш учун вокзал биносига кирди. Гарчи эшик тез-тез очилиб-ёпилиб турган бўлса-да, бу ер иссиқроқ эди. Қобилнинг эғни юқароқ бўлса ҳам этини кенг

бўлгани учун ойиси пайтавани қалин ўраган, совуқ унча сезилмасди. Улар вокзал биносидан ўтирадиган жой қидириб юрганида, поезд келди, деган гаплар, шовқин-тўполон бошланди. Малика Қобилнинг қўлидан маҳкам ушлаб, яқинда келган поездга югурди. Одамлар бир-бирини туртиб, у ёқдан-бу ёққа чопар, бировлар бақириб-чақирар, мевафурушлар молини айтиб қичқирарди. Қобил қўпол этикни дўқиллатиб, ойисининг кетидан чопарди. Малика олдинги вагонлардан бирининг эшиги ёнида билет текшираётган кондукторга борди. Одам кўп бўлгани учун у билетни қайтариб:

— Нариги ёққа бор,— деди.

Малика ҳаллослаб иккинчи вагон олдида тўхтади. Унинг кондуктори ҳам кетинни кўрсатиб, бошқалар билан чалғиб кетди. Она-боланинг хаёлида ҳозир поезд буларни қолдириб, юриб кетадиганга ўхшар, бундан баттарроқ хавотирланарди. Энди олдинда одам камроқ вагонни қидириб, янада кетинга югуришди. Улар ҳовлиқиб ҳаллослар, нафасидан чиқаётган қуюқ буғ кўз олдини хиралаштирарди. Энг охиридан битта беридаги вагон олдида ҳеч ким кўринмади, кондуктор ичкарига кириб кетганди. Малика ўйлаб турмай шу вагонга чиққанида поезд аста ўрнидан жилди. Вагонга кириладиган эшикни очишни билмай, она-бола тамбурда чўнқайиб ўтирди. Ёндаги эшик очик, совуқ шамол этни жунжитар, ҳаммадан ҳам биров чиқиб, уларни тушириб юборишдан чўчишарди.

Поезд Олтиариққа етиб борганида ҳам тамбурда кетаётган она-болани ҳеч ким безовта қилмади. Кондуктор ўртадаги эшикдан мўралади-ю, қайтиб вагонга кириб кетди. Поезд бу станцияда узоқ тўхтамади. Яна жимлик, фақат поезднинг оғир ҳарсиллаши-ю, вагон филдиракларининг бир маромда тақирлаши эшитиларди. Станциядан сал ўтилгач оппоқ қорга бурканган поёнсиз далалар бошланди. Қор ҳамон бўралаб ёғар, қорайган нарса кўринмасди. Анчадан кейин томидан қуюқ тутун чиқаётган бино, поезд ўтишини кутиб турган бир арава билан отлиқ кў-

ринди. Яна поёнсиз қорли дала бошланди. Малика қорни очганини сезиб, рўмолдан битта нон олди-да, ярмисини Қобилга узатди. Улар кўнгли бир оз тинчиганидан энди ўзига кела бошлаганди. Суви қочган нонни энди кавшаниб турганида ўрта эшик очилиб, баланд бўйли, елкадор одам чиқди. Телпагини бостириб кийганидан башараси яхши кўринмасди. Бунинг устига ғира-шира қоронғи тушиб келмоқда эди. Киши бирпас қараб турди-да:

— Нега жойларингда ўтирмадинг?!— деб дўқ қилди.

— Билмадик, чиптамиз бор!— деди Малика ҳам қўрқув, ҳам ҳайронликда ўрнидан аста тураркан.

— Қаёққа кетяпсанлар?

— Қўқонга,— Малика ўрнига жавоб қилди Қобил.

Кишининг вазоҳати ўзгарди, ўлжасига ташланмоқчи бўлаётган йиртқичдек, телпак остидан бир кўзи даҳшатли йилтирарди, қопағон итнинг ириллашидек тишлари орасидан:

— Чиқар-р пулингни бу ёққа!— деди.

— Пулим йўқ,— қалтираб жавоб қилди Малика.

Киши у ёқ-бу ёққа аланглаб, ёнидан пичоқни олди-да, Маликанинг нимчасини тортиб, тугмаларини узиб юборди. Малика пичоқдан қўрқиб, овоз чиқаришга ҳам ҳоли келмади. Киши унинг кўйлаги устидан танғиб боғланган рўмолни ечишга сабри чидамай, пичоғи билан кесиб олди. Шу пайт Қобил унинг қўлига ёпишиб:

— Тегманг, жон амаки, олманг,— деб ялинди.

— Қоч, жинқарча!— силтаб ташлади киши.

Қобил жонҳолатда яна ёпишди. Малика эса, қалт-қалт титраб:

— Амакижон, биз бечараларга раҳмингиз келсин,— деб ялишар, йиғларди.

Она-боланинг зори, ёлворишларини кўрган ҳар қандай қаҳри қаттиқ одамнинг ҳам кўнгли юмшарди, лекин киши бошқа бировларнинг эшитиб қолишидан ҳадиксираб, қўлига маҳкам ёпишиб турган Қобилни қаттиқ итариб юборди. Бола бечора ўзини тутолмай, вагоннинг очиқ эшиги-

дан отилиб кетди. Малика эса, юз берган даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйди. Пулни ҳам, кишини ҳам унутди. Ёлғиз ўғлидан ажраб қолиш ваҳимасида:

— Вой, Қобилжо-он!..— деди-ю, ўзининг нима бўлишини хаёлига келтирмай, вагондан сакради.

Қобил вагондан юз тубан отилиб тушганди, унинг ўнг чаккаси нимагадир қаттиқ тегиб, пастликка думалаб кетди, қўнжи кенг этиги, қўйни қорга тўлди. Лекин онасидан айрилиш ваҳимасида ўрнидан қандай турганини ҳам билмай, саросимада атрофга қаради. Олисда, ёғаётган қор пардаси ичида поезд билинар-билинемас кўриниб, узоқлашарди. Бола ваҳимада «ойи-и...» деб товуши борича қичқирди. Кейин жонҳолатда юқорига эмакладди, гарчи темир йўл икки метрча биламда бўлса ҳам чети-чегараси йўқдек кўринарди унга. Энди изга етай деб қолганида оёққа турган эди, оёғи тойиб, яна думалаб кетди. У тамоман ўзини унутган, поездда узоқлаб кетаётган онасининг хаёли бошини қамраб олганди. У, ниҳоят, йўлга чиқиб олди, қор босган икки изнинг орасидан поезд кетган томонга югурди, лекин қўпол этикда қадам ташлаши тобора оғирлашар, қор тагида ётган шпалларга қоқилиб, мукка тушарди, яна туриб югурар, поездга етиб олишдан бошқа умиди йўқ, лекин оғир ҳарсиллаб, юролмай қолди, қошиқларига қўнган қорни кафти билан сидирганида кафти қон бўлди-ю, уни ҳам пайқамади.

Буёқда Малика ҳам вагондан сакраганида ўнг оёғи билан тушиб, пастга думалаган эди. У неча думалаганини билмайди, ўзини зўрга ўнглаб олиб, ўрнидан турганида поезд аста сургалиб, даҳшатли махлуқ борлиқни ютиб, қимирлашга ҳоли қолмагандек пишқириб узоқлашарди. Маликанинг бутун хаёли Қобилда, у отилиб тушган пастликда, аммо у ерда бирор қора кўринмасди. Бор овози билан бақирган эди, товуши ҳаяжондан бўғилиб, ўздан нарига бормади. Тойчоғини излаётган қулундек, Қобилни чақириб югура бошлади. Унинг назарида ўғли яқингинада бўлиши керак эди, жуда узоқ — дунёнинг четига етгандек,

Қобилни энди топа олмайдигандек, йиғлар, чақирар, товушини қайтараётган акси садога қулоқ ҳам солмасди. Бутун умиди, ишончи, таянчидан айрилиш ваҳимаси кўз олдини қоронғилаштириб юборганди. Шу алфозда қанча югурганини билмайди, қаршисида нимадир қорайиб кўрингандек бўлди, у товушсиз яқинлашарди, Малика буни рўё деб ўйлаб, пастликка қаради-ю, мункиб, чўккалаб қолди. Шу пайт Қобил унинг бўйнидан қучоқлади. У оғир ҳарсиллар, бир гап айтолмасди. Малика ҳам бир сўз айтолмай йиғлар, жигаргўшасини соғ-саломат кўрганига севинчи ичига сиғмасди. Ўғлининг юз-кўзларидан қайта-қайта ўпар, нуқул:

— Ўзингмисан, тушим эмасми?— дерди.

Қобил эса:

— Ойи, ойижон,— дейишдан бошқа сўз айтмас, шу биргина сўзида оламга сиғмайдиган меҳр, қувонч бор эди.

Она-боланинг бир-биридан ажралиб қолиш ваҳимаси босилгач, Малика қаерда турганини эслади-да, атрофига қаради. Ҳаммаёқ оппоқ, ҳайхотдек дала, бирор тиккайган дарахт, уйга ўхшаш нарса қорайиб кўринмади. Энди уни қаёққа бориш, қаерда жон сақлаш ваҳимаси босди. Қим унга меҳрибонлик қилиб бошпана берарди. Одам яшайдиган ергача етиб бориб бўладими ўзи? Буёқда ўнг оёғининг зирқираб оғриётганини сезди. Қобилнинг бети шилиниб, қон қотиб қолганини, айтмаса, қўл-оёғи бутун эди. Агар шу ўғли бўлмаганда, Малика ўлимига ҳам рози бўларди-ю, лекин боланинг тақдирини ўйлаш, шуни деб яшаш керак. Малика эс-ҳушини йиғиштириб олиб, томидаги мўридан қуюқ тутун чиқаётган қоровулхонани эслади.

ОДАМ ОДАМГА ҲАМДАРД

Қоровулхонага етиб олиб, бир кечага бошпана сўраш умиди, ҳолимизга раҳми келар, деган ишонч она-боланинг ҳам ҳаяжон, ҳам елиб-югуришдан чарчаган оёқларига қув-

ват берди. Яланг даланинг, қаеридан эшитилган увлаш товуши, жонини сақлаш иштиёқи қадамини тезлаштирди. Аллақачон қоронғи тушган бўлса ҳам, қор ёруғида ўн-ўн беш қадам нарини кўриш мумкин эди. Улар изнинг ўртасидан чиқмасликка ҳаракат қилиб, ён-беридан кўз узмас, поезд келмаяптими, деб ора-чора орқага қараб қўйишарди. Ҳаммаёқ жим, гурсиллаган товуш эшитилмас, фақат қаердандир чиябўрининг увлашидан она-боланинг эти жимирлашиб кетарди. Улар иложи борича тезроқ юришга интиларди-ю, Маликанинг лат еган оёғи, Қобилнинг қўпол этиги имкон бермасди.

Ниҳоят, қоровулхонага етиб келишди. Хайрият унча узоқлаб кетишмаган экан. Энди мўридан сийрак тутун чиқаётган бўлса ҳам, негадир она-боланинг бағрига ҳарорати теккандек туюлди. Улар одам бор жойга етганлари учун бир оз тинчланишган эди.

Қоровулхона ўртасида пешайвони бор бир қаватли ғиштин бино эди. Деразадан тушиб турган нурсиз ёруғлик темир йўлнинг бир бўлагини ёритиб турарди. Малика тақиллатишга юраги дов бермай, пешайвон олдида тўхтаркан, ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, қорни қиришиб турганига қарамай, бир бурда нон ёки иссиқ овқатдан умид қилмас, ўрин-кўрпа бермаса ҳам, бир кеча иссиқ хонада тунашга ижозат берса бўлгани, деб ўйларди. Агар бу ердан қувласа, қаерга боради? Умуман борадиган жойи борми бу ерда? Улар турли андишалар билан узоқ туришди. Шу пайт эшик очилиб, фонус кўтарган киши чиқди. У ҳатто пешайвонга ҳам чиқмай, қорда турган бола билан аёлни кўриб ҳайрон бўлди. У кўп йиллардан бери шу ерда қоровулчилик қилади, бирор марта кечаси, яна қор ёғаётган пайтда аёл кишининг боласи билан қоровулхонага келганини кўрмаганди. Қоровул бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй берганини фаҳмлади, фонусни Қобилнинг юзига тутганида янглишмаганини сезиб, юмшоқлик билан:

— Вой, манавиларни қара-я! Совуқда нима қилиб турибсизлар? Ичкарига киринглар, мен поездни ўтказиб

юборай,— деди-да, она-болани йўлакка киргазиб, эшикни ёпиб кетди.

Йўлак иссиқ эди, совуқдан кирганларга дарров сезилди. Улар бу ёғига нима қилишини билмай, ўртада қаққайганча туриб қолишди, ҳеч бўлмаганда тонг отгунча шу ерда ўтиришга рози, эртага нима бўлишини ўйлашдан толиққан, боши барча машаққатлардан ишламай қўйганди. Чап томондаги хонадан болаларнинг шўхлиги, аёл кишининг заиф товуши эшитилди. Аёл кишининг борлиги Маликага далда берди. Ташқаридан поезд гулдураб ўтди, эшикнинг тепасидаги энсиз дарчадан чироқ шуъласи липиллади.

Поезд ўтиб кетгач, қоровул фонусини ўчирмай кириб келди, меҳмонларни ҳамон эшик олдида тик турганини кўриб:

— Вой, мановиларни, қизиқ экансизлар-ку!— деди яна чироқни меҳмонларнинг юзига тутиб. Малика беихтиёр рўмоли билан юзини яширди, Қобил эса тортинчоқлик билан бошини эгди. Қоровул давом этди:— Ажаб қизиқ экансизлар, мен бўлсам аллақачон ичкаридагилар билан танишиб олгандирсизлар, деб ўйлагандим.— Қобилнинг эгик бошига қўлини қўйди-да, юзини чироққа солди.— Нима қилди сенга? Ҳа, майли кейин гапириб берасан, бу ёққа киришлар,— Қобилнинг қўлидан ушлаб, ичкарига бошлади.

Хона кенгина бўлиб, эски сим каравотда бир аёл ётар, ранги заъфарон, ора-чора йўталиб қўярди. Ўртасига чорроқ наMAT тўшалган тахта ерда бир қиз билан бир ўғил ўйнаб ўтирарди. Бурчакдаги ёғоч сандиқда бир неча кўрпа-ёстиқ тахлоғлиқ турар, хонанинг токчаси бўлмагани учун чойнак-пиёла кўринмасди. Шунга қарамай хона шинам, озода эди. Каравотда ётган аёл чақирилмаган меҳмонларни эшик олдида тортиниб турганини кўриб, қаддини бир оз кўтарди, Қобил тенги қиз бола ўрнидан туриб ҳайрат блан унинг юзига қаради.

— Зарофатхон,— мурожаат қилди қоровул аёлига,— меҳмон ота-онангдан улуғ дейишади, ҳали ўзим тапимайман-у, сизларга кўрсатай, деб олиб кирдим...

— Юзингга нима қилди?— сабрсизлик билан сўради Зарофатхон.

— Поезддан улоқтиришди,— Қобил ўрнига Малика жавоб берди. Қотиб қолган қонни артмоқчи бўлгандек, кафти билан аста ўғлиннинг юзини силади.

Зарофат шунақаси ҳам бўладими, дегандек эрига қаради. Унинг фикрини тушунган қоровул:

— Одамларни поезддан йнқилганини, бировнинг итариб юборганини эшитганман-у, лекин ёш болани улоқтиришганини эшитмаганман,— деди.

Малика энди гапиришга оғиз жуфтлаган эди, қўлини кўтариб уни тўхтатди.— Ҳасратингиз чўзиладиганга ўхшайди, овқатимиз тайёр бўлган, совиб қолмасдан еб олайлик, кейин бафуржа эштамиз. Бу ерга камдан-кам меҳмон келади, зеркиб ўтиргандик, кейин бемалол гаплашамиз.

Қоровулнинг очиқ кўнгиллик билан айтган гаплари тасодифий меҳмонларга далда берди. Бу меҳрибон одамлар шу топда дунё бағишлагандек бўлди. Қоровул она-болани йўлақдан орқа эшик орқали ошхонага бошлаб чиқди. Ошхона тахтадан енгилгина қурилган бўлиб, ёни-бери очиқ бўлгани учун совуқ эди. Унинг ёнида оғилхона бўлиб, атрофи берк, ичкаридан сигирнинг пишқириши эшитиларди. Она-бола совуқ сувда ювиниб, ичкарига киришди. Уларнинг кетидан қоровул косаларда шўрва олиб кирди. Намат устига ёзилган дастурхон атрофига ўтиришди: фақат Зарофатга курсича қўйиб, ўзига алоҳида дастурхон қилиб беришди.

Она-бола эрталабдан бери тамадди қилмагани учун ярим косадан сузилган шўрвага қошиқ солишди-да, дастурхондан ийманиб олинган бир бурда нонни ботиришди. Таом шу қадар тотли кўриндики, дунёда бунақасини ичмаган эди. Малика бойнинг уйида янги сўйилган қўй гўш-

тидан сержаз қилиб пиширган шўрваларининг таъмини бунга ўхшатолмади. Қоровулнинг — унинг исми Шокир ака эди — қистови билан косани бўшатишди. Баданларига иссиқ югурганидан бўшашиб ўтирганларида Шокир ака қайтиб кирди. Малика ундан юзини яширишни хаёлига келтирмади, худди ўз отасига қарагандек миннатдорчилик билан, лекин уялинқираб боқди. Шокир ака олтмишларга бориб қолган, сийрак соқол-мўйловни оқарган, жуссаси чоғроқ, серҳаракат одам эди. Малика унга ҳурматан ўрнидан турмоқчи эди, тўпиғида қаттиқ оғриқ сезиб, чўккалаб қолди. Ҳушёр Шокир ака дарров буни пайқаб:

— Ия, вой,— деди ачингандек,— оёғингизга нима қилди?

Малика жавоб бериш ўрнига дардини яширмоқчи бўлиб илжайди. Шокир ака қистаб, маҳсисини ечтирди-да, шиша бошлаган тўпигига кўрсатғич бармоғини теккизди. Малика яланг оёғини силаш баҳонасида кафтини қўйди.

— Хижолат бўлмагн,— деди Шокир ака насиҳатомуз,— отангиз тенгиман. Одамга одам ҳамдард, аҳволингизни кўра-била туриб индамасак, нима деган одам бўламиз. Қани оёғингизни қимирлатиб кўринг-чи. Ҳа, бўлди, лат ебди. Бугун думба ёғ олиб келгандим, силаб уни боғлаб қўйсангиз, босилиб қолади.

Зарофат опа ҳам кутилмаган меҳмонларнинг шундай пайтда қаёқдан пайдо бўлгани сабабини билмай, уларнинг аҳволига ачиниб, жим ётарди. Унинг ўзи ҳам қийинчиликда катта бўлган, отаси ямоқчи эди. Ота-онасига қарашиб, кеч турмушга чиққан, кейин эри билан шу ерга келиб қолгач, иккаласи тиртишиб, турмушини бир оз ростлаб олганди. Ана шунда нафас қисиш касалига йўлиқиб қолган, совуқда ташқарига чиқишга қийналарди. Уч кундан бери кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганди. У муҳтожлик, қийинчиликда катта бўлгани учун қирқ бешларга кирган бўлса ҳам, кампирларнинг дидини берарди. У гапирса, йўтали тутгани учун индамай ётар, Қобилнинг юзи шилиниб, Маликанинг оёғи лат еганини билгач, булар бирор фалокат

туфайли келиб қолганини пайқаган эди. Шокир ака коса-пиёлаларни йиғиштириш баҳонасида яна неча бор ташқарига чиқиб келди. Малика ўрнидан туриб қарашмоқчи эди, у қимирлашга йўл қўймади. Кунни бўйи тортган азобларидан чарчаган Қобилни мудроқ босиб, ойисига суяниб ўтирарди. Шокир ака косада қайноқ сут олиб келиб, хотинининг олдига қўйди-да, ўзи каравотнинг оёқ томонига ўтирди. Мана энди, кўрган-кечирганларингизни гапиринг, дегандек Маликага қаради. Ҳушёр Малика бу меҳрибон, камтар оилага бошдан кечирганларини қисқа ва таъсирли сўзлаб берди. Охири она-бола поезддан қандай тушиб қолганларини гапирганларида, Зарофат опа йиғидан ўзини тўхтатолмади. Бирдан йўтали қистаб, нафас олишни оғирлашди. Малика оёқ оғриғини ҳам унутиб, ўрнидан турди-да, уни елпиб, сутдан ҳўплатди. Шокир ака эса, хотинининг елка, қўлларини силаб, уқаларди. Охири у ўзига келди. Малика эса, Зарофат опанинг жазавасига ўзини айбдор ҳисоблаб:

— Мен сизни уринтириб қўйдим,— деди қисиниб.

Хотинининг ўрнига Шокир ака жавоб қилиб, Малика-ни юпатди, она-болани нариги хонага бошлаб чиқди.

— Мана шу хонада бемалол дамнингларни олинглар, ҳеч қисинманглар,— деб тайинлади.

Хонада ёнма-ён иккита кўрпача тўшалган, оёқ томонда кўрпа бор эди. Бу ҳам Шокир аканинг ғамхўрлиги эканини Малика фаҳмлади. Қандай меҳрибон одамлар, агар уйга киритмай, ҳайдаб юборишганида нима ҳам қилишарди.

Маликани ҳам уйқу элитди. Қанча ухлаганини билмайди, поезднинг гумбур-гумбуридан уйғониб кетди. Хона деворига лип-лип қилиб тушаётган чироқ ўчиб, яна қоронғилик бошланди. Бир оз бўлса ҳам уйқудан боши ёришган Маликани бир бирдан ташвишли хаёллар чулғади. У эртанги кунини ўйларди: тонг отганидан кейин бу меҳрибон хонадонни тарк этиши керак. Лекин қаёққа боради? Тўраҳонбойникидан қувлангандек чиқиб кетди. Қўқон узоқда, поездга пули йўқ, қишли-қировли кунда оч-наҳор

етиб бориб бўладими? Агар бошида меҳрибон эри бўлганида шу кунга тушармиди? Йўл-йўриқни билмайди, яқин атрофда борадиган жойи, бирор меҳрибони йўқ. Шокир аканинг ўзи жўжабирдек жон, бунинг устига хотини бетоб, бу иккита ортиқча жағни бошига урадими?

— Ойи, ухламадингизми?— деди Қобил ҳам уйғониб. Бу сезгир боланинг ҳам қалби нотинч эди. Лекин унинг мурғак хаёлини умидли орзулар олиб қочарди: дадасининг олдига учиб бориб, бошига тушган кунни ҳикоя қилар, уни учқур отига миндириб, ойисининг олдига олиб келар, ота-бола шафқатсиз одамларни, бой хонадондагиларни, ўғрилари шармандасини чиқарарди. Яна хаёли қочиб, ноиложликдан қалби эзилар, шунда содда қўшиқ байтлари қуйилиб келарди. Шу алпозда ғира-шира тонг отди. Гурс-гурс қадам босаётган паҳлавондек вазминлик билан юк поезди ўтди. Яна ҳаммаёққа жимлик чўккач, хона эшиги тикирлаб, Шокир ака мўраллади.

— Вой, сизларни қаранг-у,— деди ажабланиш билан,— донг қотиб ётгандирсизлар, десам... Нега вақтли туриб олдинглар?

Бу меҳрибончилик Маликага: энди кетаверсанглар ҳам бўлади, дегандек туюлиб, юраги шиғиллаб кетди, қалтироқ товушда салом бериб ўрнидан турмоқчи эди, Шокир ака қўл ишораси билан қимирламасликни билдирди. Лекин Малика билан Қобил баравар ўрнидан турди. Унинг оёқ оғриғи бир оз пасайгандек эди.

— Сизларни ҳам уринтирдик...— деди Малика.

Қобил эса, умидворлик билан Шокир акага қараб турарди. Шокир ака она-боланинг хижолатвозлигини кўриб, юпатувчи оҳангда:

— ‘Синглим,— деди туғишганига гапираётгандек,— кеча, бир кўргандаёқ бошингизга тушган мусибатни пайқандим, аммо тафсилотини ўзингиздан эшитдим. Зарофат опангиз билан маслаҳатлашдик. Қисматингиз оғир, бойнинг уйига қайтиб боролмайсиз, унда инсоф бўлганида эрингиз келгунча сабр қиларди ёки ўғли ўрнига кетгани

қурмати, узоққа жўнатмасди. Умрингизнинг кўпи бойникида меҳнатда ўтди, энди керагингиз бўлмай қолибди. Амакиваччангизни кига борганингиз билан, унинг қанақалигини билмайсиз. У сизни ё унутган, ёки ночор яшайди: шарионт оғирлигини биласиз-ку. Бизникида тура қолинглар, Зарофат опангиз тузалгунча рўзгор ишларига қарашиб юрасиз.

Маликанинг лабида миннатдорчилик табассуми жилваланди, Қобил ҳам бу таклифга севиниб кетди. Улар ноушта қилгани нариги хонага чиқишганда Зарофат опа ётган еридан сал қўзгаб, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Шундай қилиб, Малика билан Қобил бу хонадонга сингиб қолди.

ПОЕЗД УТАР КЕТМА-КЕТ

Меҳнатда суяги қотган Малика тинч тура олмади: ҳақачовлаб бўлса ҳам рўзгор ишларига қараша бошлади. Шокир ака уйни супуриб-сидириш, қозон-товоқ, идиш-товоқдан қутулди. Малика болаларни ювиб-тарар, беморга лойиқ овқат пиширар — бир аёлга етиб-ортадиган юмуш бу кичик хонадонда ҳам топиларди-ю, лекин бойнинг уйдагичалик югур-югур йўқ, уни камситишмас, оиланинг тенг аъзосидек муомала қилишар, сийлашарди. Уй ишлари удабурро аёл қўлига ўтганидан Зарофат опа хотиржам бўлиб, энди совуққа чиқмас, нафас қисиши ҳам камайган эди. Қобил эса, сизирга қарар, қудуқдан сув тортиб, Шокир ака йиғиб қўйган ғарамдан хашак таширди. Унинг қиладиган иши кам эди. Бўш вақтларида эса, ўқишга китоб йўқ, чалай деса дутор йўқ, Машрабдан ёдлаган байтларни хаёлида такрорлар, ўзи ҳам катта шоирларга тақлидан шеър тўқирди. Ёзишга қоғоз-қалам бўлмагани учун ўзи тўқиган мисраларни қайта-қайта такрорлаб, хаёлида пишитарди. Лекин ҳар поезд ўтганида қилиб турган ишини ҳам қўйиб, югуриб Шокир аканинг ёнига чиқар, вагонларнинг қиров босган ойналарига тикилиб қарар-

ди — дадам кўринмасмикан, деган умидда шундай қиларди. Шокир ака буни тушуниб, унга халақит бермас, ичела ота дийдорига интизор болага ачинарди.

Кундузлари ўтадиган ҳар бир поездга пешвоз чиқиб Қобилга одат бўлиб қолди. У пишиллаган товуш эшитилиши билан югуриб чиқиб, вагонларга, ҳар бир деразага умид билан боқиб, поезд ўтиб кетгач бошини эгиб қайтарди. Нима учундир у дадасини, албатта, поездда қайтади деб ўйларди. Қилиб турган ишига қўли бормас, ҳужрага ёки молхонага кириб, болаликда эшитган қўшиғини куйларди:

Ширин бола, қароғим,
Қора уйда чироғим...

Ҳар сафар шу қўшиқни куйлаганида дадасининг попуки бериб, эркалаб кулишларини, қайноқ, ўпичларини, елкасига қоқиб, ухлатишларини эсларди. Уни ҳеч хаёлидан чиқара олмасди.

Қиш ярмисидан оғди-ю, ҳали далалардан қор кетгани йўқ. Ҳаво очиқ кунлари бўғотдан сув томчилаб, кечқурун тарновлардаги узун сумалаклар янада чўзилар, гоҳ қор учқинлаб, яна изғирин кучаярди. Қобил сигирнинг тагини тозалаётганида юраги сиқилиб, ўзи билан ўзи гаплашарди. Яқинда ҳеч ким йўқлигини билгач, дадаси шаънига тўқиган қўшиғини товуш чиқариб айта бошларди. У Машрабнинг «Келадур» шеърига тақлид қилиб тўқиганди бу қўшиғини:

Поезд ўтар кетма-кет,
Дадам қачон келадур?
Шамол бориб хабар эт —
Соғинч ёшим келадур.

Эртаю кеч хаёлим
Унинг кетган йўлида:
Дутор ўйнаб қўлида
Ғазалхоним келадур.

Гоҳ кулади эркалаб,
Гоҳ ўпар пешонамдан,
Бўшатмай кучоғидан
Меҳрибоним, келадур.

Гарч-ғурч оёқ товушини эшитиб, Қобилнинг ашуласи бўлинди. Кимдир молхонага яқинлашиб тўхтади. лекин ашула бўлинганини, энди такрорланмаслигини тушуниб, оёқ учида орқасига қайтди. Қобил оёқ товушидан Шокир ака эканини пайқади. Хижолат бўлиб, кечгача унга кўринмай юрди.

Шокир ака ҳам эшитганларини ҳеч кимга айтмади, болани чўчитиб қўймаслик учун зимдан уни кузатди. Шу орада Қобил ундан:

— Китобингиз борми, Шокир амаки?— деб сўраб қолди.

— Вой, сени қара-ю, ўқишни ҳам биласанми?!— ҳайрон бўлди Шокир ака. Чунки болалари у ёқда турсин, ўзи ҳам қўлига китоб ушламаганди.

Малика ҳам шу ерда эди, унинг мақтангиси келди:

— Уқиш-ёзишни билганига анча бўлди — дадаси ўргатганлар.

— Мана, энди билдим гап қаердалигини,— деди Шокир ака,— ашулани билиши ҳам ота мерос экан-да!

Шокир ака нимага шама қилаётганига тушуниб, қизариб кетди Қобил. Худди айб иш қилгандек, ойисининг елкасига бошини яширди. Шокир ака уни хижолатдан қутқариш учун:

— Мен ҳам ашулани биламан,— деди мақтанганнамо,— яхши кўраман-у, лекин товушнинг мазаси камтузроқ. Шундай бўлса ҳам ёлғиз қолганимда хиргойи қиламан. Қўшиқ одамнинг ҳамдарди, худди яқин дўстинг билан гаплашгандек, кўнглиннинг чигилини ёзасан. Аччиқ аламлари бирдам бўлса ҳам унутасан. Мана эшит! Шокир ака қўлига ликопчани олиб, чўккалаб ўтирди-да:

— Ҳей-й,— деди чўзиб.

Шунинг ўзида Қобил унинг овозида мусиқийлик йўқлигини фаҳмлади. Шокир ака ҳеч кимга парво қилмай давом этди:

Боғ айлана шафтоли,
Учган кимни каптери,

Ашуланинг кейинги сўзлари эсига келмай бошини қашлади-да:

— Йўқ, буниси бўлмади, катта ашула тузук,— деди. Қоронғи кечалардек қаро зулфинг...

Унинг бўйин томирлари бўртиб, юзи қизариб кетди. Қобил ўзини тутолмай кулиб юборди. Шокир ака айб ликопчададек уни қаттиқ чертиб, ерга қўйди, Қобилнинг кулгисига хафа ҳам бўлмади.

— Ана, куласан-да,— деди.— Шунинг учун ҳам ашула айтмайман. Агар ашулани қотирсам, ялинтириб ўтирмай айтаверардим.

Унинг мақсадига тушунган Малика ўғлига:

— Айтиб бера қол амакингларга,— деди, кейин Шокир акага юзланди:— Қобилжон ҳам ялинтирмайди.

Қобилнинг эсига дарров дадасининг гаплари тушди «Ашуладан кўра ҳўкизнинг маърашини ёқтирадиган нотовонлар ҳам бўлади. Ундайларга ашула хайф, жонингни койитма», дерди. Шокир ака унақалардан эмас, фақат ўзининг уқуви йўқ экан деб ўйлади. Ортиқча ялинтириб ўтирмай анчадан бери ўйлаб, хиргойи қилиб юрган ашуласини бошлади: У ҳам астойдил берилиб айтарди ашулани. Боланинг ёқимли, ҳасрат тўла овози Шокир акани ҳайратга солганди. У чўкка тушганча, бошини қуйи солиб тинглади.

Бу қўшиқ атоқли шоирнинг ватанини соғиниб ёзган га-зали эди. Қобил охирги «Адашган кимсадек Фурқат қаён боргум билолмасман.

Қачон бўлғайким, топгайман хабар ёру диёримдан», деган икки мисрани овозини кўтариб шундай қаттиқ айтдики, Шокир аканинг эти жимирлашиб кетди.

Ашула тугагач Қобил, бошини эгди, худди дадаси биринчи бор кўпчилик даврасида ашула айтгандек. Фақат у олқиш олишни кутганди, Қобил эса, кафти билан хўрлик ёшни артди. Шокир ака уни мақташни ҳам, юпатишни ҳам билмай, жим ўтирарди. Қобил тўсатдан ирғиб туриб, ташқарига отилди. Шу-шу бўлди-ю, Шокир ака боланинг ҳасратини оширмаслик учун ашула айтасан, деб қистамай қўйди. Лекин унинг ўзи айтса, берилиб тинглар, ёшликда ўтган оғир кунларини эсларди.

Тизгинсиз, жировсиз кунлар тез ўтарди. Малика Тўра-хонбойнинг уйида бошдан кечирган азоб-уқубатларни бир оз бўлсада, эсдан чиқарди. Соғлиғи ҳам яхшиланиб асли ҳолига келди. Қорли-қировли кунлар илий бошлади. Ёмон кунлар яхши бўлар, аммо ёмон одамлар ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг мустаҳкамланишига қарши, ишчи ва деҳқон болаларининг давлатни бошқаришига қарши ғазоби ортарди. Улкада ўғри, босмачилар бош кўтара бошлади. Шокир ака ҳам безовта бўлиб қолди. У энди кам ухлар, эшикни тез-тез очиб, ташқарига чиқар, узоқ айланиб қайтиб келар, биров темир йўлни бузмаяптими, деб қулоқ соларди. Бир-икки марта Фарғона тарафга Қизил аскарлар тушган поезд ўтди. Ора-чора узоқлардан ўқ товуши эшитилар, айниқса, кечалари тасир-тусур яққол келарди. Улка нотинч бўлиб қолди. Эрта азонда уч киши делижонда келиб, Шокир ака билан гаплашиб кетди. Шундан кейин унинг чеҳраси очилмай қолди-ю, сабабини уйдагилардан яширди. Энди у кундузи ухлаб, кечаси билан бедор чиқадиган бўлди. Фақат узоқдан эшитиладиган отишмани ҳисобга олмаганда, бу ерда ташвиш қиладиган белги сезилмасди.

1919 йилнинг баҳори эди. Октябр ўя ерлар қорайиб соя ерларда қолган қор деҳқоннинг йиртиқ чопонидаги пахта уладасидек тит-пит бўлиб ётарди. Поезд йўлини кесиб ўтадиган тупроқ кўча шилп-шилп лой, қўзилаб ётган даладан мутлақо юриб бўлмасди. Кечалари ҳам илиқ шамол эсгани билан, ернинг сергишига анча бор эди. Кечга яқин,

одам-одамни таниса бўладиган пайтда отининг белигача лой сачратиб иккита отлиқ келди. Шокир ака энди уйга кириб турган, ҳали чироқ ёқилмаган эди. Отлиқлар бошини қийиқча билан танғиб олган, эғнида қўш чопони бор эди. Улар отдан тушмай темир йўлни кузатаётганини Шокир ака деразадан кўрди. Отлиқлар пешайвонга бурилганида у пешвоз чиқди:

— Келинлар?!— деди Шокир ака баланд овозда.

Шу пайт Қобил ҳам ичкарида эди, Шокир аканинг овозини эшитиб, деразага борди. Бу ердан отлиқларнинг башараси аниқ кўринарди. Уларнинг бири Қобилга таниш кўринди, диққат билан башарасига тикилди. Деразага яқин турган отлиқ бошини кўтарган эди, Қобилнинг бақириб юборишига оз қолди. Бу ўша ўғри Ёқуб эди. Боланинг ранги қув ўчиб, гапиролмасди. Малика ўғлининг ҳолатини кўриб:

— Ҳай, сенга нима бўлди, Қобил!— деди-ю, беихтиёр ўғлининг елкаларига уриб, бағрига босди.

Шу орада Шокир ака ҳам кириб келди, у ҳам безовта кўринарди-ю, лекин сир бой бермасдан сўради:

— Қобилга нима бўлди?

Шокир акани кўргач Қобил тилга кирди, бояги қўрқув тарқаб, юзига қизиллик югурганди.

— Ҳалиги биттаси — бир кўзи кўри — Ёқуб ўғри, бизнинг пулимизни тортиб олган...

— Чолни кўрсанг бобом деяверасанми? Дунёда бир кўзи кўр битта ўша ўғримми? Улар йўлдан адашган ўткинчилар, янглишиб келиб қолишибди.

Қобил Ёқуб ўғрини таниганини тушунтирмоқчи бўлар, Шокир ака атайлабдан уларнинг ёмон ниятли кишилар эмаслигини айтарди. Охири Малика ҳам Шокир аканинг сўзларини маъқуллади.

— Катта одам бир нимани билади, балки бошқадир.

Қобил гапини уқтиролмаганига хафа бўлди. Шокир ака темир йўлни айланиб келиш баҳонасида қалинроқ кийинаркан анча соғайиб қолган хотинига тайинлади:

— Агар узоқлаб кетсам, Қобил билан поезд ўтишидан хабардор бўлиб тур, балки Олтиариққа ҳам ўтиб келарман.— Шокир ака шубҳасини сиртга чиқариб уйдагиларни қўрқитмаслик учун кулиб гапиришга ҳаракат қилди. Ҳаво булут, ер лой бўлгани учун зим-зиё қоронғи эди. Қобил Шокир аканинг кетидан пешайвонга чиққанида у Олтиариқ томонга темир йўлдан одимлаб борарди. Паста баландни кўравериб пишиб кетган Шокир ака отлиқларнинг бежиз келмаганини, отнинг белигача лойга ботиб келиб, бекордан-бекорга қайтиб кетишида сир борлигини аллақачон пайқаганди. Қобилнинг шубҳаси ҳам улар ёмон ниятли одам эканини тасдиқлади. Лекин ўзини оғир тутишдан бошқа чораси йўқ эди. «Улар бир нарсани сезган, эртаиндин қайтиб келади», деб ўйлади у. Уйдагилар Шокир акадан хавотир олиб, кечаси билан бесаранжом бўлиб чиқди. Тонг отарга яқин Олтиариқдан келаётган поезд қоровулхона олдида секинлаб ўтди. Ундан Шокир ака билан ўн-тача одам сакраб тушиб қолди. Улар Қизил аскарлар эди. Катта хонани уларга бўшатиб беришди. Яна ҳаммаёқ жимиб қолди.

Шокир ака темир йўл милициясига хабар берганида, Тошкентдан озиқ-овқат ортилган поезд келаётганини, демак босмачилар бундан хабар топганини айтишди. Қизил Армия штаби билан боғланиб, ёрдам сўрашди. Босмачилар қоровулхона олдида бежиз пайдо бўлмаганди. Бу ер уларга қулай, қуролсиз қоровулдан бўлак ҳеч ким йўқ, поездни тўхтатиб, юкни бемалол тушириб олиш мумкин эди. Икки отлиқ кўчани кўздан кечиргани, қоровулхонада аёлларнинг безовталигини ҳисобга олмаганда, кундузи ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа содир бўлмади, фақат кечга яқин ёмғир шивалаб ёға бошлади. Бундай пайтда одам боласи кўринмас, парранда ҳам учмас, аҳён-аҳёнда поездгина ўтарди. Қоронғи тушар-тушмас Қўқон томондан поезд кўринди. У уззукун юравериб толиққан одамдек оғир пишиллаб, ошиқмай келарди. Қобил одатдагидек Шокир

аканинг ёнига югуриб чиққанида, унинг феъли айниб турган эканми, зарда билан:

— Ёмғирда сенга нима бор, кир уйга!— деди.

Шу пайтгача Шокир акадан оғир гап эшитмаган Қобилга шунинг ўзи етарли эди, хафа бўлиб орқага қайтди. Поезднинг яқинлашишига бир километрча қолганида иккита отлиқ келиб, Шокир акага тўппонча ўқталди:

— Товушингни чиқарма!

Шундай бўлишини кутган Шокир ака шошиб қолмади.

— Нима гап? Ҳазилнинг вақти эмас,— деди баланд овозда.

Отлиқ ерга сакраб тушиб, бири Шокир аканинг ҳиқилдоғидан олди. Шокир аканинг унга кучи етмай, туриб қолди. Иккинчи киши поездни боши берк йўлга ўтказиш учун изни бурадиган темирга ёпишган эди, пешайвондан отилган ўқдан мукка тушди. Асов от ҳуркиб қочди, иккинчи босмачи бундан саросимага тушиб, тўппончасини улоқтириб юборди. Қоровулхонанинг орқасида пойлаб турган Қизил аскарлар отлиқ аравада келаётган босмачиларга қарата ўқ узди. Шу пайтларгача паровознинг қичқаришидан бошқа товушни эшитмаган ерлар одамларнинг бақириб-чақириви, отларнинг асабий кишнаши, ўқ товушига тўлди. Ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетди. Қизил аскарлар Шокир акани бўлган босмачини асир олди. Қолганлари иккита от-арава, битта отнинг ўлигини қолдириб тумтарақай бўлди. Йўлни бекитмоқчи бўлган босмачи Ёқуб эди, унинг ўлигини нарироққа олиб бориб кўмиб ташлашди. Эртасига ҳеч нарса бўлмагандек ҳаммаёқ тинч эди. Қобил Ёқубнинг ўлганига кўнглида алланечук нохушлик сезса ҳам, қилмишига яраша жазосини олгани учун тезда эсдан чиқарди.

Қушлар жўнашиб кетди. Баҳор офтоби ерни қиздира бошлади. Қарғалар кетиб, осмонда қалдирғочлар айланиб қолди. Қобил яна Шокир ака билан поездларни кутарди. Қизил аскарлар эса, ҳамон катта хонада туришарди. Энди Малика уларга ҳам овқат пиширарди. Тўполон бўлиб ўт-

ган куннинг эртасига Тошкент томондан пассажир поезди ўтди. Қобил Шокир аканинг ёнида ҳар бир вагонни кузатарди. Ўртадаги бир вагонда калта пахталик, бошига қўй терисидан тикилган қалпоқ кийган киши унга тикилаётгандек кўринди. Поезд секинлаб борар, у Қобилдан кўзини узмасди. Балки унинг ҳам Қобил тенги боласи бордир. Қобил ҳам у одамга тикилиб қаради, қаеридир дадасига ўхшаб кетарди. Лекин бу одамнинг соқол-мўйлови ўсиб кетганди. Қобил дадасини хушсурат, тўйга кетаётганидэгидек беқасам чопонда тасаввур қиларди. Поезд узоқлашиб кетганда ҳам у одам ёпиқ деразадан қараб тургандек туюлди Қобилга. Унинг болажонли боқиши кечгача Қобилнинг кўз олдидан кетмади.

Эртасига Қизил Армия штабидан болалар ва аёлларни кўчириш тўғрисида буйруқ келди. Энди уларнинг бу ерда туриши хавфли эди. Зарофат опани болалари билан Олтиариққа кўчирадиган бўлишди. Малика билан Қобилни эса, Қўқонга — қариндошиникига жўнатишди. Маликани ишга жойлаштириш хусусида совет идорасига қоғоз ҳам ёзиб беришди.

ҚУҚОНДА

Проводник: «Кейинги станция Қўқон», деб эълон қилганида Маликанинг юраги гупиллаб ура бошлади. Орадан неча йил, неча замонлар ўтиб, тугилган шаҳрига биринчи бор қадам қўяди. У шаҳарни бошдан-оёқ билмаса ҳам, Чорси атрофлари, ўзининг кўчаси ҳамон эсида. У дадасини ҳам, амакисини ҳам яхши хотирлаб қолган. Гарчи иккаласи оламдан ўтган бўлса-да, уларнинг қиёфаси кўз ўнгидан кетмайди. Қамбағал бўлса ҳам оқкўнгил, меҳрибон одамлар эди. Назарида дадаси: яхши келдингми қизим, деб пешвоз чиққандек, амакиси — уни дадасидан ажратмасди — пешонасидан ўпаётгандек эди. Ака-ука иккаласи аҳил бўлган. Рўзғорни ҳам ўртада эди. Амакиваччаси Саттор шўх, нуқул Маликанинг сочидан тортиб, дадасидан

гап эшитарди. Ҳозир у ҳам амакимдек вазмин, оққўнгил, меҳрибон киши бўлиб қолгандир, деб ўйлади Малика. Поезд яқинлашган сари унинг юраги дўнғалаклардек қаттиқ гупилларди. Поезд Қўқонга кун ёришганда етиб келди. Темир йўл вокзали Маликага оловдек кўринди — у болалигида Тўрахонбой билан мана шу вокзалдан кетганди. Фақат бино унинг тасаввурида сақланиб қолганидан чоғроқ кўринди. У Қобилнинг қўлидан маҳкам ушлаб, бино ёнидаги йўлдан кўчага чиқаркан, шаҳар томондан келаётганлар унга танишдек кўринар, жилмайиб саломлашгандек, шунча замондан бери қаерларда юргандинг, деб сўраётгандек бўларди. Балки улар Малика ўсган кўчада тургандир, уни таниётгандир? У ҳар бир қараб ўтган кишига салом бергиси, аёллар билан қучоқлашиб кўришгиси келарди-ю, лекин ёнидан ўтиб кетгач, кўнгли совирди. Ҳамон Қобилнинг қўлини қўймай, болалигида ўтган йўлдан илдам борарди: тезроқ дийдор кўриш истаги қадами ни илдамлатарди. Қобил эса, нотаниш шаҳар кўчаларига, биноларга қизиқиб қарар, унда ўзгача ҳаяжон — томоша қилиш истаги кучли эди.

Малика қариндошининг болаликдаги қилиқларини Қобилга неча марта мақтаниб гапирганига қарамай, ўша гапларни ҳозир яна қайтарар, Қобил гоҳ эшитиб, гоҳ аланглаб борарди. Йўл-йўлакай қандай салом бериш, қандай кўришишни Қобилга уқтирар экан, амакиваччаси танирмикан, у жуда ўзгариб кетган, дарров танимаса керак, шунча йил кўришмаган одамни тўсатдан танимай қолар, деб ўйларди. Орадан ўтган йиллар балки унинг юзига ҳам ажин солгандир. Балки болалари кўпдир? Агар Тўрахонбой берган пуллар билан келганида жуда асқотарди-да. Ҳар қалай ҳозир ҳам қўли қуруқ эмас, қизил аскарлар билан Шокир ака бир оз пул йиғиб беришди. То ишга жойлашгунича етади, амакиваччасига оғирлиги тушмайди. Фақат янгиси қандай қабул қиларкин, шуни билмайди. Агар у оққўнгил, содда аёллардан бўлса, нега хат-хабар қилмадинг, деб гинахонлак қилар. Албатта Малика Тўра-

хонбойникида хат ёзиш у ёқда турсин, бошини қашишга ҳам вақти бўлмаганини айтади.

Саккизта нон, беш қадоқча қурт солинган тугунни иккичи қўлига олганида Чорсига келиб қолишганини пайқадн Малика. Дадаси ҳаётлигида у билан бошлашиб неча марта келганди бу ерга. Ана қўшчайхона, фақат нарироқда янгиси пайдо бўлибди. Малика одам кўп жойдан рўмоли билан юзини пана қилиб, таниш кўчага ўтди. Бу ерда ҳам кўзга ташланадиган ўзгариш сезмади. Фақат таниш девор ва бинолар кўзига иссиқ кўриниб, яна юраги ҳаяжонга тушди. То ўзи туғилиб-ўсган ҳовли олдига боргунча юрак уриши сусаймади. Ана ўша болалигини эслатувчи бир табақали эшик, Малика уч-тўрт яшарлигида унга осилиб, арғимчоқ учарди. Уша пайтда янги эди, энди ёмғир-қорда, иссиқ-совуқда эскириб, кулранг тусга кирибди, девор усти нураб, қаровсиз ҳолга келибди. Бундан: амаки-ваччам ночор яшар экан, деган фикрга келди Малика. У ҳамон ҳаяжонини босолмай эшикни муштуми билан дукиллатди. Ҳеч ким жавоб бермади, эшик орқасидан занжир бўлгани учун ичкарида одам борлиги маълум эди, шунинг учун у янада қаттиқроқ дукиллатди. Анчадан кейин қўшни эшик очилиб, ёшгина жувон чиқди, Малика уни танимади. Қимсиз, деб суриштириб ўтирмади ҳам. Жувон кўчада эркак киши йўқлигини билгач, яқин келиб:

— Бу ҳовлида қулоғи оғир кампир туради, болалари уйда бўлмаса керак,— деди-да, ердан чўп олиб, занжирни туширди. Малика янгамнинг қулоғи оғир бўлиб қолибди шекилли, деб ўйлаб, жувоннинг кетидан ҳовлига қадам қўйди. Одам шарпасини сезган кампир ҳовлининг ўртасида меҳмонларни қарши олди. Малика уни танимади.

— Бу Саттор аканинг эшигимизми?— сўради Малика янглишдимми, деб ўйлаб.

— Улар жойини сотиб кетган,— кампир ўрнига жавоб қилди қўшни жувон.

Бу Маликага чақмоқ ургандек таъсир қилди, бўшашиб,

оёғи дармонсиз қалтиради. Умид боғлаб келган офтоби абадий сўнгандек, кўз олди қоронғилашди.

Қўшни жувон билан кампир унинг ҳолатини кўриб, шошиб қолишди, уйдан эски курсича олиб чиқиб, Маликани ўтқизишди. Ойисининг ҳолатини тушунган Қобил унинг елкасини кучоқлаб:

— Ойи, қўйинг, хафа бўлманг, майли, хафа бўлманг,— деб ялинарди.

Ҳеч нарсага тушуна олмаган жувон:

— Сизга нима бўлди, тобингиз йўқми?— деди оқариб кетган рангига қараб, кейин шошиб пиёлада совуқ чой тутди.

Малика анчагача ўтириб, ўзини бир оз тутиб олди-да:

— Қаёққа кетишганини билмайсизми?— деб сўради.

— Тошкентга кўчяпмиз, деган эди хотини. Эшитишимизча, Саттор ака катта дохтир бўлиб кетганмиш.

Маликанинг бу ерда илинжи қолмаганди: одамларнинг буларга кўзи учмайди, бир кун, ярим кун қолгани билан бари бир кетиши керак, шунинг учун қўшни жувоннинг бизникида бир пиёла чой ичиб кетинг, деганига қулоқ солмай ўрнидан турди. Энди кимлигини, нима мақсадда келганини айтишнинг ҳам ҳожати йўқ. У аста юриб кўчага чиққанида, беихтиёр ўғлининг бошини силаб юзига қаради, унинг хўрлиги келиб, елкасини қисиб турганини кўриб, ўзини дадил тутишга ҳаракат қилди, аввал аччиқ жилмайди, кейин хахолаб кула бошлади. Онасининг изтиробларини тушунган Қобил у айниб қолмадими, деб қўрқиб кетди.

— Ойи, нега куласиз, нима бўлди сизга?!

Малика кулгидан тўхтаб, ўғлига маъносиз қараб қўйди-да, келган кўчасидан тез-тез юриб кетди. Илгари бу кўча ўзига оҳанрабодек тортган бўлса, энди кўкрагидан итараётгандек туюларди. Она-бола анча жойгача индамай боришди, кейин Малика катта одамга гапирётгандек ўғлига қараб:

— Майли, олди ёз, бир амаллаб кунимизни кўрармиз, Тўраҳонбойниқидан баттар бўлмас,— деди.

У ўглининг кўнглини кўтариш учун ўзини тетик тутишга уринса ҳам ҳимоясиз, бошпанасиз қаерларда сарсон бўламиз, деган хаёл ич-этини ўртарди. Ҳали қўлида озгина пули бор, она-бола чойхонада тунайдимиз? Янги ҳукумат идорасини қидириб топгани билан уни ишга оладими? Хатсаводи бўлмаса... Кейин аёл кишининг қўлидан нима иш ҳам келарди? Шундай хаёллар билан Чорсига етишди, энг четдаги — одам камроқ чойхонани мўлжаллаб, тамадди қилмоқчи бўлишди. Чойхонанинг ташқарисидаги сўрисиди даладан тушган деҳқонлар хотин-болалари билан ўтирар, дастурхон вазифасини ўтовчи белбоғларда ушатиғлиқ нон, баъзиларининг олдида ёнғоқ, майиз, туршак, сопол пиёлаларда чой ичишарди. Чойнақлари эса, чегаланган ёки тумшуқларига тунука қопланган эди. Малика четдаги сўрининг лабига омонатгина ўтирди. Қобил чой олгани ичкарига кирди. У ердаги сўриларда ҳам одам кўп эди-ю, лекин чойхўрларнинг иши тигизга ўхшамас, ҳар қайси давра биттадан пиёла айланиб, чойни эрмак қилиб ўтиришарди.

Фақат чойхонанинг тўрида оппоқ соқолли нуроний қария ёлғиз ўзи ўтирибди. У наманганлик Лутфилло эшон бўлиб, бу ердагилар танимас, Шўролар ҳукумати ер-сувини собиқ корандаларига бўлиб берган, фақат ўзи турган ҳовлиси-ю, ўз кучи билан экин-тикин қилса бўладиган бир гектарча ерни ихтиёрида қолдиришганди. Текин даромаддан, муридларидан айрилган эшон, кимларнингдир маслаҳати билан, бола-чақаларини қолдириб, уйдан чиқиб кетган, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезарди. У ҳозир чойхонада ҳеч кимга эътибор бермай, тамадди қилиб, қандайдир китобни варақларди. Қобил унга бир қараб, чойхоначига ўгирилди.

Чойхоначи ағдарма этик, қизил чопон кийган мўйловдор, қошлари ҳам мўйловига ўхшаш ўсиқ, жиддий одам кўринарди. У чойхоначидан кўра бойваччаларга ўхшаб

кетарди. Катта самоварнинг бири пар бўлиб қайнар, бири шашиллаб турарди. Қобил унга яқин бориб, бир чойнак чой сўради. Чойхоначи икки самовар олдида туриб, нималарнидир хаёлини сурарди, хаёли бўлинганидан порози бўлгандек у Қобилга қаради. Жиркангандек лабини буриб қўполлик билан:

— Чой ҳам, чойнак ҳам йўқ!— деди.

Қобил одам бўйи баланддаги тахтада чинни чойнак, пиёлаларнинг тахлоғлиқ турганини кўриб, чойхоначи ҳазиллашянти шекилли дегандек унинг кўзларига қаради.

— Нима қилиб турибсан, йўқ дедимми, йўқ! Сендақаларнинг дастидан синиқ пиёлалар ҳам қолмаяпти,— деди чойхоначи.

Қобил унинг гашидан, ўғирлаб кетасан, деган маъно англади, бундай ҳақоратни биринчи марта эшитгани учун унга қаттиқ таъсир қилди. Лекин бу одамга гап уқтириб бўлмаслигини тушуниб, алам билан чиқиб кетди. Бу одамдан бир кечага бошпана сўраш у ёқда турсин, бир қултум сув ҳам сўраб бўлмаслигини ойисига айтди. Иккаласи кўнгли баттарроқ чўкиб, қуруқ нонни кавшай бошлашди. Лекин суви қочган нон Қобилнинг томоғидан ўтмади, яна кўзи олдига дадаси келди. Агар дадаси бўлганда чойхоначининг ҳақорат қилишга ҳадди сиғармиди. Барча хўрликлар, дадасини соғиниш Қобилнинг кўзига ёш келтирди. У онасига сездирмаслик учун юзини ўғирди-ю, бўлмади: онадан изтиробларини яшириб бўлармиди? Онадан-а?! Дуйёга келтирган, ингалашдан бошқани билмайдиган чақалоқнинг ҳар бир талпиниши, жилмайишино йиғисидан бошқаларга аён бўлмаган олам-жаҳон маъно англай оладиган она ақли камолга етиб қолган ўғлининг ҳолатини пайқамасмиди. У ўғлининг елкасини силаб юпатмоқчи бўлди. Қобилга дадасининг эркалалари кўринди. Наҳот олам шу қадар бешафқат бўлса, наҳот одам одамни эъза, ҳақорат қилса... Қобил қаерда ўтирганини унутди. Машрабининг «Дастингдан» ғазали бошида айланар, унинг кечинмаларини ифода этарди. Тўсатдан куйлаб юборди:

Не ғурбатларни чекдим, чархи бербунёд, дастингдан,
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдим,
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдан,
Ҳамма обод бўлди, бўлмадим обод дастиндин,
Ки мен ҳарқайда борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Боланинг тиниқ, булбул нолаасидек хазин, юракни тил-ка-пора этувчи мусиқавий овози, Машрабнинг додига ҳам-оҳангдек ўртаниб куйлашидан чойхонада ўтирганлар оғзини очиб қолди. Уткинчилар кетаётган ерида тўхтади, от-араваларнинг тақир-туқури тинди, ҳамманинг кўзи Қобилда эди. Мўйловдор, қовоғи солиқ, яқингинада Қобилни ҳайдаб чиқарган чойхоначи эшик кесақисига суянганча қотди. Ёш ҳофиз ҳеч кимга қарамас, бир нуқтага тикилганча давом этарди.

Кўзимни оқи янглиғ меҳрибонимдан аюрдилар,
Дилимни қуввати руҳи равонимдан аюрдилар,
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдан аюрдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳарқайда борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Чаманда булбули бехонумонман ошиёним йўқ,
Мисоли чўғиздек вайронада ҳаргиз маконим йўқ,
Азизимдин жудо бўлдим, бошимга соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳарқайда борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Ёш ҳофиз «дод дастингдин» сўзларини шундай бир ни-до билан айтардики, ҳар қандай тошюракни ҳам тешиб ўтарди. У отасидан айирганлардан, бошига турли кулфатлар солган, хўрлаганлардан дод соларди. У беихтиёр чойхона тарафга қараб, бошини эгиб турган чойхоначи чопони енгига кўзини артганини кўрди. Ҳатто унинг ёш боладек бурчинни тортгани ҳам эшитилди. Лекин Қобил чалғиман, аввалгидан ҳам берилиб, давом этди:

Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасин ҳеч ким,
Кўзи ҳам термулиб йўлларға, ҳайрон бўлмасин

ҳеч ким,

Шу ерга келганда Қобил ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди. Ҳамма оғир мусибатдан қарахт бўлгандек жим, баъзилар кўзини артар, баъзилар хўрсинарди. Бу одамларнинг орасида алам ўтганлар: ўғли ёки ака-укаси мардикорликдан қайтмаганлар, қаҳри қаттиқ одамлардан хўрланганлар кўп эди. Машраб сўзларининг кучи, ёш ҳофизининг овози ва маҳорати уларнинг жароҳатини янгиллаганди. Ниҳоят, ҳаммадан олдин чойхоначи тилга кирди:

— Кечир менн, акаси, билмабман, сени ҳалиги андақа болалардан деб ўйлабман, кечира қол, кўнглинг ранжимасин мендан,— деди-да, бир нима эсига тушгандек шошиб ичкари кирди, бир оздан кейин гардим чойнак билан иккита чинни пиёла кўтариб чиқди. Шу пайт чойхонада ўтирганлар ва Қобилнинг ашуласини эшитган ўткинчилар нон бурдаланган рўмолга чақа, танга ҳамда қоғоз пулларни ташлашди. Бундан Малика ҳайрон, Қобил хижолатга тушди. Улар ашулага пул беришларини билмас, худди гадоёга садақа бераётгандек туюларди. Қобил Тўраҳонбойнинг эшигига тиланчилик қилиб келадиган болаларни кўз олдига келтирди: ўзи тенги, ориқ, жулдур кийинган. Худди ўзини ҳам ўша аҳволга тушиб қолгандек ҳис этиб, юзи қизарди, кўнгли чўкди.

— Керак эмас, қўйинглар, керак эмас,— дерди у пул ташлаётганларга.

— Ундай деса, акаси, берганидан кейин олавер,— деди чойхоначи далда бериб,— пул ортиқчалик қилмайди, мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди. Олло берган овозинг бор экан, бергани олавер,—яна пул тўғрисида бир талай насиҳат қилиб, тушган пулларни ихчам қилиб рўмолга тугди-да, Маликага тутқазди.— Мана, маҳкам ушланг, чойга ҳам пул берманглар!

Одамларнинг назарида Машраб тирилиб келгандек

Қобилга эътиқод билан қарашарди. Малика ўғлини мақташларига севиниб, кўнгли ёришди, Қобил эса, аламли таассуротидан ҳали қутулмаганди. У ер-бу ердан илтимос туша бошлади, улар яна Машрабдан эшитишни истарди. Қобилнинг энди ашула айтигиси йўқ эди.

— Ойи, юринг кетамиз,— деди унинг қулоғига.

Чойхоначини ичкарига чақириб қолишди. У қайтиб чиққанида она-бола аллақачон жўнаб кетган, чойнакдаги чой шундоққина совиб қолганди.

— Машраб!— деди у бошини чайқаб,— ҳақиқий Машраб ҳам худди шунга ўхшаган бўлса керак.

НОТАНИШ ҚАРИНДОШ

Шу чойхонадан баланд бўйли, оппоқ салла ўраган, узун, оппоқ соқоли қизилмағиз юзига салобат бағишлаган, ёшига нисбатан ҳали тетик қария чиқиб, ҳофиз боланинг қайғу қетганини сўради-да, каттагина халтасини елкага ташлаб, сербутоқ хассасини тўқиллатиб, йўлга тушди. У вокзал яқинида она-болага етиб олди-да, уларнинг қадамига қараб ёнма-ён юрди. Бу Лутфулла эшон эди.

— Йўл бўлсин, бўталарим,— сўради у қадимдан танишдек бепарвогина. Унинг товушида кишини ўзига ром қиладиган қандайдир жозиба бор эди.

Малика рўмолини юзига тўсиб, бир кўз билан унга қаради, салобатли авлиёсифат қария унга эътибор бермай Қобилга:

— Бахтли бола бўласиз!— деди каромат қиляётгандек вазминлик билан.

— Илоё айтганингиз келсин,— деди Малика худди ҳозир бахт қуши ўғлининг бошига қўнадигандек хурсанд бўлиб ва Фарғонадан қариндошларини қидириб келишганини, энди Тошкентга бормоқчи бўлишганини айтиб берди.

— Баракалло-о,— деди қария чўзиб,— сафарингиз бехатар бўлсин ушбу хатарли замонда.

Қобил қариянинг ширин сўзларига эриб кетиб, унинг халтасини кўтариб бормоқчи бўлди. Қария унамади.

— Бера қолинг бобоси,— ўғлининг гапни қувватлади
Малика.

— Йўқ, бўтам, ёшим саксондан ошган бўлса ҳам тегикман, мурғак болани қийнагим келмайди,— деди қария,— меннинг ҳам сиздек неварам, мана бундоқ эварам бор эди, улардан мосиво бўлдим...— унинг юзида афсунадомат акс этди.— Мана энди қариган вақтимда дарбадар бўлиб, Султоним Хўжа Аҳмад Яссавийнинг мақбарасини зиёрат қилгани кетяпман.

Малика ҳам, Қобил ҳам Яссавийнинг мақбараси қаердалигидан беҳабар эди, қария буни сезиб, Тошкентдан ўтиб борилишини тушунтирди. Улар вокзал биносига кириб, кассада навбат кутаётганларининг кўплигини кўрди. Қария Маликага навбат олишни айтиб, ўзи ўтиришга бўш жой қидирди. Шу кунни билет сотилмади, қария Малика билан Қобилга скамейкадан жой олиб қўйган эди, уларни ёнига ўтқизиб, халтасини очди.

— Қорнингиз ҳам очгандир, бўталарим,— деди қария ғамхўрлик билан ва иккита юмшоқ нон орасига олинган яхна гўшт чиқариб, олдиндан тайёрлаб қўйилган рўмолга қўйди. Қаламтароши билан гўштни бурдалаб, бир япроғини яримта ноннинг устига қўйди-да, Қобилга:

— Буни онангизга узатинг, ўзингиз буёқдан олинг,— деди.

Малика қариянинг нимага бунчалик меҳрибончилик қилишига тушуна олмай ҳадиксирар, лекин унинг ширин сўзлиги, ҳар гапда оллони тилга олиши, бунинг устига табаррук жойга зиёратга кетаётгани шубҳаларини рад этарди. У ийманиб ўғлидан гўштни оларкан, хижолатлик билан:

— Раҳмат,— деди.

Қария Қобилнинг бошни силаб, елкасига қоқиб:

— Олаверинг, бўтам, сиз менга ширин эварамни эслатдингиз. Менга ашула айтиб берарди, доим ёнимда юрарди.— Лекин у эвараси қаерда, унга нима бўлганини айтмади.

Овқат вақтида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, қария Саҳобнинг мардикорликка кетганини, она-боланинг бошига тушган барча тафсилотларни билиб олди.

— Банданинг боши — оллонинг тоши, деганлар бўтам, ҳар нарсага сабри қаноат қилсангиз ажрини кўрасиз.

Малика индамади, қария халтасидан қалин китоб олиб, кўзойнак тақди. Лекин залда чироқ бўлмагани учун ўқий олмади.

— Мен ўқиб берайми бобо?— деди Қобил китобга қўлини чўзиб.

«Лаббай, ҳазиллашмаяпсанми», дегандек кўзларини қисиб қаради.— Ҳали ўқишни ҳам биласизми бўтам? Қани манави вароғини ўқинг-чи!

Қобил китобни олиб, қария кўрсатган ерини ўқиди:

«Ғариб, етим, фақирларнинг бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочдим ман-о»...

— Бўлди, бўлди бўтам, офарин, устозингизга раҳмат! Бундай олқиш Маликага ёқиб тушди, ўғлининг ашула айтишини ҳам билдиргиси келиб мақтанди. Қария унинг овозини эшитганини айтмади.

— Ҳай, умридан барака топсин, мен бунинг катта истиқболини кўриб турибман,— деди кўзларини юмиб.— Ҳазрати Султонимга борганимда унинг дуою жонини тилайман.

Ҳар хил сўзлар билан она-болани ўзига мойил қилмоқчи бўларди қария. У ҳатто, қандайдир бир қариндошчилиги бўлиши эҳтимоллигини, аммаваччаси Саҳоб исмли не-вара кўрганини, ҳозир унинг қаердалигини билмаслигини, аммаваччаси оламдан ўтгандан кейин алоқа узилиб қолганини гапирди.

Малика ўз бобосини топгандек, энди Тошкентга хавфхатарсиз етиб олишига ишонч пайдо қилиб, анча хотиржам бўлди. Уччаласи ўтирган ерида тонг оттирди. Қун гира-шира ёришиши билан қария тўрвасини титкилаётгани-

да Малика уйғониб кетди, елкасига бошини қўйиб, ширин ухлаётган ўғлини уйғотиб юбормаслик учун қимирламади. Қария ҳам қўли билан, ухлайверсин, деган ишора қилиб, халтадан пул чиқарди-да, керагини олиб, халтани Маликага берди.

— Ёмон кўп, қизим, ушлаб ўтиринг, мен ҳозир келаман,— деди шивирлаб.

Анчадан кейин қария бир товоқда қаймоқ билан тўртта иссиқ нон кўтариб келди. Малика бу меҳрибончиликдан хижолат бўлиб:

— Менда ҳам пул бор эди-ю,— деди.

— Пул, бўтам, ўзингизга керак бўлади, мен нима қиламан, гўримга орқалаб кетмайман-ку!

Қариянинг ҳар бир сўзи, меҳрибончилиги она-болани ўзига ром этарди. Улар халтани эгасига топшириб, ювиниб келишди. Нонуштадан сўнг қария кассага бориб келди.

— Қизим,— деди у мулојимлик билан,— бу ерда ҳали-бери чипта сотилмайдиган кўринади. Нариги бекатда одам бўлмайди, чипта топилмаса, хизматчиси билан келишармиз. Олло-таоло оёқни бандаларига юришга берган. Шошадиган жойимиз йўқ, битта-битта етиб оламиз.

Қариянинг таклифи ишончли кўринди. Ҳаво очик, қария одам юрганидан кейин, йўқ дейишга ийманди Малика.

Улар аввал темир йўл бўйлаб юришди, кейин қария яқинроқдаги бирор қишлоқда тушлик қилиб ўтишни таклиф қилди. Салдан кейин икки-уч чақирим нарида тўп дарахт қорайиб кўринди. Уша ерда қишлоқ бўлишини таҳмин қилган қария темир йўлдан бурилди.

Ҳали қишлоққа кириб боришмасданоқ йиғи товуши эшитилди. Бир қанча аёллар кимгадир аза тутарди. Қария олдинда, ундан кейин она-бола товуш келган томонга юришди. Енгил-елпи қурилган уйнинг қийшайган эшиги олдидан ўтган ариқ бўйида катта тол бўлиб, соясида ёзилган бўйра, наमत устида эркаклар ўтирар, ичкарида йиғи

товуши тинмасди. Мурдани яқинда қўйиб келишган бўлса керак, тобут кўринмасди. Эшик олдида турганлар Маликани ичкарига ўтказиб юборишди, ҳамма эркаклар ўрнидан туриб, қарияни одоб билан кўрпачага ўтқизишди, Қобил нима қилишини билмай, берида тўхтади. Қария чўккалаб ўтириб, тиловат қила бошлади. У қироатни жуда ҳам бопларди, овози ҳам ширали. Баъзилар чўнқайиб, баъзилар қоқ ерга ўтириб бошини эгган, қироат баланд товушда ўқиладигани учун аёллар ҳам йиғини тўхтатганди. Фотиҳадан сўнг қария нима бўлганини сўради.

— Қамбағалпарвар оқсоқолимиз бор эди,— жавоб қилди унинг ёнида ўтирган кекса киши,— босмачилар ўлдириб кетишди.

Босмачилардан ҳамманинг норози эканлигини кўрган қария, бас қилинглар, дегандек иккала кафтини кўтарди, ҳамма жим бўлгач:

— Биз ҳаммамиз осий бандалармиз, оллонинг қилмишига зид гапирмоқ катта гуноҳ,— деди ва ўтирганларга қараб чиқиб, давом этди.— Инсон қачон, қаерда ва кимнинг қўлида ўлишини билмайди. Қисматига нима ёзилган бўлса, шуни кўради. Муҳтарам оқсоқолингизнинг ажали босмачилар қўлида экан, бу ҳам оллодан. У ёмон, бу ёмон десангиз оллога шак келтирган бўласиз.

Қариянинг сўзларига эътироз билдирадиган бўлмади, ҳаммаси оллонинг ёзмишига шак келтиришдан қўрқарди шекилли бошини қуйи солиб ўтирарди.

Қобилнинг кўзи олдида Тўраҳонбойникида ўтказган машаққатли кунлари, унинг уйдан чиқариб юборгани, дадасининг мардикорга кетгани, Еқуб ўғрининг қилмишлари келди, булар ҳам оллоданми? Нега эртадан-кечгача қаддини букиб ишлайдиганлар ялчиб овқат емайди, бошпанаси юпун ёки йўқ, бойлар роҳатда яшайди, нега ҳаммани баравар қилиб яратмаган? Шунга ўхшаш фикрлар Қобилнинг бошида айланаётган бўлса ҳам қариядан сўрашга ботина олмади.

Қария аҳолининг илтимосига кўра қишлоқда қолиб. эрталабки дуойи фотиҳадан сўнг йўлга чиқишга рози бўлди. У ярим кечагача диний китобдан тафсил айтиб, Ясавийнинг китобидан ўқиб берди. Кўзи толиганида китобни Қобилга ўқитган эди, саводсиз халқнинг унга ҳам ихлоси ошди.

Эртасига оёғи ва қаноти боғланган катта товуқ, тугунда нон билан яна йўлга тушишди. Товуқни Қобил қўлтиқлаб олган, Малика тугундаги нонларни кўтариб борарди. Қишлоқдан чиқилгач экинсиз яйдоқ дала, узоқларда тоғлар қорайиб кўринар, дов-дарахт кўринмасди. Оёқ остида катта-кичик тошлар, у ер-бу ерда пастак бута ёки янтоқлар кўзга ташланарди. Осмону фалакда танҳо бургут қанот қоқмай, йўловчиларнинг тепасида айланарди. Агар ишонч билан олдинда кетаётган қария бўлмаса, юракни увиштирарди бу манзара.

Қуёш тиккадан оққанида кўм-кўк далалар бошланди, энди ранго-ранг гулларга бурканган дала йўловчиларнинг баҳри дилини очиб юборди. Офтоб унчалик қиздирмас, майин шабада қулоқ тагида шивирлар, ўтлар орасидан гоҳ бедананинг битбилдиги эшитилар, гоҳ оёқ остидан учган тўрғай тепада муаллақ туриб сайрарди. Бир чақиримча нарида кумуш баргли дарахт кўринди, ўша томонга юришганида, каттагина ариқ бўйдан чиқиб қолишди. Биров экканми ё ўзи чиққанми, икки туп жийда муаттар ҳид таратиб турарди. Шу ерда тушлик қиладиган бўлишди. Қария қаламтороши билан бирпасда товуқнинг бўйинини узиб ташлади, Малика уни тозалаб, патини юлди, Қобил жийданинг қуриган шохларидан синдириб тушди. Қария халтасидан гугурт, туз олди, товуқни сихга тортишди. Бундан Малика қариянинг сафарга одатланганини пайқади. Чой ўрнига совуқ сув ичишган бўлса ҳам тушлик кўнгилли ўтди. Яна улар йўлга отланиб, ариқдан ўтишганида ўптача отлиқ тутунни кўрибми ёки ўзими, пойга ўйнагандек шу томонга учиб келаверди. Малика билан Қобил кўрқиб кетди, лекин қариянинг отлиқлар томон бепарво қа-

дам ташлашини кўриб, бир оз тинчишди. Бошини қийиқ билан тапғиган, елкасига ўқ ва милтиқларни өсиб олган мўйловдор киши отини қарияга тақаб келиб тўхтади. Қария пинағини ҳам бузмай унга жилмайиб, ўша салобат билан боқди.

— Қимсиз?— дағаллик билан сўради отлиқ.

Қария унга секин бир нима деб жавоб қилди. Отлиқнинг кўзидаги важоҳат бирдан итоатгўйлик билан алмашди. У қамчин ушлаб турган қўлини кўксига қўйиб узр сўради. Отлиқлар қандай тез келган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Уч йўловчи кечга яқин иккинчи қишлоққа етиб боришганида, кўчалар бўм-бўш, ҳеч қандай товуш эшитилмас, ҳаммаёқни совуқ уриб кетгандай жимжитлик эди. Қишлоқни кесиб ўтган кўчанинг қоқ белидаги сада тагида айвондан иборат мачит бўлиб, чанг босиб ётганидан кўпдан бери одам оёғи тегмаганга ўхшарди. Қария кунботар томонга қараб олди-да, бирдан азон айтиб юборди. Бир оздан кейин у ер-бу ердан гоҳ чол киши, гоҳ болалар қўрқа-писа мўралади. Яна озгина вақт ўтиб, кекса ва ёшяланглар йиғилиб кела бошлади. Қария аҳолининг нимадан бунчалик қўрққани сабабини сўраб ўтирмай, тўғридан-тўғри намозни бошлаб юборди. Намоздан кейин халқ босмачилардан шикоят қилиб, баъзилари қарғади, баъзилари сўкинди. Қария ўтирган ерида ўгирилиб, оллонинг мачитида куфр сўз айтаётганларни тинчитди.

— Мачитдек мўътабар жойда куфр сўзларни айтмоқ гуноҳдир,— деди салобат билан.— Нимаики нарса бўлса, оллонинг иродаси билан бўлади. Оллонинг иродасидан ташқари бир гиёҳ ҳам унмаган, бир тола сочингиз ҳам тўкилмагай. Бирор гуноҳингиз учун олло босмачиларни бошингизга юборди. Сиз шукрона айтиб, гуноҳингизни эганинг ўзидан сўранг.

Чапанинамо, тажанг бир йигит ўрнидан туриб кетди:

— Қамбағалпарвар ҳукумат менга Мирраҳимбойнинг еридан берди, бола-чақамнинг кунига ярармикин деб ар-



па экдим, босмачилар пайҳон қилиб, биттагина сигиримни ҳайдаб кетди.

— Мана ўзингиз омон қолибсиз, олло уларнинг кўнглига раҳм солган.

Йигит тутоқиб:

— Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми? Илик узилди пайтда сигир болаларимга дармон бўлиб турган эди, уларнинг оч қолишини кўрганимдан кўра ўлганим яхши.

— Тақсир,— деди ўтирганлардан бири вазминлик билан,— бу Шўролар ҳукумати ҳам оллонинг иродаси билан бунёдга келдими?

— Уларни тилга олманг, улар кофир!— жавоб қилди қария.

— Камбағалга ёрдам қилган кофир, уни талаганлари оллонинг иродаси, денг!— заҳарханда қилди ўша одам.

— Бойни ҳам, камбағални ҳам олло яратган. Мен қиламан ўттиз, тангрим қилади тўққиз, деган мақолни эшитмаганмисизлар?

— Бизга ўша ўттиз қиладигани керак, у ёғи бир гап бўлар,— деди ўша одам товушини ўзгартирмай ва айвондан тушди.

Ҳамма унга эргашди, айвонда мункиллаган чол билан қария қолди. Анча нарида, кишиларга орқа ўгириб ўтирган онаси ёнида гапларга қулоқ солган Қобилжон қариянинг чалкаш сўзларини ўйлаб кетди. Унинг бойларни, Ёқубга ўхшаган ўғри-босмачиларни ёқлаётганига фаҳми ётди. Боя далада учраган отличлар босмачи эканини, бошлиғининг қарияга таъзим қилиб кетиши сирини энди тушуниб, унга ихлоси совида.

— Кета қолайлик ойи,— деди секин Маликанинг қулоғига.

Лекин қаёққа ҳам борарди, қарияда шубҳа туғдирмай темир йўл бекатига етиб олгунча чидашга мажбур эди улар.

Яна иккита қишлоққа ўтишди, энди Қобил ашула айтиб одам тўплар, қария одамларнинг кайфиятига қараб

ваъз айтар, кўпроқ Аҳмад Яссавийнинг китобини ўқиб, тафсил қилар, оллонинг буюрганига итоат этиб, шайтон сўзига кирмасликка чақирарди. У шайтон, деганида кимни назарда тутаётгани Қобилга аён бўлиб қолганди.

Қария йўл-йўлакай Қобилни Яссавий байтларини маддоҳлардек ўқишга ўргата бошлади. Қонибодомга бориб, у ерда уч кун туриб қолишди. Малика темир йўл бекати-га етишганини билиб:

— Энди кета қолайлик бобо,— деди илтижоли товушда.

— Ҳақ йўлига қиладиган хизматимиз ҳали кўп экан, бўтам,— деди қария ўзига ишонч билан. У она-бола менга кўникиб қолди, мендан бошқа меҳрибони йўқ, деб ўйлагани учун энди мақсадини яширмади: водийдаги барча шаҳарларни ёзи билан айланиб, сўнг манзилга йўл олишларини айтди.— Бари бир бизни кутаётганлар йўқ.

Она-бола қариянинг тузоғига илинганини энди тушунди. У бозордан Қобилга чопон, дўппи, ихчам этик, Маликага кавуш-маҳси олиб берганда бунини ўйлашмаганди. У Қобилнинг ашуласига халқдан тушган пулларни аямай сарфлар, она-болани очин-тўқин қўймасди. Лекин энди Қобилнинг қария билан бирга юргиси йўқ эди. Ундан қутилиш йўлини ҳам билмасди.

Хўжандга етиб боришганида она-боланинг руҳи тушиб, чарчагани сезила бошлади. Қария уларга дам бериб, икки кун боқди. Бозор куни одам кўп жойга Қобилни етаклаб, қулай ерга тургазиб қўйди. Аҳмад Яссавийнинг байтларини маддоҳлардек ўқишга Қобилнинг тоқати йўқ эди. У Машрабнинг «Дастингдан» ғазалини алам билан куйлай бошлади. Бозордаги ғала-ғовур аста-секин тинди. Қобил бир қўшиқни тугатиб, иккинчисини бошлар, қариянинг тўхтат, деган ишорасига қулоқ солмасди. Шунда қария йиғилганларга қараб:

— Халойиқ,— деди баланд овозда ашулани бўлиб,— аввало мана шу бегуноҳ гўдакни дуо қилинглар!— ашулани бўлинганига норози бўлганларнинг шовқинини босиб

Ўзи узундун узоқ дуо қилди. Одамлар тинчигач, мақсади-га кўчди:— Мухтарам халойиқ, биз нотинч замонда яшамокдамиз. Бу нотинчликнинг сабаби ҳасадгўйликдир. Ҳасадгўйларнинг борадиган ери дўзаҳ, ҳаммамизни шу дўзаҳ ўтидан асрасин илоё. Эй, парвардигори олам, адашган бандаларингнинг қулфи дилини очиб, тўғри йўлга бошлагин. Шайтон васвасидан сақлаб, мўмин-мусулмон бандаларингни жаннатга доҳил қилгин.— У шайтон ва ҳасадгўйлар кимлигини очиқ айтмас, ишчи-деҳқон ҳукуматига қарши зимдан тескари ташвиқот олиб борарди. Буни биров тушуниб, биров тушунмасди.— Биров бой, биров камбағал, бунинг барчаси оллодан, уни ўзгартириб бўлмайди...

Оддий кийинган бир киши секин орқадан келиб, қариянинг қўлтиғидан ушлаганида, унинг сўзи бўлинди.

— Тескари ташвиқотни тўхтатинг!— деди у.

Қариянинг баданига титроқ туриб, гапиролмай қолди. Киши Қобилнинг қўлидан ушлаб, қарияга:

— Олдимга тушинг!— деди рад этиб бўлмас товушда.

Қобил қаршилиқ қилмади, унга бари бир эди энди. Малика ўғлининг кетидан эргашди. Уччаласи бир хонага кирганида, тўппонча таққан киши нималарнидир ёзиб ўтирарди. У хонага кирганларга бир қараб қўйди-да, яна қозга қараб:

— Келдингизми, Лутфилло эшон?— деди.— Ер-сувингизни қўлдан кетгани алаmidан чиқмабсиз-да.

Лутфилло эшон миқ этолмай ерга қаради. Қобил билан Маликани суриштириб уларга жавоб беришди. Хўжанд станциясидан поездга ўтиргач, улар эшоннинг тузоғидан қутулганига севинишди-ю, лекин Тошкентда нималар кутаётганини билмаслик кўнгил ғашлигини ёзмади.

ҚУШ УЯСИГА ҚАЙТАДИ

Саҳоб мардикорликка кетганига ёзда уч йил тўлади. Октябрь революциясидан кейин бир йил ўтгач унга жавоб тегди-ю, йўл чатоқ бўлгани учун юртига анча кейин қайт-

ди. Кун ўтган сайин унинг соғиниши ортар, тезроқ ўғли билан рафиқасини кўришга ошиқарди. Поезд Қўқондан ўтганидан кейин у вагон деразасидан кетмай қолди. Жонажон юртининг тоғлари, кўм-кўк далалари кўзига иссиқ кўринар, ҳар бир кўринган жонлар у билан саломлашаётгандек туюларди. Агар темир йўл ёқасида бирор одам кўринса, таниш эмасмикин, деб тикилар, у орқада қолиб кетгунча кўзини узмасди. Қобил ойиси билан Қўқонга жўнашидан бир кун олдин Саҳоб тушган поезд қоровулхона ёнидан секинлаб ўтди. Саҳоб байроқча ушлаб турган қоровулга, айниқса, унинг ёнидаги болага қаттиқ тикилиб қаради. «Менинг Қобилим ҳам худди мана шу боладек бўлиб қолгандир», деган хаёлга борди-ю, лекин худди шу бола ўғли эканини билмади. У ҳозир Малика билан ўғлини Тўраҳонбойнинг уйида яйраб-яшнаб юрганини ўйларди. Ўғли билан хотинининг тасодифан бу ерга келиб қолганига ақли бовар қилмасди. Ахир тутунган акаси ундан ёмонлик кўргани йўқ, мардикорликдан қайтиб келгунингча бола-чақангни эҳтиёт қиламан, деб сўз берган. Бой бўлса ҳам камбағалпарвар, буни ҳамма билади.

Саҳоб Уралдаги конда ишлаб юрганида анча пасти баландни кўрди, сал-пал бўлса ҳам русча гаплашишни ўрганди. Уни русчага ўргатган Сергей Филимонов деган, ёши Саҳобдан каттароқ одам эди. У конга сургун бўлиб келган экан. Бойларни ёмон кўрарди. Подшо ва бойлар меҳнаткашнинг душмани, сен билан менинг сиқиб сувимизни олади, лекин кўрган кунимиз итдан ҳам баттар, дерди. Саҳоб бойлар ҳам одам, камбағалпарвари ҳам кўп, мана Тўраҳонбой мен билан ака-ука тутинди, уйлантирди, ўғил кўрдим, деб жавоб қиларди. Шунда Сергейнинг жаҳли чиқиб: сенга гапиргандан кўра, деворга гапирган маъқул, бойга сенга ўхшаш бурнидан булоқи тақилган ҳўкиз керак, қанча кўп бўлса, унга шунча яхши, дерди-да, тескари қарарди. Тошкентлик ва андижонлик мардикорлар ҳам бор эди ўша конда. Улар ҳам Сергейнинг гапини қувватлар: «Қани айт-чи,—дейишарди Саҳобга,—орамиз-

да бирорта бойнинг боласи борми, юртга келган тўй, дейишади-ю, бирортаси кўринмайди бунақа қора иш-да».

Бари бир бундай гаплар Саҳобнинг фикрини ўзгартиролмасди.

Аксига поезд Олтиариқда кечаси билан қолиб кетди. У пайтларда поездларнинг ўз вақтида юришига гоҳ нотинчлик, гоҳ ёқилғи етишмаслиги, гоҳ бошқа камчиликлар имкон бермасди. Саҳобнинг юраги ҳаприқиб, вагонидан тушар, паровоз олдига бориб, машинистдан суриштирар, яна жойига қайтиб, хаёл сураар, агар поезд юрмайдиган бўлса, Фарғонага яёв жўнашга ҳам тайёр эди. Вокзалга поезд эрталаб соат тўртларда етиб келди. Тонг отгунча кутишга тоқати бўлмай, Саҳоб йўл халтачисини елкага ташлаб, таниш кўчадан яёв жўнади. Ҳаво очиқ, ёқимли баҳор шамоли эсар, осмонда юлдузлар чарақларди. Кўчада одам боласи кўринмас, ора-чора мушук ёки дайди ит кўчани кесиб ўтарди. Саҳобнинг бутун хаёли манзилга тезроқ етиб олиш бўлгани учун чарчагани, бир неча кун уйқусизлигига қарамай тез-тез юарди. Кун гирашира ёриша бошлаб, йўлнинг ўнқир-чўнқир кўриниб, юриш осонлашди. Таниш дарвозага етиб қолганида қушлар уйғониб, сайрай бошладди. Дарвоза берк эди, Саҳоб каллайи саҳарлаб безовта қилишга андиша қилиб, туриб қолди. Дарвозахонадан туртиб чиққан ходада иккита қалдирғоч вижирлаб, тонг шаънига қўшиқ айтарди. Саҳоб мардикорга кетаётган йили ҳам шу қалдирғочларнинг дарвозахонада ини бор эди. Булар ҳам инига қайтиб келибди, ўйлади Саҳоб. Унинг ортиқ кутишга сабри чидамай, дарвозани аста тақиллатди, жавоб бўлмади. Яна тақиллатмоқчи бўлиб турганида, ичкаридан Тўраҳонбой чиқди. У қалин кийинган, қўлида қамчини бор эди, қалдирғочларнинг важир-вужуридан дарвозанинг секин тақиллаганини эшитмади шекилли, отхона томон юрди. Шунда Саҳоб қаттиқроқ тақиллатди. У дарвоза тирқишидан тутиган акасини кўриб турарди. Бой сергакланиб тўхтади, қамчи-

нипи силкиб, қалдирғочларни ҳайдади-да, қулоқ солди. Саҳоб аста чақирди:

— Ака!— у Тўраҳонбойнинг товушни эшитганини, негидир оёқ учида яқинлашаётганини кўрди.

Бой дарвоза тагидан кўринаётган кўн этикка хавотирланиб қарар экан:

— Ким?— деб паст товушда сўради.

— Ака, бу мен, Саҳобман.

— А-а!..— чўчиб тушди бой.

Саҳоб ҳамон тирқишдан мўралаб тургани учун бойнинг безовталигини кўрди. Бирор хунук ҳодисани сезиб, юраги безовталанди. Бой қўллари қалтираб, қулфга қалит солди. Илгари дарвоза фақат занжирлаб қўйиларди.

Тўраҳонбой дарвозани қия очиб, табақасини ушлаб турди. Қучоқлашиб кўришишни хаёл қилган Саҳоб бўшашиб салом бераркан:

— Уйдагилар тинчми, ака?— деди ҳовлиқиб.

— Хотининг кетиб қолди.

— Нега?

— Энди бойда чўрилик қилмайман, шўро ҳукуматида ишлайман, деди. Уни биров йўлдан урди шекилли.

— Қаёққа кетди?!

Бой энди ўзини ҳаяжондан анча босиб олган, товушида норозилик сезила бошлади.

— Қўқонга, амакиваччасиникига кетди. Сўзимга кирмади. Шундай бўлса ҳам сенинг ва ўзининг ишлаган ҳақини бериб юбордим. Еб-ичганларингдан ташқари минг сўм тилла пул бердим. Оқсоқол ҳам, домла имом ҳам гувоҳ. На чора, қайнаган билан қони қўшилмас экан,— деди.

Бу айбловга Саҳоб жавоб топа олмади. Сергей конда мени айнатишга кўп уринди, айнамадим, хотин киши алдовга лақиллаган. Бойни ҳам хафа қилибди, менинг умидларимни пучга чиқарибди, деб ўйлаб, хотинининг қилмиши учун хижолатда бошини эгди. Бой эса, буёққа кир ҳам демай, дарвозани ёпди. Саҳоб бойнинг хатти-ҳаракатидан

айб топмади, Малика унинг дилини вайрон қилиб кетибди, деб ўйлаб дарвозадан узоқлашди. Ҳозир Саҳобнинг дили тубсиз жаҳаннамдек бўм-бўш эди. Қалдирғочлар ҳар йили инига қайтади, Саҳобнинг уяси бузиб ташланган, муқим жойи қолмаганди. Бунга у хотинини айбларди. Тўраҳонбой ёмонлик қилса, пул берармиди. У энди нима қилишини билмай қайтиб кетаётганида, Кимё бувининг чақиргани эшитилди. Кампирнинг ўғли мардикордан ҳамон қайтмаган, эшик тиқ этса, кўчага югуриб чиқар, ўтган кетгандан ўғлини сўроқларди. У жуда эрта уйғонгани учун бойнинг дарвозаси тақиллаганини эшитганди. Саҳобнинг қайтганини билиб, эшик олдида туриб олганди.

— Саҳобжон, келдингизми болам?

Ҳали Саҳоб товушга бошини кўтармасдан Кимё буви унинг бўйнидан кучоқлаб пешанасидан ўпди.

— Соғ-саломат келдингизми, болам,— деди елкасига қоқиб,— Норжонимни кўрмадингизми, айланай?

— Келиб қолар,— деди Саҳоб бошига тушган ғамдан кўнгли ёришмай.

— Айтганингиз келсин, болажоним, қани буёққа киринг,— қўлидан етаклади буви.

Саҳоб кампир Малика билан Қобил тўғрисида бирор нарса билар деган умидда унга эргашди.

Кимё буви худди ўғли келгандек севишиб, Саҳобни айвонга ўтқизди-ю, ўзи дастурхон ёзишга уннаб кетди. Ўғлига атаб қўйган мева-чеваларни олиб келар, қумғоннинг тагига олов ёқиб, Саҳобнинг олдига зогора нон ушатар, лекин лаби лабига тегмай ўғлини соғингани, ёлғизлигидан гапирарди.

— Янги ҳукумат мардикорликка олинганларга жавоб берганмиш, деб эшитганимга анча бўлди-ю, ҳали-ҳали боламнинг дарағи йўқ. Омонмикин ўзи?

— Йўл узоқ, улов чатоқ, мен поездга осилгандек, зўрға етиб келдим.

— Сиз болаларингизни деб келгансиз, онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада деганлари рост экан,—

деди буви кўёши қилиб,— амаллаб кела қолса Норжонимни кўра қолсам, ўлсам армоним йўқ эди.

Кампирнинг гаплари Саҳобнинг қулоғига гоҳ кириб, гоҳ хаёл суриб кетарди. Ниҳоят у жим бўлганидан кейин, Маликани сўради.

— Қўқсига кетишидан олдин хайрлашгани кирганди, йиғлаб кетди, ўзи ҳам бу ерда ит кўрмаган кунларни кўрди-ю, чидаб келди-да, бечора. Сизни келиб қолар, деб кундошларнинг зуғимига чидайверарди, бой ҳам чиқиш-тирмай қўйди.

Саҳоб уйқудан чўчиб уйғонгандек, ялт этиб бувига қаради. Унинг гаплари Тўрахонбойдан эшитганларининг тамом тескариси эди.

— Маликанинг ўзи кетгани йўқми?

— Жонидан ўтмаса кетармиди.

— Наҳотки бой мени алдаган бўлса?!— деди ҳамон кампирнинг гапига ишонмай Саҳоб. Пул бергани ҳам ёлгонми?

— Берибди, аммо осонликча шунча пулни берганига ҳайронман, қалбаки эмасмикин?— Кимё бувининг бундай дейишига асос бор эди, у бойнинг пишиқлигини билар, ҳатто, ризқ-рўзини бериб турган бир бурда ерини иложи бўлса текинга тортиб олмоқчи бўлганини эсидан чиқармаганди.

Саҳоб эса кампирнинг бойда хусумати борлигини билгани учун «қалбаки эмасмикин», деганига аҳамият бермади. Қўқонга қидириб боришни кўнглига тугиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Кимё бувининг дамингни олиб борарсан, деб қисташларига қулоқ солмади. Ҳеч ким билан кўришмай, тўппа-тўғри вокзалга қайтди. Шу куни поезд кутиб ана келади-мана келади билан эртаси пешингача қолиб кетди. Кечаси Қўқонга етиб боргани учун танимаган жойда бировнинг эшигини тақиллатиш ноқулайлигини ўйлаб, ўша таниш чойхонага кирди. Чунки бу бошқа чойхоналардан озодароқ, ёруғроқ кўринганди. Ичкарида иккита осма чироқ порлаб турар, ўнтача киши бири ёнбошлаб, бири чор-

дана қуриб, суҳбатлашиб ўтирар, мўйловдор чойхоначи тирсагини чойнак-пиёла қўйиладиган тахтага тираб, мудрарди. У меҳмон келганини пайқамадими, пинагини бузмади. Саҳоб кираверишдаги сўрининг четига ўтириб, бир оз кутди, шу орада чойхона ичига кўз югуртириб чиқди-да:

— Чойдан беринг,— деди паст товушда.

Чойхоначи ўрнидан эриниб туриб, шанғиллаб турган самовардан чойнакни тўлғизди-да, меҳмоннинг олдига қўйиб кетмоқчи эди, Саҳоб:

— Ўзингиз ҳам ўтиринг мулла ака,— деб таклиф қилди. Унинг баҳонада гаплашиб, Маликанинг қариндошини суриштиргиси бор эди.

Шошилинич иши бўлмагани учун чойхоначи меҳмоннинг таклифига кўнди. Одатдаги сўрашишдан сўнг, Саҳоб борадиган ерини суриштирганди, чойхоначи тусмоллаб билди-ю, Маликанинг амакиваччасини танимади. Саҳобнинг фарғоналик эканини билгач, Қобил тўғрисида гап очиб қолди:

— Фарғонадан бир бола чиқибди, эшитганмисиз, йўқми, мен бунақасини умримда кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Худди Бобораҳим Машраб тирилиб келибдим, деб ўйлайсиз. Лекин Машраб ҳам ўз байтларини бунчалик хоши билан айтмаган бўлса керак. Овози бир ҳам ширалик, бир ҳам мунгли. Агар Машраб тирик бўлганида боланинг оёғига йиқилиб, сажда қилармиди...

— Жуда мақтаб юбордингиз-ку, ким экан ўзи?— хорфин табассум билан сўради Саҳоб.

— Қимлигини билолмадим-ку, қотмадан келган, чеҳраси иссиқ бола экан, ёнида онаси ҳам бор. Андишали, ҳаёли оиладан чиққанга ўхшади. Бола «дод дастингдан»ни эшиб ташлади. Йиғламаган одам қолмади, ўзи ҳам йиғлаб юборди. Кўнгли синиқ экан шекилли бечоранинг. Укки пул ёғилди... Эгни-боши ночор-ку, керак эмас, дейди-я, бола. Ўзим рўмолига зўрлаб тугиб бердим.

Чойхоначининг она-бола деганидан Саҳобнинг хаёлига беихтиёр Малика билан Қобил келди. Амакиваччаси но-

чор бўлса, наҳотки гадолик йўлига кирди булар, деган хаёлга борди. Кўнглининг бир чеккасида улар бошқа бўлса керак, деган фикр туғилган бўлса-да, ўгли кўз олдидан кетмай қолди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимаган бола сарсонлик ва муҳтожликда ориқ қўлларини чўзиб, тиланчилик қилиб юргани тасаввурида намоён бўлди. Кўзига ёш келиб, кафти билан юзини яширди.

— Мен сизни толиқтириб қўйдим шекилли меҳмон?— деди чойхоначи Саҳобнинг ўксик хаёлларидан беҳабар.

Саҳоб хаёлларини тарқатиш учун совиб қолган чойдан хўплади, орага жимлик чўкди, чойхоначи туриб кетмоқчи бўлганида Саҳоб:

— Улар қаёққа кетди?— деб сўради.

Чойхоначи, ўша ҳофиз болани сўраётганини тушуниб:

— Бунисини билолмадим,— деди,— ичкарига кириб чиққунимча жўнаб қолишибди. Қаёққа гойиб бўлганини ҳеч ким билмади, ҳатто, бозорда ҳам кўринмади. Машрабнинг руҳи бўлса, учиб кетдими, деб ўйлайман.

Кечаси билан уйқу бўлмади Саҳобда, гоҳ Маликанинг амакиваччасиникида яйраб-яшнаб ўтиришганини, Саҳобдан аразлаб ҳовлига киритишмаганини туш кўрар, гоҳ турли хаёлларда бақрайиб ётарди. Кейин эртага дийдор кўришишига умид боғлаб, кўнгли бир оз таскин топарди. У азонда, наридан-бери кийиниб, кўчага чиқди. Малика неча марталаб гапирган кўчадан тез-тез юриб, амакиваччасининг ҳовлисини тусмоллаб топди-ю, излаганларини топмади. Қўшнилар кеча бир жувон ўгли билан амакиваччасини сўраганини, унинг Тошкентга кўчиб кетганини билгач, кимлигини ҳам айтмай, хомуш бўлиб, қайтиб кетишганини айтишди.

Саҳобда сўнгги умид учқуни ўчди, чойхоначи айтган она-бола ўзининг жигарбандлари эканига, улар сарсон бўлиб қолганига ишонч кучайди. Қўқонда бир ҳафта туриб, кирмаган кўчаси, бормаган бозори қолмади. Кўчада она-бола кетаётган бўлса, телбалардек кетидан бориб қарар, кейин бўшашиб орқага қайтарди. Охири натижа чиқма-

гач, яна Фарғонага қайтиб кетди. Энди, таниш шаҳарга зора қайтиб келган бўлса деган умид пайдо бўлганди.

Фарғонада Саҳобнинг на бошпанаси, на кўнглини ёри-тадиган илинжи йўқ эди, шаҳар нотинч — ёвуз ниятли ки-шилар уни ўлдириб кетди, буни сўйиб кетди, деган миш-мишлар юрарди. Унинг Кимё бувиникига боришга юраги бетламади, фарзанди фироқда куйган кампирнинг уйида туришга, оҳ-ноласини эшитишга тоқати йўқ эди. Бир вақт-лар кўнглини яқин олиб юрадиган бойнинг корандаси бўлган Алиматнинг уйига қидириб борди. У анча тийрак, унча-мунчадан хабари бўлса керак, деб ўйлади.

Алимат уйда экан, у Фарғона шаҳар советида қоро-вулчиликдан энди келиб турган экан. Саҳобни кўриб, се-виниб кетди. Қўярда-қўймай уйига бошлаб кирди. Икки хоналик уйни пахсадан ўзи тиклаган, тўсинлари ходадан, тупроқ томли эди. Кичик хонада чол-кампир, каттароғида ўзи болалари билан тураркан. Алимат ошнасини ота-она-сининг олдига олиб кирди. Қариялар йигитнинг марди-корликдан эсон-омон келганига севиниб, хурсандчилик би-лан қабул қилишди.

— Қачон келдинг, Саҳоб?— сўради Алимат қадрдон ўртоғини сансираб ва жавоб кутмай давом этди:— Ҳали бойнинг уйига бормагандирсан?

— Бордим,— деди Саҳоб маъюслик билан.

— Уғлинг билан хотинингнинг Қўқонга кетганини эши-тибсан-да, ундай бўлса. Менинг ўзим вокзалгача кузатиб бордим. Поезд келавермагач, тайинлаб қайтиб келдим.

Алимат Малика билан Қобилни кузатиб келгунча бил-ганларини, шаҳардаги янгиликлар, кейинги мўлжаллари-ни, Тўраҳонбойнинг маҳалласидаги мачит имомининг янги мактаб очиб, имомликни ташлаганини, душманлар уни яра-дор қилганини сўзлади.

Бу гапни эшитганидан кейин Саҳоб ўқиш ва ёзишни ўргатган домласини йўқлаб борди. Файзулло домла мачит-нинг ёнидаги кичкина ҳовлида турарди. У Саҳобнинг кел-ганини эшитиб, тўшакда ётган еридан турди. Унг қўли биат

билан боғланиб, бўйнига осиб қўйилган, ранги синиққан, дармонсизлиги сезилиб турарди. Саҳоб эшикдан кириб устозига салом бераркан, аҳволини кўриб, уринтирмаслик учун тезгина ёнига чўкка тушди. Файзулло домла қобилиятли шогирдини соғ-саломат кўрганига хурсанд бўлди. Уни кетгани қўймади:

— Сизга айтадиган гапим бор,— деди. Кимдир жонига қасд қилганини, сезиб шовқин кўтаргани учун пичоқ уриб қочганини, пичоқ қўлига тегиб, кўп қон йўқотганини, докторлар даволгётганини айтди. Кейин янги мактаб очганини, энди биров нима бераркин, деб пойлаб ўтирмаслигини, шўролар ҳукумати маош белгилаганини сўзлади. Анча гаплашиб ўтиришганидан кейин, Саҳобга тегишли воқеага ўтди.

— Рафиқангиз Тўраҳонбойнинг уйида қандай кун кечиргани менга қоронғи,— деб гапини давом эттирди домла,— аммо Қўқонга кетадиган бўлганида бойнинг беҳархаша минг сўм тилла пул берганига гувоҳ эдим, тилхатни ўз қўлим билан ёзиб, пулни рафиқангизга берганини кўрдим. Бу эр-хотин иккалангизнинг ишлаган ҳақингиз экан. Бойнинг бундай саховатига оқсоқол иккаламиз тахсинлар ўқиб чиқиб кетдик. Сув қаттиқ жойда тўхтайтиди, дейишарди бойлар тўғрисида. Мана бу мақол Тўраҳонбойга ёпишмаслигини кўриб, бойлар ҳам ҳар хил бўлади деган хулосага келдим. Назаримда унинг обрўйи баланд эди. Фақат орадан ўн кун ўтгач, халқ мақоли бежиз бўлмаслигига қатъий ишондим. Шу вақтгача қоронғиликда тутиб келишган меҳнаткашларга хайрхоҳлигим ортди,— домла гапини тугатмай сукутга кетди. Саҳоб чўкка тушганича, гап қўшмай ўтирарди. Анчадан кейин, гўё нафасини ростлагандай бир хўрсиниб давом этди домла:— Рафиқангиз билан ўглингиз Фарғонадан чиқиб кетганининг ўнинчи куни бойваччанинг Ёқуб исмли ҳамтовоғи уйимга кириб келди. Унинг кайфи бор эди, бойвачча билан уришиб қолибди. Сиз уни танирмидингиз?

Саҳоб индамай бош қимирлатди, у домланинг мақсади.

га ҳали тушунмаган, Ёқубнинг унинг онласига нима алоқаси борлигини билмасди. Домла гапиравермагач:

— Бойваччанинг кайфи ошиб қолганида бир-икки марта опичиб олиб келганини кўргандим, бир кўзига оқ тушган йигит,— деди.

— Ҳа, балли, ўша. Бойваччанинг ваъдасига ишониб, рафиқангиздан пулни тортиб олибди...

— Лаббай!?— деб юборди Саҳоб ҳовлиқиб.

— Пулнинг учдан бирини бераман, деб ваъда қилган экан, уч марта зиёфат қилибди-ю, пулдан дарак йўқмиш. Дадам кейин бераркан, деб баҳона қилганмиш. Шундан кейин бойвачча билан уришиб, ҳасратини менга айтгани келган экан Ёқуб. «Бойнинг олдида ҳурматингиз бор, айтинг, мен ўша пулни деб гуноҳ ишга қўл урдим, энди қўлимни бурнимга тиқиб қолавермай», деди.

Саҳобнинг ичи алғов-далғов бўлиб кетди, юраги гупиллаб урар, нафас олиши оғирлашган, Файзулло домлага нима дейишини билмас, қўқонлик чойхоначидан эшитганлари, Қобилнинг ашула айтиб, қўл чўзаётгани кўринди кўзига. Ҳозир биров билан ёқалашадигандек муштини тугиб ўрнидан сапчиб турди.

— Қабоҳат, иблис!— деди.

Ҳозир домланинг олдида ювош, итоаткор, камтар, камсуқум хизматкор эмас, ҳуқуқини ҳимоя қилишга тайёр азамат йигит турарди. Унинг «иблис» деганда кимни назарда тутаетганини фаҳмлади домла.

Тўраҳонбойнинг қабиҳ ишлари ҳалол, камтар домланинг ҳам эътиқодини совутганди. У дилозорлар билан саждага бош қўйишни истамади. Кайф, аччиқ устида Ёқуб домладан Қобилнинг вагондан отилиб кетганини, унинг кетидан Маликанинг сакраб тушганини ҳам яширмаган, буни атайлабдан қилмаганини айтиб ўзини оқламоқчи бўлганди. Файзулло домла бу мудҳиш хабарни куйиб турган Саҳобга тўсатдан айтмади, уни ҳовридан тушириш учун янги мактабдан, ўқувчилардан гапирди. Малика билан Қобилнинг кейинги тақдирдан беҳабар бўлгани учун қисмат,

тасодифлар ҳақида сўзлади. Саҳоб ўзини бир оз босиб олганидан сўнг, унинг ўғли ва рафиқасининг фожиасини гапирди. Саҳоб кучли зилзиладан даҳшатга тушгандек кўзлари олайиб:

— Қаерда?!— деб сўради, домланинг жавобини ҳам эшик олдида эшитди.

У ўзини идора қилиш қобилиятини йўқотган, устига тоғ ағдарилиб келаётгандек нафаси тиқилиб, вокзал томонга чопарди.

Икки кун Олтиариқ атрофида ўралашиб, охири қоровулхонага йўл олди. Шокир ака пешайвонда иккита қизил аскар билан гаплашиб ўтирарди, шошиб-пишиб келаётган одамни кўриб ўрнидан турди. Саҳоб саломни ҳам қанда қилиб сўради:

— Шу томонда поезддан йиқилган бола билан аёлдан хабарингиз бўлмадимми?

Шокир ака хотиржамлик билан кулиб:

— Қобил билан Маликани айтяпсизми?—деди. Шокир аканинг она-бола Қўқондалигига ишончи қатъий эди.

— Ҳа, ҳа, қаерда улар?— сўради ҳовлиқиб Саҳоб.

Шокир ака унинг кимлигини суриштириб билгач, сўраган одамлари Қўқонга кетганини айтиб, уни ичкарига таклиф қилди. Саҳобнинг лип этиб ёнган умид чироғи яна ўчди. Энди ўғли билан хотинининг қаерда дарбадар кезиб юрганини билмай, бўшашиб орқага қайтди.

ЯНА ФАРҒОНАДА

Энди Саҳобни Фарғонага интиқом етаклади. У ўғли билан хотинини қаердан излашни билмас, дунё кенг, қаерларда юрган экан улар, тирикми ёки бирор фалокатга учраганми яна? Шаҳарлар эса, ҳозир алғов-далғов, ҳар ерда нияти бузуқ одамлар босмачилик қилиб, бечора меҳнаткашнинг шўрини қуритяпти. Уларни тугатмагунча, тинчлик бўлмайди, дарбадарлар, етим-гадолар кўпаяверади. «Мардикорликдан қайтгунингча болаларингни эҳтиёт қила-

ман», деган Тўраҳонбой шайтонлик қилиб, Саҳобнинг умидини вайрон қилди — шунча азоб чекиб келгани етмагандек, жигаргўшаларидан айирди. Конга сургун бўлиб келган Сергей Филимоновнинг айтганларини рад этганига энди Саҳоб афсус қилади. Ҳа, бойлар керагимизда ҳўкиздеқ ишлатаркан-у, зарари тегадиган бўлса, рай-андиша қилмай, баҳримиздан ўтар экан, деб ўйлади. Энди ашаддий душманга айланган тутунган ақаси билан очиқчасига гаплашиш истаги кучли эди. Тўғри унинг уйига борди. Дарвоза тақа-тақ берк, ичкаридан одам тугул, отнинг дупури ҳам эшитилмасди. Саҳоб Қимё бувиникига кирди. Бой оиласини қаёққадир кўчириб кетганини эшитди. Бу ердан тўппа-тўғри Алиматнинг ишхонасига борди. Шу куни қизил армия сафига кўнгилли бўлиб ёзилди. Уни ишчи-деҳқонларнинг душманидан қасос олиш учун қурол ушлашга ўргатишди. Шаҳарда ҳар хил шов-шувлар кўпайди. Босмачи тўдалар кечалари ҳаракат қилиб Совет давлатининг фаол хизматчиларидан ўч ола бошлади. Ўлдириб кетди, чопиб кетдилар кўпайди. Шаҳарда бундай бебошлик қилиш учун айғоқчилари бор эди уларнинг. Тўраҳонбойнинг босмачиларга хизмат қилаётгани, кечалари унинг уйида тўпланишаётгани маълум бўлди. Буни аниқлаш ва душманнинг кетига тушиш Саҳобга топширилганида, у эътироз билдирмай, ишга киришди. Бой билан тўқнашиш унинг айни муддаоси эди. Вақт ярим кечадан оққанида эҳтиёткорлик билан Қимё бувининг уйига борди. Буви Саҳобни таниб, уйига киритди. У мақсадини ошкор қилганида, Қимё буви ёрдам беришга розилигини билдирди. У ҳам Тўраҳонбойдан озор чекканлардан — ёлғиз ўғлини мардикорликка юбортирди, бир бурда жойига кўз олайтириб, кампирнинг ўлимини пойлаб юрди.

— Агар шўролар ҳукумати бўлмаганда мени бу ердан ҳайдаб чиқарарди у нобакор,— деди Саҳобга буви.

Шу куни Тўраҳонбойнинг ҳовлисига ҳеч ким келмади. Саҳоб шубҳа туғдирмаслик учун кундузи билан ҳужрадан чиқмади. Пойлоқчиликни Қимё буви давом эттирди. Кечга

яқин Кимё бувининг уйига бир гадо хотин келди. Буви эшикни очганида кетидан ҳовлига аланг-жаланг қаради. Унинг энгил-боши ночор бўлса ҳам, ўзи оч аёлга ўхшамас, қарашлари бежо эканини сезгир буви пайқади. Унга дастурхондан бир бурда зоғора билан бир кафт туршак узатди. Гадо кетишга ошиқмасди, шунинг учун айвон четига ўтириб бир пиёла чой сўради. У зоғорадан бир тишламани чойга ботириб оғзига солди-ю, лекин тамшаниб зўрға ютди, буви буни ҳам сизди. Гадо уни гапга солди:

— Замон оғирлашиб кетди-а, бувижон.

— Пешонамиздаги шўримиз,— жавоб қилди буви.

— Бир ўзингиз турасизми, кўрқмайсизми ишқилиб?

Аёлнинг илинтирмоқчи бўлаётганини тушунган буви мулоҳим жавоб қилди.

— Кўрққанимда қаёққа бораман, айланай. Оллога керак бўлса, жонимдан бўлак нарсам йўқ. Тўраҳон отлиг қўшнимиз қорин тўқи бўлиб турарди, қаёққадир кўчди шекилли, ҳовлиси бўшаб қолди. Бой бўлса ҳам камбағалпарвар эди. Зора қайтиб келишса, деб умид қиламан.

Аёл кампирнинг гапларига қулоқ солмас, кўзлари олма кесак терарди. У бирор белги сезмасдан чиқиб кетди. Энди кампирнинг ҳовлисига кириш ҳам, чиқиш ҳам хавфли эди. Кечаси кўчадан оёқ товушлари, кимнингдир йўтали эшитилди. Бемаҳалда, камқатнов кўчада бу бежиз эмас эди. Кеча тимқоронғи — ҳаво булут эди. Саҳоб бот-бот дарвозанинг очилиб-ёпилишини сезди. Демак, бойнинг ҳовлисида шубҳали кишилар тўпланмоқда эди. Энди у пойлаб ўтиролмас, келишилгани бўйича, орқа кўчадаги ҳовлига хабар қилиши керак эди. Девордан аста кўчага мўралади. Нарироқда бир кишининг қораси кўринди. У девор панасида пусиб, пойлоқчилик қиларди. Саҳоб уйғоқ ётган бувига кетаётганини билдириб боғнинг этагига юрди, бир ёни бойнинг боғи, бир ёни қўшнининг каттагина ҳовлиси, орқаси эгасиз қолган майдон эди. Ундан яна бошқа қўшнининг ҳовлисига ўтиш мумкин эди. Унда Тўхтасин исмли кекса бўзчи косиб турар, бола-чақаси кўп, эрталабдан кеч-

гача тақиллатгани-тақиллатган, бозорни-ю, уйини билар, қанча ишласа ҳам бири икки бўлмасди. Саҳоб қаровсиз майдон бўлиб қолган боғдан ўтиб, бўзчининг деворига яқинлашганда итнинг ҳургани эшитилди. У бегона ис олиб ҳурирди. Илгари бу хонадонда ит бўлмасди, нотинчлик туфайли боққанди бўзчи. Ё орқага қайтиб, кўча айланиб келиш керак, унда айғоқчилар пайқаб қолиши мумкин, ёки бўзчининг ҳовлисидан тор кўча орқали нарёққа сездирмай ўтиши керак. Шу пайт девор тагига Тўхтасин ака келиб:

— Ким бор?— деди.

— Тўхтасин ака, итингизни жим қилинг!

Отини атагани учун Тўхтасин ака девордан қаради. Қоронғида Саҳобни танимади.

— Кимсиз?

— Саҳобман,— деди у шивирлагандек.

— Э, Саҳобжон, хизмат?

Саҳоб секин гапиришни илтимос қилиб, девордан ошди. Эгаси ушлаб тургани учун ит ҳуримади. Саҳоб мақсадини айтганида Тўхтасин аканинг эхонаси чиқиб кетди.

— Мени шўрим қурийдн энди, кетинг, тезроқ кетинг!— Бари бир Саҳобни тор кўчага чиқариб юборди.— Қайта рўпара келсангиз, дод соламан!— деб дағдаға қилди.

Тўхтасин аканинг босмачилардан қўрқаётганини фаҳмлаган Саҳоб уни юпатиб ўтирмади, Тўраҳонбойникида ҳозир босмачилар тўпланаётганини, улар ҳеч кимни аямаслигини очик айтиб, яна шу ердан ўтишларини тушунтирди.

Тўхтасин ака икки ўт ичида қолди, ким олдин уйига келса, ўшанга хизмат қиладиган сиёҳи бор эди. Ҳартугул Саҳобнинг бу ердан ўтганини босмачилар сезмади, орадан ярим соат ўтмасдан йигирмата қизил аскар Тўхтасин аканинг деворидан ошди. Буёғи осон кўчди-ю, лекин бойнинг ҳовлисига кириш қийин эди. Саҳоб Тўраҳонбойнинг боғи этагидан битта шериги билан ошиб тушди. Бу ердаги ҳар бир бута, ҳар бир дарахтни яхши биларди. Ҳовлидан боққа кирадиган эшик рўпарасида икки қатор экилган аюр бу-

таларининг тагига эмаклаб келиб, қулоқ солди. Эшик олдида икки киши гаплашиб турди-да, ҳовлига кирди. Ташқаридан кириладиган эшик олдида ҳам одам бор эди. Энди у иккала эшикни пойларди, шунинг учун Саҳоб фурсатни бой бермаслик мақсадида ичкари ҳовли томондан дадил унга қараб юрди. Пойлоқчи шеригим, деб ўйлаб:

— Келдингми, Қосим?— деди.

Саҳоб индамай, беш қадам бериди тўхтади.

— Нима бало, нос чекдингми?— деди пойлоқчи шивирлаб.

Шу пайт биров уни орқадан ғиппа бўғди. Ичкаридан одам чиқиши кераклигини билган Саҳоб эшикдан анча бериди кутди.

— Ҳар эҳтимолга, йўталиб чақириққа жавоб берасан,— деб шеригига тайинлади. Анчадан кейин ичкаридан Қосим дегани чиқди. Ташқаридан кириладиган эшикка юраркан:

— Турибсанми, Абдиғани?— деб сўради.

Саҳобнинг шериги жавоб ўрнига томоғини қириб, йўталди. Қосим кулди:

— Топган жойингни қара-ю, бўпти, ўтиравер,— деди-да; орқасига қайтганди, Саҳоб унга арслондек отилиб, томоғидан бўғди. Икки киши уни ҳам тинчитди. Кейин эшикка аста яқинлашди. Қия очиқ эшикдан чироқ тушиб турган ҳовли сатҳи кўринарди. Ҳамма ичкарида гурунглашиб ўтиргани маълум бўлди. Саҳоб энгашиб, баланд дераза томон ўтди. Бу пайтда қизил аскарлар атрофни қуршаб олган, буйруқ берилишини кутиб туришарди. Саҳоб нарироқ бориб, ичкарига разм солди. Катта хонада ўттизтача қуролланган одам чордана қуриб суҳбатлашишар, даврада пиёла айланар, ора-чора бойнинг товуши эшитиларди. Босмачилар бу кеча шаҳар шўросидан уч кишини гумдон қилишни маслаҳатлашишарди.

Ҳар кишига дадиллик учун икки пиёладан улашилгач:

— Буёғига қарздорман, тўртта катта хумни кўмиб қўйибман,— деди бой. Босмачилар маслаҳатни жойига қў-

ийиб, ўрниларидан турмоқчи бўлганида ташқаридан командирнинг товуши эшитилди:

— Қимирламанглар, қаршилиқ қилишингиз бефойда! Босмачиларнинг ғовур-ғувури бир зум тинди.

— Қуролларингни ташланглар!

Жавоб ўрнига тўппонча отилди. Хонадаги чироқ шиша-ши шарақлаб синди. Кейин қоронғида ташқарига мўлжалсиз ўқлар узилди.

— Қон тўкилмаслигини истасанглар, таслим бўлинглар, қаршилиқ қилсанглар, ҳаммангизни портлатиб юборамиз!

Яна хонадан мўлжалсиз ўқ узилди-ю, лекин ҳовлига чиқишга ҳеч бирининг юраги бетламади. Зим-зиё қоронғиликда кимдир кетма-кет тўппонча отарди. Унга жавобан отилган ўқ кимгадир тегиб:

— Оҳ, единг!— деб бақирди.

— Қуршаб олингансиз, қаршилиқдан фойда йўқ,— деди командир панадан.— Учгача санайман, бўлмаса портлаб кетасиз. Қуролларингизни деразадан ташланглар.

Ҳовлига бирин-кетин милтиқ, қилич, тўппончалар, ўқ жойланган ленталар отилди.

— Энди битта-битта чиқинглар!— буюрди командир.

Бирин-сирин ичкаридан чиқаётганларни ўн киши тинтиб ўтказиш бошлади. Улар ўттизта эди, биттаси ҳалок бўлибди. Кун ёришмасдан ҳаммасини штабга ҳайдаб боришди.

Эртасига босмачиларни бирма-бир сўроққа олиб чиқишганида, ичида меҳнаткаш, алданган кишилар ҳам борлиги аниқланди. Тўраҳонбой соқол-мўйловларини ўстириб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Терговчининг олдида қўл қовуштириб, ювошгина бўлиб турарди. Терговчи уни ўтқизиб, савол берди.

— Исмнингиз ва отангизнинг исмини айтинг,— деди у ёзишга тутиниб.

Тўраҳонбой унинг бу ерлик эмаслигини пайқаб, ёлғон гапирди.

— Исмим Азим, отамнинг исми Фозил.

— Қаерликсиз?

— Конибодомлик боғбонман, бозорга мева-чева олиб келгандим.

— Фарғонада қариндошингиз борми?

— Ҳеч кимни танимайман.

— Босмачиларга қандай қўшилдингиз бўлмаса?

Бой индамади, терговчи саволини такрорлагач, ўйлаб туриб:

— Бир одам мендан икки қоп туршак олди, пулини уйдан олиб бераман деб, бошимни айлантирди.

Терговчи бойнинг бақрайиб ёлғон гапирётганига аччиғи қистаса ҳам кулиб:

— Бизни оми одам, лақиллатса бўлаверади, деб ўйлайсизми, Тўраҳонбой?— деди.

Бу одам мени қаёқдан танир экан, деган хаёл билан довираб туриб, яна ўзини тутиб олди бой.

— Мени бировга ўхшатдингиз шекилли?!— деди кулиб.

Терговчи хона эшигини очиб, пойлоқчига буюрди:

— Саҳобни чақиринг!

— Мен уни танимайман,— деб юборди бой.

— Мен буни сиздан сўраганим йўқ эди-ю?!— деди терговчи.

Саҳоб ичкарига кириб, эшик олдида тўхтаганда бой қиялаб қараб, тонишдан фойда йўқлигини билди-да:

— Ҳа, хиёнаткор, неча йил тузимни ичиб... Етим ўғлон асрасанг оғзи-бурнинг қон этар, деганлари рост экан.

Аламда юрган Саҳобнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Терговчи унинг ҳолатини сезиб, аралашмай, ёзишга тутинди.

— Имонсиз!— оғзидан чиқиб кетди Саҳобнинг.— Текинга туз берганмидинг? Кучим бор, керагим бўлганда ишлатдинг, ўзингга фойдаси бўлгани учун ҳофизлик қилдинг, керагим бўлганида ўғлингнинг ўрнига мардикорликка юбординг. Кераги бўлмай қолганда хотиним билан ёлғиз ўғлимни кўчага ҳайдадинг. Кимни ким оғзи-бурнини, бағрини қон қилди? Мардикорликдан қайтиб келганимда

лоақал уйингга ҳам киритмадинг. Қиёматли укам, дегандинг-ку, наҳот бир йил, ярим йил сабр қилмадинг.

— Мен хотинингнинг қўлига минг сўм пул берганман...

— Уғлимни поезддан улоқтирган Еқубга-чи?

Бойнинг дами қирқилди. Орага жимлик чўкди. Саҳоб асаби бузилганидан титради.

— Улган одамни орага солма,— деди бир оздан сўнг бой.

— Ҳамма гапдан хабарингиз бор экан,— деди терговчи.— Алдашга ўргангансиз-да. Бой буларни лақиллатиб бўлмаслигига ишонгач, баланд келишга ўтди:

— Қўллариңдан келса, отасанлар-да!— деди жаҳл билан.

— Сиздан сўраб ўтирмаймиз,— жавоб қилди терговчи.

Тўраҳонбой тутқаноғи тутгандек кўзларини олайтириб, тишларини ғижирлатди. Кейин ўзини ўзи чаккаларига муқталай бошлади. Унинг найрангига ҳеч ким учмади ҳам. Қайтанга Саҳобнинг чакка томирлари бўртиб, нафрат билан унинг теласига келганида, терговчи қўлтиғидан ушлаб, эшикка бошлади.

— Ҳаммаси аён бўлди, керагингизда чақираман,— деди.

Шу бир печа кун ичида Саҳобнинг дунё қарашида кескин ўзгариш рўй берди. Энди мол-дунёсини сақлаб қолиш учун барча ёвузликлардан қайтмаётган бойлар, босмачиларда унинг ўчи бор эди.

КАТТА ШАҲАР

Тошкент вокзалига поезд ўн икки соат кечикиб, тонг отарга яқин кириб келди. Қариндош-уруғларини кутгани ёки бошқа шаҳарларга кузатгани чиққанларнинг шовқин-сурони, бақиріқ-чақирғидан Малика билан Қобил ҳайратга тушди. Босмачилар тўғрисидаги шов-шувлардан ҳабардор бўлганлари учун, бу ерда ҳам бирор тўполон бўл-япти шекилли деб ўйлаб, деразадан қарашди. Хира

чироқлар ёруғида уёқдан-буёққа югураётган эркак, аёллардан бошиқа ҳеч нарса кўринмади. Йўловчилар эса, баъзи бири шошиб, баъзилари хотиржам вагондан чиқишга тайёрланарди. Поезд тўхтагач югур-югур босилди-ю, вагонлар олдида кўп одам тўпланган, проводник тушаётганларга йўл очиш учун уларни яқин йўлатмасди. Малика чап қўлида кичкина тугун билан Қобилнинг қўлидан маҳкам ушлаб, одамлар орасидан зўрға ўтиб олди. Вокзалдан чиқаётганларга эргашиб, катта залга кирди-ю, қаёққа юришини билмай, эшик олдида тўхтади. Йўловчилар уларни гоҳ туртиб ўтар, гоҳ анқаймасанг-чи, деб уришарди. Онабола Фарғонада ҳам, Қўқонда ҳам бунчалик тиқилинч, шошқалоқликни кўрмаганди. Биров билан бировнинг иши йўқ, фақат залда бамайлихотирлик бор эди: баъзилар скамейка ёки ерда чордана қуриб, ёнбошлаб, баъзилар чамадон устида ўтириб мудрар, баъзилар боласини бағрига олиб, тамадди қилар, ора-чора бола йиғиси эшитиларди. Гоҳ бир, гоҳ икки-учта бўлиб, эски кийинган ўсмирлар, гоҳ катталар олазарак бўлиб, йўловчиларни оралаб юрарди. Уларнинг тўғри ёки кўнгли бузуқлигини билиб бўлмасди. Баъзиларнинг эгни-боши ёғим, кир, кўпдан бери поезд кутаётганга ўхшарди. Малика кун ёришгунча кутиб ўтирадиган жойни мўлжаллади, шаҳарга чиқаверишдаги эшик олдида бўш жой кўриб, Қобилни ўша ёққа етаклади. Ўтган-кетганга ҳалал бермаслик учун бир четга қисиниб, чўнқайишди. Малика Шокир аканикидан чиққандан бери йўл азоби, руҳий қийналишлардан, очин-тўқин ўтказган кунлари таъсирида яна қайта озиб кетган, хастадек ранги синиқ эди-ю, ўғлини ўкситмаслик учун соғлиғидан шикоят қилмасди. У Тошкентда катта доктор бўлиб кетган амакивачасини топса, аҳволи яхшиланиб кетишига умид боғлади. Қўқондаки унинг катта доктор бўлиб кетганини билишибдими, Тошкентдан қийналмай топишига ишонарди. Ширин орзулар билан Малика тугунидан икки бурда нон олиб, каттасини Қобилга узатди. Шу пайт кўйлакчан, сочи тўзиган, кир бола эшикдан олазарак бўлиб кириб, улар-

нинг олдида тўхтади. Малика ундан гумонсираб, тугуни-ни кўтариб кўрсатди:

— Бу нон!

Қобилдан каттароқ бола Маликанинг мақсадини тушуниб кулди:

— Мен ўғри эмасман, етимхонадан қочдим,— деди-да, гапимни бошқа биров эшитмадим, дегандек атрофига қараб қўйди.

Бу сўз Қобил тугул Маликага ҳам нотаниш эди. Қамок, зиндон деган сўзларни эшитганди Малика, етимхона ҳам шунга ўхшаган бўлса керак-да, деб ўйлаб, фикрини аниқлаш мақсадида сўради:

— Нега қочдинг, ёмонми?

— Нимаси яхши, бир вақтда ётқизиб, бир вақтда турфазишади, ўз ҳолингга қўйишмайди, кўчага ҳам бесабаб чиқаришмайди,— деди катталардек.

Маликанинг раҳми келиб, болага ҳам бир бурда нон берди. У оч экан шекилли икки тишлаб лунжини тўлғазди-да:

— Мен кетдим, ушлаб олишлари мумкин,— деди.

Маликанинг юрагига ваҳима солиб кетди бола. Худди Қобилни ҳам етимхонага олиб кетадигандек, уни ўзига яқин тортди. У энди ҳар бир тикилиб ўтгандан чўчир, боласини ҳимоясига тайёрланаётган шердай асаби таранглашар, ҳеч ким яқинлашмагач, бўшашиб тушарди.

Залда ғала-ғовур бутунлай тинди, паровозлар ҳам уйқуга киргандек товуш бермас, филдираклар темир изда гурсилламас, фақат қаердадир уйқуга фарқ бўлган хуррақчининг нафасидек аста пишилларди. Бу вазиятда, чарчган она-боланинг ҳам кўзларига уйқу инди. Қобил ойисининг елкасига бошини қўйиб, энгил хуррак ота бошлади. Орадан қанча ўтганини билишмайди, одамнинг ғашига тегувчи қаттиқ чийиллашдан иккаласи чўчиб кўзини очди, атрофга аланглаб, залдагиларнинг беташвиш мудраётганини кўргач, тинчланишди-ю, энди уйқулари учганди. Шаҳар томондан залга бирин-сирин қоп орқалаган, чамадон

кўтарган кишилар, очиқ ва паранжи ёпинган аёллар кирди. Баъзилари залдан ўзига жой излар, баъзилари нариги эшикдан темир йўлга чиқишарди. Энди яна ҳаракат бошланди, поезднинг чинқириши, одамларнинг ғала-ғовури кучайди. Кун ёриша бошлаганди, Малика ўғлини етаклаб, шаҳар томонга чиқди-ю, икки вагонли ўтхонасиз, парсиз, тутинсиз издан ғизиллаб кетаётган трамвайни кўриб, анқайиб қолди. Қаёққа боришини билмай турганида трамвай бекатида икки-уч одам тўпланди. Малика қоп ушлаб турган кексароқ кишининг олдига бориб сўради:

— Мулла ака, докторхона қаерда?

— Қанақа докторхона?— сўради киши ва ўзи жавоб берди:— Тошкентда докторхона кўпайиб қолди. Чопонбозордагисини сўраётганингиз йўқми?

Малика нима дейишни билмай турарди. Киши буларнинг Тошкентга янги келганини пайқаб:

— Қаердан келяпсизлар?— деб сўради.

Малика Қўқондан катта доктор қариндошини йўқлаб келишаётганини айтди. Киши трамвайга бирга ўтқизиб, эски шаҳарга бошлади.

— Тошкент катта шаҳар, аниғини билмасангиз, керакли одамни топиш қийин,— деди она-боланинг кўнглини хижил қилиб.— Чопонбозорга бориб кўринглар-чи.

Кейинги сўздан Малика умидвор бўлиб, эс-ҳушини йигди-да:

— Чипта олмабмиз-ку!— деди.

Киши аёлнинг соддалигига кулиб, ҳозир кондуктор келишини ва эски шаҳаргача билет нархини айтди.

— Арзон-ку?!— ҳайрон бўлди Малика ва тугуннинг учини ечиб танга чиқарди.

Шу пайт йўловчиларга билет йиртиб келаётган кондуктор Малика билан ҳисоблашиб, Қобилга қаради.

— Бу кимнинг боласи?

Малика жавоб қилиб улгурмай у Қобилнинг қўлидан ушлаб, ўртадаги эшик томон тортди.

— Ҳай, менинг болам, ҳай, менинг болам бу!..

Кондуктор ҳаш-паш дегунча, эсхонаси чиқиб кетган Қобилни сургаб бориб, эшик тутқичига бўйини ўлчади:

— Катта йиғит экан-ку, бунга ҳам ҳақ тўлайсиз.

Малика шу заҳоти пул чиқарди. Қўқондаги чойхонада тушган ва Шокир ака берган қоғоз пулларни ичидан боғлаб олган, танга ва чақалар рўмолининг учига тугилганди.

Кондуктор ҳар бекатни эълон қилар, Малика келдикми, дегандек қопли кекса кишига қараб қўяр, у ўз хаёли билан бепарво борарди. Бекат кўп, трамвай гоҳ узоқ туриб, қаршидан келадиганини кутар, гоҳ озгина тўхтаб ўтар, лекин йўлнинг охири кўринмасди. Трамвай вокзалдан жилганида энди офтоб чиқиб келаётганди, анча тикка кўтарилиб қолибди ҳамки, шаҳарнинг чети-чегараси кўринмайди. Аввал бири-бирига ўхшаш қизил дарвозали қўралар, анҳордан ўтилгач пасти баланд уйлар кўринди. Энди трамвай қинғир-қийшиқ кўчалардан борарди. Бу шаҳардан ҳар қандай катта доктор бўлса ҳам амакиваччасини топишга Маликанинг ақли етмай қолди. Қанча юришганини ҳам билмайди, кекса киши қопини орқалаб ўрнидан турди-да:

— Энди тушамиз,— деди Маликага. У чопонбозордаги докторхонага қандай боришни кўрсатиб, ўзи тўғрига ўтиб кетди.

Бир қаватли ғиштин мадрасанинг ўнг томонидаги кўчадан чопонбозордаги докторхонага тушиларди. Унга мачитнинг орқасидаги тор кўчадан ҳам, тўғридан ҳам кирса бўларди. Қобил бу нотаниш шаҳарнинг ҳар бир биносига, ўткан-кетганларга синчковлик билан қарар; Маликани тезроқ докторхонани, амакиваччасини топиш хаёли банд этганди. Ҳартугул кўп юришмади. Докторхона ғиштан қурилган икки қаватли эски бинога жойлашганди. Малика ҳозир амакиваччаси билан учрашадигандек нафаси тикилиб, эшик олдида турган кишидан сўради:

— Саттор ака деган катта докторни кўрсак бўладими?

Қоровул Малика билан Қобилга бошдан оёқ разм солиб, узоқдан келишганини пайқади. Жавоб беришдан ол-

дин хаёлида докторларни кўзи олдидан ўтказди, кейин бош чайқаб:

— Мен бу ерда докторхона очилгандан бери ишлайман, ammo Саттор исмли катта докторни ҳам, кичик докторни ҳам билолмадим, эшитмаганман ҳам. Янги шаҳардаги докторхонада ҳам бунақаси йўқ,— деди.

Сўнгги таянчи олиб ташланган бинодек Малика оёқлари қалтираб, ўтириб қолди. Унинг ранги оқариб, кўзи тинди. Қобил онасининг аҳволини кўриб, қўрқиб кетди. Қоровул ҳам гуноҳ иш қилгандек шошилиб:

— Сабр қилинг синглим, ўзингизни босинг,— деди уни юпатмоқчи бўлиб,— балки у сўраётганингиз доктор эмасдир, шунақа бир Саттор деган йигит бор, замбилда касал ташийди. Ўзи эртага келади, ўшандан сўраб кўрайлик...

Малика анчадан кейин ўзига келиб, аста ўрнидан турди. Оёқлари қалтирарди, у энди Қобилнинг қўлидан ушлаб юришга кучи етмагандек қўлларини шалвиратиб, битта-битта, қадам босарди. Қатор дўкондорлар ўтирган тимнинг тагига кирганида яна кўз олди қоронғилашиб, йўлгага ўтирди. Тимнинг тагида одам кўп, харидорлар дўконма-дўкон ўтишар, уларнинг ғала-ғовуридан Маликанинг боши айланарди. Энди у ўзини эмас, Қобилини ўйларди. Қаерларда, кимларнинг эшигида сарсон бўлади бола? Наҳотки бахти қароликда, худди ўзи сингари оқ-воҳда ўтсанинг ҳам умри. Етимхонага олиб кетишмасидан бирор саховатли кишининг қўлига топширса эди уни. Маликанинг хаёллари мудҳиш, бу дунёдан рўшнолик кўрмай ўтишига, энди туғилиб-ўсган шаҳрига ҳам етиб ололмаслигига кўзи етганди. Агар Қобили бўлмаганда шу ерда оёғини узатишга ҳам рози эди. Унинг эсига ҳали овқатланмаганлари, Қобилнинг қорни очиб кетгани тушиб, ўрнидан турди-да, яна ўғлининг қўлидан ушлаб, тимдан чиқди, маҳсидўзликдаги ҳаммом ёнидан ўтиб, пастга тушишди. Катта майдоннинг нариги бетидан анҳор оқар, нариги томондан мис-темирларнинг жаранг-журунги эшитиларди, она-бола

бешикчилар растасидан ўтиб, мисгарлар тимининг олдига бориб қолишди. Унинг орқасида темирчилар ишларди. Қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурондан тезроқ ўтиб олиш учун Малика қадамани илдамроқ босди. Улар беда бозордан чиқиб қолишди. Ўша ердаги чойхонада биттадан сомса билан тамадди қилиб олишди. Қорни очиб турган Қобилнинг рангига қизил югурди. Энди Маликани қаерга бориш, кимдан ёрдам сўраш ташвиши қийнарди. У ўйла-масдан Тошкентга келиб қолганига энди ўзини койирди. Гоҳ бошпанаси, меҳрибони бўлмаганидан кейин ҳамма жой ҳам бари бир эмасми, деб ўйларди. Фақат Саҳобдан уми-дини узмаган, балки бизни Фарғона ёки Қўқондан қидирса керак, деб яна қайтишни фикр қиларди. Яна: кимниқидан ҳам қидирарди, деган хаёлда иккиланарди. Шу куни раста-ма-раста юриб, фақат ўз тирикчилиги билан банд одам-ларни кўришди. Бирортаси нима қилиб тентираб юрибсан, деб сўрамасди. Кечқурун маҳсидўзликдан ўтиб, мадрасанинг бериги биқинидан чиқиб қолишди. Бир ёни баланд қу-рилган «Хотин мачит» эди. Мадрасада ҳам, мачитда ҳам одам кўринмасди. Бу ерни Эскижўва, деб аталашини ҳам энди билди Малика. Қоронғи тушганида шу Эскижўва мад-расасида тунашни кўнглига тугиб қўйди, атрофда одам қолмагач, ичкарига киришди. Мадраса бўм-бўш, қоронғи эди, муздек ғиштларни пайпаслаб, эшиги йўқ ҳужрага ки-ришди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай бу ер зах эди-ю, ҳар ҳолда бошпана.

Ғишт деворга суяниб ухлаётган Малика ярим кечадан оққанида эти увушиб, титраб уйғонди. Қобилни пайпаслаб кўрди, у қаттиқ чарчаганидан, пишиллаб ухларди. Секин очик ҳавога чиқди, лекин бадани қизиб, титроғи босилмади, кўнгли озиб, яна ҳужрага кирди. Тонг ёришганида Қобил уйғонса, онаси алаҳлаб уни чақирарди.

— Ойи, ойижон, шу ердан, ёнингиздан.

Малика анчадан кейин кўзини очиб, ўғлига далда бе-риш учун жилмайди.

— Сув,— деди томоғи қақраб.

— Ҳозир, ҳозир олиб келаман, чой олиб келаман.— Қобил ҳаммом ёнидаги чойхонага югурди.

— Хўп, чой бераман-у, лекин қайнасин,— деди чойхоначи. У Қобилдан пулни олиб, жўмраги синиқ чойнакни тайёрлаб қўйди-ю, самовар ҳадеганда қайнамай, гоҳ хуштак, гоҳ сурнай чаларди.

Қобил чойга кетаётганида қизил дўппи кийган ўрта яшар киши мадраса ёнига стол қўйиб, турли катта-кичик китобларни ёймоқда эди. Малика иситмада алаҳсираб, мадрасадан ўғлини қидириб чиқди, рўпарадан тушаётган офтобга талпинаётгандек қўлини чўзганида, китобфуруш унга ажабланиб қаради. Малика қўлини чўзганча Қобилни чақирди. Утган-кетган уни телба деб ўйлади, шу орада томошабинлар ҳам пайдо бўлди. Малика беҳуш йиқилди. Китобфуруш унга раҳми келиб, турғазмоқчи эди, қўлининг иссиқлигидан иситмаси баландлигини пайқаб:

— Вой-бў-ў...— деди. Ағрайиб турган битта йигитни чопонбозорга югуртирди.

Ораси яқин бўлгани учун замбил кўтарган икки киши пайдо бўлди. Маликанинг иситма аралаш қилаётган қаршилигига қулоқ ҳам солишмади. Анчадан кейин Қобил иккита нон билан чой кўтариб келди. Мадрасага чойнак кўтариб кириб кетаётган болага ҳеч ким аҳамият бермади. Китобфурушнинг бозори чаққон, катта-кичик тўпланган, бири китоб, бири дафтар-қалам, баъзилар ўчирғич, чизғич харид қилар, сотувчининг қўли-қўлига тегмасди.

Қобил ичкарига кириб, ойисини учратмагач, бошқа ҳужраларни қараб чиқди. Кейин чақира бошлади. Бўм-бўш мадрасадан акс-садодан бошқа товуш эшитилмасди. Қобил қўлтиғида нон, қўлида чойнак билан югуриб кўчага чиқди. Китобфуруш олдида уймалашаётган одамлар орасида ойиси кўринмасди. Товуши борича:

— Ойи-и...— деб бақирди-ю, қўлидан чойнак тушганини ҳам билмай, бозор томонга югурди. Кечаги юрган таниш йўллардан югуриб ўтаркан, дам-бадам бўзлаб чақирарди. Осмон қулаб, тўс-тўполонда танҳо қолгандек ҳеч

кимни кўрмас, қаттиқ ҳаяжонда бор товуши билан ойисини чақирар, баъзилар уни ойисидан адашибди, деб кетидан ачиниб қолар, баъзилар: «Бақирма-е, кап-катта бола», деб уришарди. Лекин уни тўхтатиб сўроқловчи йўқ эди. Қобил бозор атрофини айланиб, мадраса олдига икки марта келиб-кетди. Вақт пешиндан оққанида учинчи марта мадрасага келиб, ойисини тополмагач, китобфуруш яқинида ҳолсиз ерга ўтирди. Унинг қалби бўм-бўш, на таянчи, на умиди қолмаганди. Китобфуруш мадраса деворига мадорсиз суяниб ўтирган болга ачингандек қаради-ю, лекин савдосини ташлаб яқинлашишга имкони йўқ эди.

Қобил кечадан бери туз татимаган, югуравериб чарчаган, нима қилишини билмай унсиз йиғларди. Қўшиқ айтиб шу ердалигини онасига билдириш мақсадда, хаёлига келган мисраларни ичида бир-икки қайтариб, ўзига таъвиш бўлган куйда хониш бошлады.

Отажонимдан айрилиб
Бу шаҳарда оввораман.
Онажоним қайга кетди,
Энди қайга бораман?

Орзу-ҳавас, қувноқ кулги ҳиссиётлари кўнгилга сиғадиган вақтлар бошланди-ю, оғир иллатлар ҳали бутунлай эсдан чиқмаганди. Шунинг учун ғамгин қўшиқлар кишиларнинг битмаган ярасини қитиқларди. Умуман эсдан чиққан ашулага муштоқлар кўпайганди. Мадраса олдида одам тўпланди. Қобил ашула айтаркан, гоҳ паранжида, гоҳ чопон ёпиниб турган аёлларга, шу менинг онам эмаскин, деган умид билан қарар, паришон хаёлига бири-бирдан ғамгин қўшиқлар келарди. Ашуласи тугади, онасидан дарак йўқ эди. Машрабнинг «Мени йўқлар кишим борму» ғазалини баланд пардада айта бошлады:

Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму...

Кўчада ҳаракат тингандек ҳамма жим, ҳатто, трамвайнинг шовқини ҳам эшитилмасди.

Ашула тугади, Қобил жуда кўп халойиқ орасидан она-сини излар, жавдираган кўзларига бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Башанг кийинган бир киши унинг қўлига қоғоз пул тутди, Қобил пулга қарамади ҳам. Одамлар бирма-бир пул тутқазар, танга-чақалар жиринглаб ерга тушар, хаёли онасида бўлган боланинг пул билан иши бўлмасди. Шу пайт ўрта бўйли янги костюм кийган, соч қўйган киши Қобилга яқин келди-да, йиғилганларга қараб:

— Халойиқ, нима қиялпсизлар, боланинг эзилиб турганини қаранг. У тиланчи эмас, умуман тиланчилик одам шаънига доғ. Пул берманг, тарқалинг!— деб буюрди.

Баъзилар: «Ашула эшитгани ҳам қўйишмайди-я», деб, баъзилари корчалонлик қилган кишини уришиб, тарқалишди. Далда бўлиб турган одамлар кетидан Қобил йиглаб юборди. Костюмлик киши унинг елкасига қоқиб яхши гап билан юпатмоқчи бўларди-ю, лекин Қобил ўпкасини тутолмасди. Ниҳоят, у тилга кирди:

— Ойим, ойимни адаштирдим,— деди кўзларини енгил билан артиб.

Костюмли киши бола нимадан эзилаётганини билиб:

— Шунга йиғлаяпсанми, топамиз ойингни,— деди унинг кўнглини кўтариш учун.

Қобил бу одамнинг меҳрибончилигига ишониб, қаердан келганини ва онасини қайси вазиятда йўқотганини айтиб берди. Бу вақтда харидорлари камайган китобфуруш уларнинг суҳбатига аралашди:

— Қачон ойингдан адашдинг?— деб сўради.

— Эрталаб, шу ерда,— деди Қобил боши билан мадрасани кўрсатиб,— мен чойга кетгандим...

— Шошма, шошма,— деди китобфуруш яқин келиб,— бир аёлнинг иситмаси баланд экан, докторга бердириб юборгандим, ўша бўлмасин тагин?

Костюмли кишини китобфуруш яхши танирди. У Юсуфбойнинг ҳовлисида очилган интернатнинг мудири Маҳмуд ака эди. Унинг таниш-билиши кўп, болажонли, оқкўнгил, қўлидан келса-келмаса ёрдамга тайёр одам эди.

Маҳмуд ака боланинг қўлидан етаклаб, докторхонага берди. Қабулхонадан суриштириб, Маликани топганида, ҳали онасининг ҳолидан беҳабар Қобилнинг севинчини таърифга сиғдириш қийин эди. Лекин қўл-бети кир, эгни йиртиқ болани касалхонага киритишмади, вақт ҳам кеч бўлиб қолганди. Маҳмуд ака Маликанинг очлик, чарчаш, руҳий машаққатларга шамоллаш қўшилиб йиқитганини, лекин даволашга умид борлигини Қобилнинг олдида сўраб билгач:

—Юр, эртага бирга келиб кўрамиз, мен билан бирга кетганингни ойингга айтиб қўйишади,— деди-да, Қобилнинг қўлидан судрагандек олиб кетди. Тихирлик қилгани билан уни қолдириб кетмаслигини, бир ўзи бегона шаҳарда сарсон бўлиб қолишни йўл-йўлакай тушунтирди у.

Айланма, кенг, тор кўчалардан юриб, интернатга етиб боришди. У ҳам худди Тўраҳонбойнинг ҳовлисига ўхшаб ташқари ва ичкаридан иборат бўлиб, бостирмадан ўтилгач, хоналари кўп ҳовлига кирилар, унинг тўрида тахтадан баланд сўри қуриб қўйилган эди. Бостирманинг ёнидан эса, ичкари ҳовлига ўтиларди. Кечки пайт бўлгани учун ташқарида ҳеч ким йўқ, ичкари ҳовлидан болаларнинг тўполони эшитиларди. Маҳмуд ака Қобилни етаклаб эшикдан ўтиши билан унинг кўзи олдида шу пайтгача кўрилмаган манзара пайдо бўлди: кенг ҳовлининг ўртаси гулзор, атрофида катта-кичик болалар турли ўйин билан машғул, баъзилари қувлашади, баъзилари доира қуриб, ўртада биттасини ўйнатади, баъзилари куч синашади, жим томошабин бўлиб турганлари ҳам бор, гулзор олдига қўйилган скамейкада китоб ўқиб ўтирганлари ҳам кўрилади. Беташвиш кулги, қийқириқлар Маҳмуд ака кирганида ҳам тинмади. Қобил уларга алаҳсиб, текис ерда қоқиларди. Маҳмуд ака уни ҳовлининг тўридаги кичкина хонага бошлаб бориб, очиқ эшикдан мўралаб:

— Носиржон,— деб чақирди.

Қават-қават қўйилган тахталар ортидан ёшгина йигит чиқди, у Қобилга қараб:

— Қаердан топдингиз буни, жуда исқирт-ку?— деди. Маҳмуд ака алам билан ерга қараб турган Қобилнинг кўнглини кўтариш учун:

— Олтин бола бу, олтин кўмирнинг ичида ҳам ялтилайди,— деб уни ювинтириб, кийинтиришни буюрди. Кейин идорага олиб киришни тайинлади.

Идора ташқарига кираверишдаги хопада эди. Унга даҳлиздан ўтиларди. Ун бир ёғочли нақшинкор хонанинг тўрида оддийгина стол бўлиб, устига қизил духоба ёпишган, олдида иккита стулдан бошқа нарса йўқ, деворда оддийгина рамкага ўрнатилган Ленин портрети эшикдан кирганларга меҳрибонлик билан кулиб тургандек кўринарди. Қобил Маҳмуд аканинг олдида кирганида у стулга чиқиб, катта осма чироқни ёқиб турганди, шишасини ўрнатиб бўлиб пастга тушди-да, ажаблангандек қийшайиб қараб:

— Охў-ў, танимайдиган бўлиб кетибсан-ку!— деди, елкасига кафтини қўйиб, уни қаршисидаги стулга ўтқизди.

Умрида ялчиб ювинмаган, ўзига тикилгандек ихчам кийим киймаган, дадаси-ю, Шокир акадан бўлак ҳеч кимдан меҳр-шафқат кўрмаган Қобил тушими бу, ўнгими — билолмай, бошини эгиб ўтирарди. Маҳмуд ака жойинга ўтириб, қўлига қалам олди:

— Хўш,— деди Қобилга яна бир бошдан-оёқ қараб:— Сени энди ёзиб қўяйлик, исминг?— Қобил ҳайрон бўлиб, бошини кўтарди, Маҳмуд ака тушунмади деб ўйлаб:— Отингни сўраяпман,— деди.

— Қобил!— ҳали ҳам сўраган эдингиз-ку, дарров унутдингизми деган таъна бор эди унинг нигоҳида.

Маҳмуд ака ёзиш билан банд бўлгани учун буни сезмади, отасининг номини сўради.

— Жуда соз, Қобил Саҳоб ўғли, деб ёзиб қўямиз, лекин бугундан сени Булбул деб атаймиз. Яхши овозинг бор экан, зўр ҳофиз чиқади сендан ҳофиз Булбул,— очик кўнгиллик билан кулди у. Кейин ўрнидан туриб, қоқсуяк-лиги билиниб турган Қобилнинг елкасига қўлини қўй-

ди.— Юр, кечки овқат ҳам тайёр бўлгандир, бирга овқатланамиз.

Бу яхшиликларнинг барчаси нима эвазига қилинаётганини Қобил тасаввур қилмас, Тўраҳонбой бекордан-бекорга овқат бермаслигини расмий бир ҳолда деб ўйлар, бировнинг бировга Маҳмуд акадек ғамхўрлик қилганини кўрмаганди. Шокир ака яхши киши эди, лекин Қобил онаси билан унинг уйида ҳам бекор тургани йўқ.

Маҳмуд ака иккаласи ичкари ҳовлига кирганида боаги болаларнинг ўзи тугул, товуши ҳам эшитилмасди. Улар ҳовлининг нариги бурчагидаги очиқ эшик томон юришди. У ер катта майдон бўлиб, ҳар хил мевали дарахтларнинг ёш япроқлари орқадаги бир қаватли узун бинодан тушиб турган чироқ шуласида йилтилларди. Маҳмуд ака Қобилни ўша бинога олиб кирганида юзтача бола овқатланиб ўтирар, қошиқ ва чинни идишларнинг тақирлашидан бўлак товуш эшитилмасди. Маҳмуд ака ҳамроҳи билан четдаги столга ўтирди. Овқат шўрваю шавладан иборат бўлиб, кетидан бир стакандан ширин чой беришди. Маҳмуд аканинг қистови билан талинкаларни бўшатган Қобил, тўйиб кетган қорнини силаркан, ширин чойни ҳўплаб, ҳамон бу яхшиликларнинг оқибатини ўйларди. Тўраҳонбойнинг уйида жаннат, дўзахдан кўп гапиришарди. Қобил ойнаси билан дўзах азобини кўрди, жаннат шу ер бўлса керак, деб ўйлаб, «наҳотки ўлган бўлсам», деган хаёлдан кўрқиб кетди.

Овқатдан кейин Маҳмуд ака Қобилни қолдириб, чиқиб кетди. Болалар катталарнинг кузатувида ёшига қараб бўлинишиб, майдонда яна ўйин бошлашди, кейин дарс тайёрлагани хона-хонага кириб кетишди. Ҳаммадан ажраб қолган Қобилни яна Маҳмуд ака келиб, бир хонага бошлаб кирди. Унда саккизта темир каравот икки қатор қўйилган бўлиб, ўртадан ўтишга тор йўл қолдирилган эди. Кираверишдаги бўш каравотни кўрсатиб:

— Мана шу ерда ётасан, мана шу ўртоқларинг билан ўқийсан,— деди Маҳмуд ака ва ётишга тайёрланаётган

болаларга тайинлади:— Янги ўртоғингларни хафа қилманглар, ўзи яхши бола, оти Булбул,— деб тайинлади.

Маҳмуд ака чиқиб кетгач еттита бола Қобилни ўраб олди. Унинг кимлигини, қаердан келганини, нега оти Булбуллигини сўрашарди. Қобил бу шўх болалардан ҳайиқиб, қисқа жавоб қилар, гоҳ лабини буриб қўя қоларди. Айниқса, уларнинг орасида каттароғи дағаллик билан сўроқ қиларди.

— Сен ўзинг соқовмисан, гапир, бўлмаса бир уриб тилга киргизиб қўяман!— деди у.

Қобил бу қўпол боланинг башарасини энди кўрди. Бу ўткан кунни вокзалда қочиб юрган бола эди. «У айтган етимхона шу экан-да, деган хаёл келди унинг бошига. Йўқ, у етим эмас, ойсиси бор, яхши гап билан мени оймдан ажратмоқчи экан Маҳмуд ака». Қобилнинг кўзи қочоқ болада эди-ю, хаёлида бири биридан ваҳималироқ фикрлар айланарди. У тўсатдан ҳўнграб ўзини каравотга ташлади. Болалар эси жойидами, дегандек бир-бирига қараб, жой-жойига тарқади...

— Қўй, уни Олим, эркатойга ўхшайди,— деди бири қочоқ болага.— Агар тарбиячига чақса, яна сени уришишади.

Олим бетайин шўхлиги учун тарбиячидан гап эшитиб, интернатдан қочганини эслаб, ўрнига ўтираркан Қобилга дўқ урди:

— Агар чақимчилик қиладиган бўлсанг, абжағингни чиқараман, кейин суякларингни битталаб териб юришади.

Олимнинг дўқини Қобил эшитмади ҳам, у мук тушганича ётар, елкалари учишидан йиғлаётгани билиниб турарди. У ойсидан ажраб қолишдан қўрқарди. Кимдир келиб:

— Энди ётнинглар, чироқни ўчираман,— деди ва Қобилга буюрди:— Ечиниб ёт, ҳай бола!

Хона қоп-қоронғи бўлиб қолди. Олимнинг норози тўнғиллаши эшитилди. Хонага жимжитлиқ чўкиб, пишиллаш, хуррак товуши эшитилди. Қобил энди йиғламас, кийими

билан ётганча хаёл сурарди. Биринчи кечани онасидан узоқда ўтказмоқда, унинг илиқ нафасини, меҳрли сўзларини тингламас, олам мана шу зим-зиё кечадай қоронғи эди унга. Анчадан кейин бири-биридан чалкаш ўйлар сгушида ухлаб қолди. Уйқусида ҳам онасини кўрди, у оломоничида Қобилни излар, фарёд чекар, у бўлса, товуш берармиш-у, онаси эшитмай бошқа ёққа чопармиш, қаёқдандир Тўрахонбой пайдо бўлиб, уни қамчи билан савалар, нега отларга қарамадинг ҳаром томоқ, дермиш. Ёмон ётиб қолганидан Қобилнинг елкаси увушиб, ўрнидан туриб ўтирди. Энди у йиғламас эди. Деразадан ҳовлига қаради, ҳали қоронғи. Энди уйқуси келмай, ёнбошлаб ётди Қобил. Анчадан кейин атроф ғира-шира ёриша бошлагандек туюлди унга. Ўрнидан аста туриб, деразадан мўралади, ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Болаларнинг қайси биридир алаҳсираб валдиради, кейин хонада фақат пишиллаш эшитилди. Қобил аста эшикни очиб, ҳовлига мўралади, оёқ учида юриб, бостирмага чиқди. Бу ер қоронғи эди, унинг юраги дукиллар, ҳатто томда мушукнинг миёвлашидан ҳам чўчиб тушди. Аста дарвозага бориб, пайпаслаб кўрди — орқасидан занжирланиб, устидан ёғоч тикиб қўйилганди. Биров қочади деган хаёл йўқ энди интернатдагиларда. Дарвоза очавериб пишиган Қобил занжирни аста тушириб, кўчага чиқди. Ҳали ҳамма ширин уйқуда ётарди, оёқ товуши эшитилмасин деб, янги туфлисини қўлтиқлаб, кеча келган кўчасидан югуриб кетди. Адашмасдан касалхонани топиб борганида кун анча ёришиб қолганди. Кираверишдаги хонада мудраб ўтирган қоровул тақиллашдан чўчиб тушди-да, шошилмай бориб эшикни очди, ботинкасини қўлида кўтариб турган болани кўриб:

— Сенга нима керак,— деб сўради жаҳл билан.

— Амакижон, ойимни кўргани келдим...

— Бор, бор, жўна, ойинг йўқ бу ерда,— деди-да, эшикни тарсиллатиб ёпди. У болага қаттиқ озор беришини хаёлига ҳам келтирмади. «Ойинг йўқ», деган сўздан Қобилнинг юрагига тош билан ургандек бўлди. У ойинг олам-

дан ўтган, деган маъно англаб, шундай бир даҳшатга тушдики, беихтиёр икки қўллаб эшикни муштлаётганини ҳам хаёлига келтирмади. Тепса тебранмас қоровул ўтирган жойидан бақириб, уни қувламоқчи бўлди. Шовқинга кеча Маликани касалхонага олиб келган йигитларнинг бири оқ халатда чиқиб келди-да, нима гаплигини қоровулдан сўради. Кейин эшикни очиб:

— Нима керак сенга ҳой, бола?— деб сўради.

— Ойим, ойим...— дея олди Қобил.

— Шошма, тушунтир, нима, эмасанми шу пайтда ойингни? Докторлар келсин,— у боланинг саҳарлаб келиши бежизмаслигини тушуниб, ичкарига олиб кирди.— Ойинг қайси палатада?— боланинг бу сўзга тушунмаганини билиб,— қайси хонада?— деб сўради.

— Шу ерда, кеча айтишганди, шу ерда.

— Уйингда каттароғинг йўқми, даданг қаерда?

— Уйим йўқ, дадам мардикор кетган... Бу ерга амакимни қидириб келгандик. Катта доктор дейишганди.

— Оти нима экан?

— Саттор, қўқонлик.

— Шошма-шошма, мен ҳам қўқонликман, отим ҳам Саттор, фақат катта доктор эмасман,— деди оқ халатли йигит.— Умуман доктор эмасман.— У Қобилга яна бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Эғнидаги янги интернат киймига ҳайрон бўлди-ю, яна унинг ойисини суриштирди, унинг исми Малика эканини билгач:— Менинг ҳам амаки-ваччам бор эди, оти Малика, ўн ёшларида фарғоналик Тўрахонбой деган чўриликка олиб кетганди...

— Амаки, ўша менинг ойим-ку!..— қичқириб юборди Қобил.

— Вой, жигариммисан, менинг жигариммисан?!— деди Саттор Қобилни бағрига босиб. У ҳаяжон билан жиянини бағрига босди, суюнганидан кўтариб олиб, чир-чир айлантитар, энтикиб куларди.

Саттор узун оқ халатни Қобилнинг бошига ёпиб, оёқ учига палатага олиб кирди. Хонада учта каравот бўлиб,

кираверишдагисида Малика уйғоқ ётарди. У хонага кирганларни кўрди-ю, лекин ўглини ҳам, Сатторни ҳам таңмади.

— Айланай доктор,— деди у Сатторга,— ўғлим бор эди, кўчада бўзлаб қолиб кетди...

— Ойи!— Қобил устидан халатни олиб, ўзини онасининг кучоғига ташлади.

Малика кечагина увадаси чиққан чопонда юрган ўглининг озода кийим-бошига қараб:

— Узингмисан, Қобилмисан, ўнгимми, доктор, алаҳла-япганим йўқми,— дер, ўглининг юзига иситмадан қизиган юзини босарди. Уни яна иситма енгиб кўзини юмди.

Саттор жиянининг қўлидан судрагандек тортиб, хонадан олиб чиқди-да, навбатчи докторни чақиргани кетди.

ОТАНИНГ ҚЎНГЛИ БОЛАДА

Ез кунларининг бирида эски шаҳар бозорида ҳарбий гимнастёрка устидан юпқа йўл-йўл чопон, оёғига янги хром этик кийган, бўйи ўртадан тикроқ, чап қўлида ҳасса таяниб, чап оёғини авайлаб юришига қарамай, қадди-қомати келишганлиги билиниб турган, мўйлови хушсурат юзига ярашган киши пайдо бўлди. У тошкентликка ўхшамасди, чунки у ҳар бир одамга, растаю тимларда ўтирган ҳар бир дўкондор, харидор ва молни сотгани тушган ҳунармандларга, нотаниш биноларга уларни эслаб қолмоқчидай тикилиб қарарди. Айниқса, битта ўзи ёки онаси билан бошлашиб юрган болалардан кўзини узмас, баъзан яқин бориб, бошдан-оёқ разм соларди. Оёғи оғриб қолса, одам гавжум жойда бир четга ўтириб, кузатишли давом эттирарди. У — Саҳоб эди. Босмачиларни тоққа қувиб кетишаётганида оёғига ўқ тегиб, то яраси тузалгунча отпуска олган, сал оқсаб юрадиган бўлганидан кейин у Фарғонадан Тошкентга келгунча йўл-йўлакай кирмаган шаҳари, бормаган қишлоғи қолмади. Охири Тошкентга

келиб, «Дехқонлар уйи»нинг чойхонасидан ётоқ олди. У, агар Малика билан Қобил тирик бўлса ахир бозорга тушади-ку, деган умидда эди. Бировдан сўраган билан фойдаси йўқ, улар умуман бу шаҳарга келганми, йўқми?

Саҳоб шаҳар айланиб юриб, Пуштиҳаммом кўчасига кириб қолди. Пешин пайти эди, касалхонанинг кўчага қараган деразаси тағида интернат кийимида саккизта бола турарди. Улар иккинчи қаватда қандайдир аёл киши билан гаплашарди. Аёлнинг хаста овози зўр-базўр эшитилар, болалар олдинма-кетин унга яхши ниятлар тилашарди.

— Хайр, ойижон, хавотир олманг, мен яхши юрибман,— деди баланд овозда бири.

Саҳоб ачкиқичакдек чўзилган кўчанинг ичидан қайтиб чиқарди, у болаларни узоқдан кўрди-ю, етиб боргунича улар жўнаб кетди, қайси деразадаги бемор билан гаплашиганини ҳам билолмай қолди. Лекин боланинг овози қулоғига негадир иссиқ чалинди. Ахир ўғлини кўрмаганига уч йилдан ошди. Албатта, унинг овози ўзгариб кетгандир, лекин меҳр билан айтилган «ойижон» сўзи оҳангида ўғлининг товушини эшитгандек бўлди. Кетидан югуришга оёғи ярамайди, танимаган болани чақиришга андиша қилди: эшитган одам жинни демайдимми? Ҳофизларнинг қулоғида, юракка ўрнашиб қолган бир куй ҳадеб такрорланаверганидек, Саҳоб юрганда ҳам, ўтирганда ҳам битта ўша «ойижон» сўзини эшитарди. У кечқурун ҳориб-чарчаб ётоғига қайтди. Чойхонада одам кам эди, қизил бурчак деб аталувчи, алвон ёпилган стол ёнидаги деворда осифлиқ турган дутор, тамбурларга қараб:

— Анави дутор чалинадими?— деб сўради чойхоначидан. Унинг шу топда дутор билан ҳасратлашгиси келди.

— Чалинмаса нима қиламиз, меҳмон,— деди хушёр чойхоначи ва дуторни икки қўллаб Саҳобга топширди.

Саҳоб хаёл суриб, дуторни анчагача тинғиллатиб ўтирди. Чойхонадагилар аввал кутишди, кейин ҳафсаласи пир бўлиб, яна ўзаро гапга тушишди. Ниҳоят Саҳоб хаёлини

тўплаб, «Чўли ироқ»ни чала бошлади. Мунгли куй янада мунглироқ жаранглаб, тингловчиларнинг хаёлини олиб қочди. Гоҳ кимсасиз далалар, ҳувиллаган саҳроларда чанқаб бораётган туя карвони, гоҳ ойдин кечаларда гулзор аро танҳо нола қилаётган булбул хониши, гоҳ бировнинг унсиз кўзёши кўринарди бошини эгиб, аста чайқалиб ўтирган кишиларга. Саҳоб куйни тугатиб, қаттиқ уҳ тортганини ҳам билмай қолди. Шунда чойхонада ўтирганлар бу одамнинг кўнглида тубсиз ҳасрат борлигини сезишди-ю, «ниятингизга етинг» деб олқишлашди. На олқиш, на мақтов керак эмасди Саҳобга, фақат ниятига етса — ўз жигардийдаларини топса, бундан улугроқ иш йўқ эди унга. Ўз хаёли билан ўзи банд бўлиб, яна дуторни тинғиллатиб ўтираркан, у ҳам Машрабнинг «Йўқлар кишим борму»сини эзилиб бошлади.

Наманган шаҳридан кетсам,
Мени йўқлар кишим борму?
Мусофир шаҳрида ўлсам,
Мени йўқлар кишим борму?

Қани қовму қариндошим,
Бу йўлда бўлса йўлдошим.
Кўзимдан қон оқар ёшим,
Мени йўқлар кишим борму?

Ашула тугади, кишиларнинг олқиши ҳам қулоғига кирмай, бошини эгди Саҳоб. Ўтирганлардан бири ўзидан ўзи гап бошлаб қолди:

— Анча бўлди, шу ашулани бир боладан ҳам эшитгандим, сизга ўхшатиб айтаркан, нолиши ҳамон қулоғимдан кетмайди.

— Қаерда тураркан ўша бола?— уйқусидан чўчиб уйғонгандек сўради Саҳоб.

— Билолмадим, онасидан адашган экан, интернатнинг мудири бирга олиб кетди.

Саҳоб Совет ҳукумати етим болаларга интернат очиб,

уларни ўқитаётгани тўғрисида эшитган эди-ю, лекин бундай жойдан суриштириш хаёлига келмаганди. Эртасигаёқ шаҳар Халқ Маориф бўлимига бориб суриштирди. У ерда тўртта интернатнинг адресини беришди. Энг яқиндагиси Маҳмуд ака мудирлик қилаётган интернат эди. Саҳоб интернатни топиб борганида овқат вақти яқинлашган, ҳамма болалар майдондаги ошхонада эди. Маҳмуд ака учтўртта хизматчи билан ташқи ҳовлига қўйилган стул ва скамейкаларни тартибга солар, икки киши тахтадан ясалган сўри-саҳнани безарди. Маҳмуд ака ҳовлига кирган меҳмон истиқболига юрди, унинг паришонхотирлик билан узатган қўлини олиб, идорага таклиф қилди.

— Келинг, меҳмон, хизмат?— деди у мулозамат билан.

Саҳоб мақсадини баён қилганида Маҳмуд ака ўйлаиб қолди: балки у бизнинг Қобилдир, балки тасодифан номлари ўхшар?

— Бизда Қобил исмли бола бор, уни Булбул деб атаيمиз. Қобилиятли бола, келган кунининг эртасигаёқ учинчи синфга ўтказдик. Шеър ҳам ёзади, Машраб ғазалларини катталардек ёд билади. Аломатлари сиз айтганга тўғри келади-ю, лекин адашиб, боланинг кўнглини чўктириб қўймайлик.

— Майли,— деди Саҳоб кўнглида умид учқуни пайдо бўлиб,— узоқдан кўрсатсангиз ҳам розиман.

— Уқишнинг якунланиши муносабати билан ҳали концерт қўймоқчимиз. Шунда кўрасиз, лекин подадан олдин чанг чиқариб, яна боланинг кўнглини ўкситиб қўйманг!— тайинлади Маҳмуд ака.— Болалар йиғилиб бўлгач, охириги ўринда иккаламиз бирга ўтирамиз. Агар болани танисангиз, ўзингизни босиб, жим ўтиринг, охирида гаплашамиз.

Саҳоб шартга рози бўлди, зора шу ўғлим бўлса, зора Қобилим бўлса, деб пичирлар, юраги безовта урарди.

Ташқарини офтобдан пана қилиб турган баланд тунука иморатдан ҳовли салқин эди. Тушлик тугагач, болалар икки қатордан бўлиб умумий ашула айтиб чиқишди.

Биз кашшоф болалар, шўро ўғлони,
Юртимиз поёнсиз, гуллар макони.
Уқиймиз, ишлаймиз озод замонда
Меҳнаткаш номини оқлаб ҳар они!
Меҳрибон бобомиз Ленин кўп яша,
Бахтимиз уфқида порла ҳамиша!

Бошловчи бола ёлғиз ўзи тўрт йўлни баланд овозда айтар, нақоратни ҳаммаси барабар қайтарарди. Деразадан кузатиб турган Саҳоб бошловчини ўғлига ўхшатмади, бошқа болалар орасида ҳам ўғлига ўхшагани кўрмай яна кўнгли чўкди. Гарчи болалар Саҳоб кузатиб турган деразага орқа ўгириб ўтирган бўлса ҳам, уларни бир-бир кузатиб чиқди. Болалар бошланг, гоҳ ёндамасидан, гоҳ ўгирилиб рўй-рост кўринар, бир-бирининг жиғига тегиб шўхлик қиларди. Охири Саҳоб оёғи толиб, умидсизлик билан жойига ўтирди. Агар Булбул лақабли Қобил дегани ҳалиги бошловчи бўлса, ноумид чиқиб кетишига қатъий ишонганди у. Ҳамма жой-жойига ўтириб, саҳнадан доира товуши эшитилганида Маҳмуд ака даҳлиздан Саҳобни чақирди. Иккаласи энг кетиндаги, болаларга халақит бермайдиган жойга ўтиришди. Энди Саҳобга бари бир эди, ноқулай бўлмаса, чиқиб кетишга ҳам тайёр эди. У саҳнага ёш артистларнинг орқадаги хонадан саҳнага чиқишидан беҳабар эди. Доирага тўртта бола ўйин кўрсатди. Кейин бояги ашулани бошлаган бола чиқиб, пионерларнинг кўшиғини айтди. Сўнг саккизта бола физкультура машқларидан ўйин кўрсатди. Номерлар бирин-кетин алмашинар, томошабинлар ўртоқларини олқишлаб чапак чалишарди. Конферансьелик қилаётган бола декломация ўқиб, сўнгра номерни Булбулга берди. Боятдан бери эътиборсиз ўтирган Саҳоб сергакланиб, ўрнидан бир қўзғаб қўйди. Болалар эса, ҳали ашула ижро этилмасдан олдин, Булбулнинг ўзини кўрмай чапак чалишарди. Музикачи болалар саҳнага қатор чиқиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган стулларга ўтиришди. Шундагина чапаклар тиниб, шошил-

масдан Қобил чиқиб келди. Анг-танг бўлиб қолган Саҳоб гарчи томошабинлардан баланд ўтирган бўлса ҳам бўйнини чўзди. Қобил худди атоқли артистлардек қўлини кўксига қўйиб, меҳнаткашга бахт берган озод замонни мадҳ этувчи қўшиғини бошлаганида Саҳоб ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди — у ўғлини таниган эди-ю, ҳаяжондан титраб:

— Қобил, Қобилим,— дерди.

Маҳмуд ака Саҳобнинг этагидан тортиб, ўтқазаркан:


— Нимага келишгандик? Тантанани бузасиз-ку!— деди шивирлаб.— У Саҳобнинг енгидан тортиб, хонасига олиб кирди.

Саҳоб қаршилик қилмас, Маҳмуд аканинг кетидан жим борар экан, кўзи ўғлида эди. Маҳмуд ака болаларнинг кайфиятини бузмаслик учун, уни куч билан ичкарига тортди. Саҳоб ҳолсиз стулга ўтирар экан, қулоғи ашулада, ҳаяжонини босолмасди. Ашула тугади, болаларнинг қарсағи, баралла олқиши тинмади. Қобилни кутаётган Саҳобга ҳар бир секунд йилдек узоқ кўринар, ҳовлиқарди. Шу топда унинг кўзи олдида Қобилнинг болалиги, жинчиروقда ўтказилган кечалар намоён бўлди. Ўғлини аллааб айтган биринчи қўшиқ хаёлига келди.

Ширин бола, қароғим,
Қора уйда чироғим,
Улғай, бўлсин бахтинг ёр,
Гижинглаган тойчоғим...

Маҳмуд ака Қобилни Саҳобга кўрсатгани олиб келётганида деразадан шу ашула баралла эшитиларди. Дадасининг бу қўшиғи Қобилнинг эсидан сира чиқмасди, Маҳмуд аканинг қўлидан силтаниб чиқиб кетганини, ҳамманинг олдида «дада»лаб ичкарига отилганини ўзи ҳам билмай қолди. Даҳлиз эшигини тарақлатиб очиб, дадасининг бўйнига отилди. Саҳоб бахтиёрликдан ўзини тамом

унутган, ўғлининг юзи, кўзи, бурнидан ўпар. «Ўғлим, болагинам», деб бошини силар, гоҳ йиғлаб, гоҳ куларди. Уларнинг бу қувончини ҳеч таърифлаб, оламга сиғдириб бўлмасди. Маҳмуд ака ота-боланинг учрашувидан лол бўлиб қолган, девордаги Ленин портрети эса, ота-боланинг бахтига севингандек кулиб турарди.



МИРМИРЗА МИТТИ





Обод шаҳар, қишлоқлардан нарида, тошқин дарё, денгизлардан берида қум саҳроси бор эди. Унда на бир ўтлоқ, на бир тиккайган дарахт кўринмас, қум тепалар қишнинг қора совуғида қотиб, ёз тафтида чўғдай қизиб, денгиз тўлқинлари каби ўркач-ўркач бўлиб ётарди. У ерлардан одам юрмас, қушлар учмас, булутлар ҳам четлаб ўтарди.

Ой қуёшни қувалаб, неча-неча думалаб, йиллар ўтди. Саҳроларни яшнатишга навбат етди. Кунлар совиб, қиш бошланганда иш қизиди. Улкан, абжир машиналар ер қазиди. Бировлар дарё учун ўзан очишди, бошқалар тепаларни ҳар ён сочишди, баъзилар уйқудаги кўчатларни кўплаб экишди.

Эрта баҳор бошланганида чўл ўртасида гўзал шаҳар қад кўтарди. Бинолари ғиштдан, мрамардан. Бир хил бино ҳашамдор, сер устун, бир хиллари баланд-тик, девор-

лари ойнадан, бир хиллари думалоқ, ер шарини эслатар, бир хил бино ракетадек осмонга найза санчарди. Кўчалари кенг, тўғри бу эртақ шаҳар ойнасимон ярқирар, икки чети мрамар ариқ, сув ўйноқлаб шарқирарди.

Баҳор шамоли елпиб дарахтларни, гул-кўчатларни уйғотди. Қушлар навдаларда тизилишиб, кўз очиб-юмгунча пайдо бўлган шаҳар шаънига қўшиқ бошлашди. Чўлда гулзор, боғ яратган қўли гул қурувчиларга офаринлар айтишди.

Орадан кўп ўтмай бу янги эртақ-шаҳар одамларга лиқ тўлди. Ҳаммадан олдин Миролим ака оиласи билан кўчиб келди. У катта олим, янги қурилган дори заводининг лабораториясига бошлиқ қилиб тайинланганди.

Миролим аканинг бир ўғил ва бир қизи бор эди. Яхши ўқисин, етук киши бўлиб етишсин деб ўғлининг исмини Мирза қўйишди, Мирмирза деб эркалашди. Қизини аввалига Асал деб аташди. У ширин сўз, одобли, меҳрибон, бунинг устига гулдек чиройли бўлиб ўсаётгани учун асалга гулни қўшиб, Гуласал деб атай бошлашди.

Гуласал ҳаммадан ҳам Мирмирза акасига меҳрибон эди. Лекин у қанча меҳрибончилик қилса, Мирмирза уни шунча ёмон кўрарди.

Мирмирза қилиғи совуқ, ишەқмас бола эди, Гуласални эса ҳамма мақтарди. Бунга сари Мирмирзанинг жаҳли чиқиб, сингисини турткилайверарди.

— Сизга нима қилдим. ачажон? Нега мени ёмон кўрасиз?— дерди Гуласал хафа бўлиб.

— Ойим билан дадам, ҳамма-ҳамма сени яхши кўргани учун ёмон кўраман,— деб жавоб қиларди Мирмирза.

Гуласал «акамни уришишмасин», деб унинг гапларини ҳеч кимга айтмасди. Мирмирза фақат Гуласал билангина эмас, синфдошлари билан ҳам чиқишмасди. Агар бирор ўқувчини мақташса, Мирмирза албатта уни хафа қиларди.

«Ҳа, бешчимаан деб кериялпсанми?», дерди Мирмирза мақтанган боланинг биқинига туртиб.

У бола: «Сен ҳам беш олсанг, қайтага севинаман» деса, «менинг икки олганимга кесатяпсанми?», деб баттар безор қиларди Мирмирза.

Хуллас, ўртоқлари «али» деса, Мирмирза «бали» дерди: У фақат болаларни эмас, ўқитувчиларини ҳам хафа қиларди, сал гапга «дадам катта олим», деб кериларди. Дарс тайёрламас, гоҳ ёнидагилардан кўчириб олар, гоҳ ўқитувчи сўраса, «айтиб турасан», деб ўртоқларига тиқилинч қиларди. Миролим ака эса, ишёқмасларни ёмон кўрарди. «Дангаса одам бировларнинг ҳисобига кун кўришга одатланади, чунки жонини койитгиси келмайди. Бундайлар осон йўлни излаб жиноят йўлига ҳам киради», дерди доим Миролим ака ўғлига. Бари бир бунақа гаплар Мирмирзага таъсир қилмасди.

Баҳорги каникул тугаши билан Мирмирза янги мактабнинг иккинчи синфида, Гуласал биринчи синфида ўқишни давом эттирадиган бўлишди.

Мирмирза бир йил синфда қолган, шунинг учун бўйи синфдошларидан бир қарич баланд эди. У янги синфга кирмасданоқ эшик олдида турган қизни туртиб йиқитди. Йўлдош исмли бола синфдошини ҳимоя қилгани келган эди, Мирмирза унга ҳам кучини кўрсатди. Шундан кейин унинг ёнига ҳеч ким яқинлашмади. Мирмирза орқа партада бир ўзи ўтириб, дарсга халақит бера бошлади. Ўқитувчининг жаҳли чиқди. Мирмирза Миролим аканинг ўғли эканини эшитгач эса:

— Дадангнинг ҳурмати учун бир сафар кечирдим!— деди.

Орадан кўп вақт ўтмай янги мактаб болалари бир-бирлари билан иноқ бўлиб кетишди. Мирмирза билан фақат Эшим исмли мулоийм бола ўртоқ бўлиб олди. Эшим ҳам Мирмирза каби ёмон ўқир, бирортаси таъна қилса, уни Мирмирзага чақиб уриштирарди. Бунинг эвазига Эшим ҳар куни турли ширинликлар олиб келиб, Мирмирзага хушомад қиларди.

Мирмирза билан Эшим бир партада ўтирар, бирга

юрар, ҳатто, дарсга кирмай, кечқурун ўқишдан чиққандай папкани кўтариб уйга қайтишарди.

Охири Миролим ака билан Эшимнинг дадасини мактабга чақиртиришди. Ўғлининг хулқидан айниқса Миролим ака хижолат бўлди. У ишига қайтиб бормай, уйда Мирмирзани пойлаб ўтирди. Мирмирза эса, Эшим билан шаҳар кезиб кетганди. Олдин дарё бўйига боришди. Қум аралаш лойқа сув мармар қирғоқлардан тошгудек бўлиб оқар, эндигина баргак чиқарган мажнунтоллар қаерга келиб қолдим деб ҳайрон бўлаётган каби чайқалар, тераклар узоқдаги қумлоқларга, ер очиб, экин экаётганларга виқор билан боқарди. Дарё шаҳардан ўтгач, одамлар бунёд этган катта кўлга бориб қуйиларди. Узоқ-узоқларда кўл ярқирар, нариги қирғоғи туман ичида кўзга элас-элас чалинар, устида чағалайлар, оққушлар учиб юрар, онда-сонда елканли қайиқлар кўринарди.

Шаҳар ва унинг атрофи хушманзара. Катта баланд бинолар олдидаги, турли шаклдаги фавворалардан зилол сув отилар, баъзиси чарх уриб айланар, баъзиси тиккадан биллур каби сочилиб тушар, баъзилари буралиб, баъзилари тасмадек ёйилиб, баъзилари булоқ каби қайнаб ётарди. Бу ерлар яқингача бир томчи сувга зор бўлганини Мирмирза билан Эшим билишмасди.

У кечқурун чарчаб, қорни очиб уйга қайтди. Зийрак лақабли катта, шалпангқулоқ ов ити пешвоз чиққанди, Мирмирза уни тепиб юборди. Ит вангиллаб инига кириб кетди.

— Бу қандай дилозорлик?— деди Миролим ака.— Янги жойга ёмон қилиқларингни олиб борма, деганимни унутдингми? Агар сенга шундай муомала қилишса, тоқат қилармидинг? Ўзингдан кичкиналарни қақшатсанг, ёмон ўқисанг... Қилма деган ишни қилсанг, ўз билганингдан қолмасанг. Ахир панд ейсан-ку. Эшим деган ўртоғинг ҳам ўзингга ўхшаган иккичи экан. Бу аҳволда келаси йили синглинг билан бирга ўқийсанми? Уйлаб кўр, ўғлим.

Дадаси гапираётганда Мирмирза гоҳ оёғининг учига,

гоҳ осмонга қараб тураверди. Миролим ака хафа бўлиб бошқа хонага кириб кетди. У дераза ёнига келди. Деразадан бутун шаҳар кўриниб турарди. Миролим ака кўчалар, хиёбонлар, баланд иморатлар тепасига қўндирилган турли чироқлар, ажойиб ёзувларни томоша қиларкан, ўзини эртақлар шаҳрида ўтиргандек ҳис этиб, Мирмирзанинг ташвишларини бир дам унутди.

МИРМИРЗА МИТТИ

Миролим ака бугун ишга анча вақтли борди У машина сигналинини босмасиданоқ катта темир дарвоза ўзидан-ўзи очилди. Қоровул Миролим акани танигани учун салом бериб, машинани ўтказиб юборди.

Завод ҳовлисида тартиб билан қурилган кўркем ойнаванд иморатлар бўлиб, атрофида халат кийган кишилар куйманишарди. Улар гулзорни парвариш қилиб, мрамар йўлақларга сув сепишарди. Бинолар ичида ҳам оқ халат кийган эркек, аёллар баҳайбат машиналарни ишга солишарди. Ҳаммаёқ озода, тутун буқсимас, ерда гард кўринмасди. Завод лабораторияларида кишилар саломатлигига керакли янги, ноёб дорилар тайёрлаш учун тажрибалар ўтказиларди.

Миролим ака бир қаватли, девор ва томлари ойнадан ишланган, катта-катта тувакларга турли ўсимликлардан намуналар экилган лабораториясига кирганда, шогирдлари уни кутиб туришарди. Бугун улар узоқ меҳнатлари натижасида вужудга келган янги дорини синовдан ўтказишлари керак эди. Махсус ажратилган жойда от, ит, қўй, эчки бўйни, оёқлари, белидан пишиқ тасмалар билан боғланган ҳолда қимир этмай турар, бирининг бўйни, бирининг оёғи, бирининг белида муштумдек, косадек шишлар дўппайиб кўринарди. Итнинг ҳеч қаерида шиш бўлмаса ҳам жуда ориқлаб кетганди.

Миролим ака шогирдлари билан бирга тайёрлаган дори мана шу шишларни кичрайтириб, даволашга мўлжалланган. Дори шишларнинг атрофига оз миқдорда юбори-

лиши кѐрак эди. Агар шу тажриба яхши чиқса, одамлар ярамас дарддан халос бўларди.

Кеча бу дорининг ғалати бир хусусияти маълум бўлди. Оз миқдордагисини мураббога аралаштириб, итга ичиришган эди, у бирдан кичрайиб, янги туғилган лайчадек бўлиб қолди. Шундан кейин Миролим ака дорини ойна шкафга қўйиб: «Берухсат тегилмасин», деб ёзилган қоғозни шишага ёпиштирганди.

Бугун Миролим ака шишалардан бирини шкафдан ўзи олди. Отнинг шиши атрофига укол қилиш учун тайёрлана бошлашди. Ёрдамчилар резина қўлқоп кийиб шиш атрофини артишди. Лаборантлардан бири энди ампулани қўлга олиб, уни синдирмоқчи бўлиб турганида, тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Бу ички телефон бўлиб, ҳудабехудага безовта қилишмасди. Ёрдамчилардан бири телефонни олди-ю, шу заҳоти трубкани Миролим акага узатди.

— Сизни сўрашяпти,— деди у.

Унга милициянинг болалар хонасидан телефон қилишаётганди: Мирмирза Эшим билан дарсдан қочибди. Синф бошлиғи Йўлдош қайтармоқчи бўлган экан, уни уриб, бурнини қонатишибди. Кўчада тош отиб, магазиннинг катта ойнасини синдиришибди. Уларни ушлаб милицияга олиб боришган экан, Мирмирза дадасини рўкач қилиб, баланд келибди. Ҳатто, «дадам билса, ишингиз чатоқ бўлади», деб дўқ ҳам урибди.

Бу гапни эшитиб, Миролим аканинг қўлидан трубка тушиб кетди. У юрагини чангаллаб, креслога суяниб қолди. Хонага жимлик чўккани учун столда ётган трубкадан овоз баралла эшитиларди.

— Болани ўз ҳолича қўйиб юборолмаймиз. Онаси ишда экан, телефонга чақиртиролмадик. Агар ўғлингизни ўзингиз олиб кетишга вақтингиз бўлмаса, бир одам қўшиб ишхонангизга юборамиз. Уртоғини онаси олиб кетди,— деди овоз.

Миролим аканинг шу топда ўғлини кўришга тоқати

йўқ эди. Лекин дарвозахонадан телефон қилишгач, ёрдамчилардан бири чиқиб, Мирмирзани бошлаб кирди. Мир-олим ака юрак дорисидан ичиб ўзини бир оз босиб олди-да, ёнидаги стулни суриб ўғлига, ўтир деган ишора қилди.

— Қачонгача менинг номимни рўкач қилиб юрасан?— деди у Мирмирза ўтиргач.— Хўп, ўғил отаси билан фахрланиши мумкин. Лекин ота ҳам ўғил билан фахрлангиси келади. Айт-чи, мен қайси яхшилигинг билан фахрлана оламан? Ўғлим синфда қолган, айтганни қилмайди, ўздан кичкиналарни доим хафа қилади, деб мақтаниб бўладими? Номус-ку бу! Уятга қолдирдинг мени!

Миролим ака пешанасини силаб, кўзларини юмди. Кейин «ух» тортиб ўрнидан турди-да, шогирдлари ёнига борди. Тажриба билан овора бўлиб Мирмирзани унутишди. Лаборант йигит отнинг бўйнидаги шиш атрофига эҳтиётлик билан шприцда дори юборди.

Ҳамма от атрофида ўралашиб турганида Мирмирза ойна шкаф олдига бориб, шишадаги «Берухсат тегилмасин» деган ёзувни ўқиди. У «қилма» деган ишни қилиб, «қил» деган ишни қилмайдиган акс бола бўлгани учун, шишани олиб, қопқоғини очди-да, доридан бармоғига теккизиб, ялаб кўрди. У оғзига ширин уннаб, энди бир қултум ичган эди, лаборантлардан бири «ҳой-ҳой»лаб қолди. Миролим ака югуриб келиб, шишани ўғлининг қўлидан тортиб олди. Лекин энди кеч бўлганди. Мирмирза ранги ўчиб, ҳаммага маъносиз бир-бир қараб чиқди-да, боши айланиб, гандираклаб кетди. Лаборантлардан бири уни кўтариб бориб, диванга ётқизди. Мирмирза тамоман ҳушини йўқотган, лаборантлар кетма-кет укол қилиб, юрагини уқалар, Миролим ака эса, телба одамдек қаққайиб турарди. Ёрдамчилардан бири унинг қўлидан шишани олиб, ўзини аста креслога ўтқазди. Лекин Миролим ака буни ҳам пайқамади. Ҳаяжон ва ғамдан бирпасда сочлари оқариб кетди.

— Бўлди, кичрайинши тўхтади,— деди укол қилаётган лаборант.

Шундан кейин Миролим ака ўзига келиб:

— Тирикми?— деб сўради.

— Юраги уряпти!— жавоб қилди лаборант.

Миролим ака ҳўнграб юборди. Унинг бу қадар изтиробга тушганини ҳеч ким кўрмаганди. Ҳар қандай қийинчиликларга чидаган, таъналарга бардош бериб, бошланган ишини охирига етказиш учун туну кун тинмаган Миролим ака, муваффақиятга эришиш олдида турганда, тўсатдан тушган мусибатга бардош беролмади. У ўғлининг тепасига бориб, юрак уриши, нафас олишини эшитаркан ўқсиб-ўқсиб йиғларди.

Мирмирза эса она сутига тўйган, тўққиз ойлик чақалоқдек пишиллаб ухларди. Унинг омон қолганига ишонган ёрдамчи, лаборантлар Миролим акани ҳоли қолдириб, тажриба ўтказилаётган от ёнига қайтишди.

Анчадан сўнг Мирмирза кўзини очиб, аввал ҳеч нарсага тушунолмаётган аланглади. Ҳали унинг мияси қарахт эди. Аста-секин кўз олди равшанлашиб, тепасида эгилиб ўтирган дадасига диққат билан қаради.

Дадасининг лаблари титраб, кўзларида ёш йилтилларди.

— Дада, нега йиғлаяпсиз?— сўради ётган жойида Мирмирза. Лекин товуши жуда секин, пичирлаётгандек эшитилди. Дадаси жавоб бермагач, томоғини қириб, йўталиб кўрди.

— Дада, дадажон, менга нима бўлди?— такрор сўради овозининг борича бақариб. Лекин ўз овозидан ўзи чўчиб, ён-берига қаради. Ўрнидан ирғиб туриб, дивандан тушмоқчи бўлган эди, пастга қараб, орқага тисарилди. Назарида диван том бўйи баланд эди. Илгари Мирмирзанинг бўйи дадасининг кўкрагидан келарди. Ҳозир ёнида ўтирган дадаси тоғдек кўринди.

Миролим ака маъюслик билан ўғлининг ҳаракатларини кузатар, унга нима дейишини билмас, ҳозир таъна қилишининг ўрни эмас, бўлар иш бўлганди.

Бехосдан диваннинг ён томонида — бурчакда турган катта тошойнага кўзи тушиб Мирмирза қўрқиб кетди:

— Бу ким, дадажон? Мен қаниман?

Миролим аканинг кўзларида яна ёш қалқиди. У ҳўн-граб юбормаслик учун ерга қараб, анчагача жим ўтирди. Мирмирза эса дадасининг оғзини пойларди.

— Мана шу...— деди Миролим ака анчадан сўнг.— Ўзингсан.

У бўлган воқеани бир-бир сўзлаб берди. Ана шундан кейин Мирмирзанинг яна боши айланиб, дадасининг бўй-нидан қучоқлади-ю, кўзларини чирт юмиб олди.

Миролим аканинг энди қўли ишга бормади. Шогирдларига ишни топшириб, Мирмирзани уйига олиб кетди. У қаттиқ ухлаб қолган Мирмирзани бағрига босиб, уйига кирганида Гуласал эндигина мактабдан келиб турганэкан.

— Вуй, дада, бу чақалоқни қаёқдан олдингиз? Менга беринг,— деб ялинди у.

Миролим ака индамай Мирмирзани каравотга ётқизди. Гуласал эса, йиғласа овутаман, деб унинг тепасида туриб олди. Дадаси ҳовлига чиқиб кетганида, худди беланчакни тебратгандай каравот тўрини қимирлата бошлади. Мирмирза кўзини очиб:

— Гуласал?— деди.

Гуласал аланглаб, дераза олдига борди-да, кўрсатгич бармоғини лабларига босиб:

— Ҳозир,— деб шивирлади.

— Гуласал, мени каравотдан тушириб қўй.— деб ялинди Мирмирза.

Гуласал «чақалоқ» гапираётганини билгач, қўрқиб ҳовлига қочиб чиқди.

— Дада, дада...— дерди у гапиролмай.

Ишдан келганда Зебо опа ҳам ўғлини танийолмади. Воқеани эшитгандан кейин:

— Охири қулоқсензигининг жабрига қолибдида, бу?— деди у қаттиқ хафа бўлиб.

Шу куни ҳаммалари уйда мотамсаро бўлиб юришди.

Энди Мирмирза асли ҳолига қайтадимиз, ёки шу аҳволда қоладими, буни Миролим аканинг ўзи ҳам билмасди.

Мирмирзанинг ўзи ҳам ўзбошимчалигига биринчи марта пушаймон бўлди. У ўртоқларига қилган қўполлиги, кимларни хафа қилганини, Эшимдан бошқа ҳамма энди қасос олишини ўйлади. Ҳатто, Гуласалдан ҳам эҳтиёт бўлиб юриш керак, бўлмаса пайт пойлаб, албатта дўппослайди, деб ўйлаб, юраги увушди. Ойиси ҳовлига чиқаётганида эргашиб, унинг этагидан ушлади. Зинадан энди пастга тушишганида Зийрак югуриб келиб Мирмирзани искади. У бўлса қўрққанидан чинқириб юборди.

Зебо опа ўғлини даст кўтариб бағрига босди-да, уни юпата бошлади.

— Қўрқма, ўзингни итинг-ку.

— Йўқ, у энди қасдини олади,— деди Мирмирза ойисининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб.

Ўғлининг чинқириғини эшитган Миролим ака ичкаридан югуриб чиққач, воқеага тушуниб:

— Зийрак ит бўлса ҳам ақли бор, кек сақламайди,— деди.

Зийрак эса нима бўлганига тушунгандек ерга ётиб, Мирмирзадан кўзини олиб қочди. Унинг аввалги қувноқлигидан асар қолмаганди.

— Зийрак, тур ўрнингдан, Мирмирза билан яраш,— деди Миролим ака.

Зийрак ўрнидан туриб, олдинги ўнг оёғини чўзди. Шундан кейин у Мирмирзани устига миндириб, ҳовлини айлантирди.

Шу кунни Зийрак ҳам, Гуласал ҳам Мирмирзага ўзича меҳрибонлик қилишди. Гуласал акасидан яшириб юрган нарсаларини берди. Зийрак Мирмирзанинг елкасига оёқларини қўйиб юзидан ялади. Уларнинг чинакам меҳрибончилигидан Мирмирза уялиб, кўзларини яширди.

ТАНИШУВ

Мирмирза уч кун мактабга бормади. Қадрдон дўсти Эшимдан эса, дарак бўлмади. Учинчи куни синфдоши Йўлдош сўраб келган эди, Зебо опа «Уғлим касал», деди. Мирмирзани шу аҳволда унга кўрсатгиси келмади.

Кечқурун Зебо опа Мирмирзанинг ўқишга бориш-бормаслиги тўғрисида Миролим ака билан маслаҳатлашди.

— Бўлар иш бўлди. Мактабга боравергани маъқул,— деди Миролим ака.

— Бу аҳволда қандай ўқийди? Болалар калака қилиб ҳол-жонига қўймайди,— деди Зебо опа.

Улар маслаҳатлашаётганида Мирмирза кичкиналигидаги кийимларини кийиб, жажжи стол ёнидаги стулчада узум шарбатидан ҳўплаб, гапга қулоқ солиб ўтирарди. Бу стол-стулчаларни унга бир ярим яшарлигида ясатиб беришганди. Ҳозир шу стулчада ҳам оёғи аранг ерга тегарди. Ота-онасининг баҳсини эшитиб, хаёл суриб кетди.

Миролим ака чуқур хўрсиниб, гапида давом этди:

— Агар бу йил мактабдан қолса, келаси йили синглиси билан бирга ўқийдими?

— Яхшиси, уйга ўқитувчи чақира қолайлик,— деди Зебо опа.

— Бу йилча уйда тайёргарлик қилиб турсин, келаси йил бир гап бўлар.

— Йўқ,— деди Миролим ака,— ўртоқларидан ажралмагани маъқул. Агар ҳозир болаларга қўшилиб олмаса, кейин яккамохов бўлиб қолади деб қўрқаман. Менга бунақа бола керак эмас. Синфида яхши болалар кўп. Улар Мирмирзанинг бошига тушган кулфатга, албатта ачинади. Йиқилганни тепишмайди, ёрдам қилишади.

Мирмирза ким масхара қилиши, ким ачиниши, ким ёрдам қилишини ўйлар экан, мулойим, доим тиржайиб турадиган Эшимнинг қиёфаси кўз олдидан кетмади. Лекин ёлғиз ўзи ҳеч нарса қилолмайди. «Йўқ, бормайман» дейишга унинг тили бормади. Дадасига шунча азоб берга-

ни ҳам етар. Унинг сочларини оқартирган Мирмирзанинг ўзи эмасми? Бўлганча бўлар, энди сира уни хафа қилмайди...

Эртасига Мирмирзани магазинга етаклаб чиқишди. Унинг воқеасини эшитган таниш-билишлардан иккитаси Миролим акадан кўнгили сўраб ўтди. Кўп одам билибди-да, деб ўйлади Миролим ака.

Кенг йўлкадан кетишаётганида оппоқ соқолли, баланд бўйли чол уларнинг ёнидан ўтди-да, орқасига ғалати қараб қўйди. Миролим аканинг кўзи у чолнинг кўзи билан бир дам тўқнашди-ю, юраги шиғиллаб кетди. Бу чол кимдир эслатарди.

Магазинга киришганида яна ўша чол пайдо бўлди. У зимдан Мирмирзани кузатарди. Миролим ака қараши билан тескари бурилиб, буюмларга чалғиган бўларди. Пальто, костюмлар осилган қатор орасига ўтиб, яна кузатарди.

— Аनावи чол жуда ғалати қараяпти-я, қаеридир танишга ўхшайди.— деди Миролим ака хотинига.

— Ўзи қараётгандир-да, шунга ҳам ташвишми?— юпатди Зебо опа.

Улар гўдаклар кийими бўлимига ўтиб, Мирмирзани қўғирчоқдек ясантиришди. Кийим-бош топилди-ю, лекин китоб-дафтарларнинг миттиси йўқ эди-да. Шунинг учун ҳар куни папкасини мактабга Гуласал билан Зийрак олиб бориб, олиб келадиган бўлди.

Шу куни Миролим ака ишдан эрта қайтиб мактабдагилар билан гаплашиб, ўқитувчисига тайинлаб келди.

Бешинчи куни эрталаб Мирмирзани отлантириб кўчага чиқишганда, ҳаво очиқ, чўл томондан илиқ баҳор шамоли эсар, дарахтларнинг барги беш тийинлик чақадек бўлиб қолган, кўкатларнинг ҳиди анқиб турарди. Таниш-билишлар бир-бирини баҳор билан қутларди.

Миролим ака Мирмирзани етаклаб олган, кетида Зийрак унинг папкаси бандидан тишлаб, Гуласал билан ёнма-ён борарди. Баъзилар Миролим аканинг сочлари тўсатдан оқариб қолгани учун танимай ўтиб кетар, баъзи-

лари эса, «Неварачани ўйнатгани олиб чиқибсиз-да» дерди. Гуласал эса, одамларнинг акасига парво қилмаётганини кўриб, анча хотиржам бўлди.

Мактаб дарвозасидан киришганда ҳам ҳеч ким Мирмирзага аҳамият бермади. Мактабга кичкинтойларни етаклаб келадиганлар камми? Болаларнинг Мирмирза билан иши йўқ. Зийракни томоша қилишар, баъзилари уни ушламоқчи бўлар, лекин Зийрак ҳаддидан ошаётганларга ёмон қараш қилиб, йўлида давом этарди.

Қўнғироқ чалинганда иккинчи синф ўқувчилари олдинги қаторда турган кичкина стол-стулчани кўриб, ҳайрон бўлишди. Ҳамма жой-жойига ўтиргач, ўқитувчи жажжи болани етаклаб кирди. Буни кўрган болалар салом беришни ҳам унутиб ағрайиб қолишди.

Мирмирза столчага ўтириб, катта папкадан дафтар-қаламни олганида болалар ўринларидан туриб кетишди. Кичкина боланинг ўқув қуролларини танлаб олаётгани ҳаммани ажаблантирарди.

— Утиринглар, болалар!— буюрди Насиба опа. У ўқувчиларнинг фикрини чалғитмаслик учун дарс вақтида Мирмирза учраган бахтсизлик ҳақида гапиргиси келмади.

Болалар унинг гапини эшитмай чувурлашар, бири: «Бу — Насиба опамнинг кенжа ўғли», деса, иккинчиси: «У адашиб қолган, то ота-онаси топилгунча овутиб тураминз», дерди.

Ўқувчиларнинг чувури тинмагач, Насиба опа қўлини кўтарди:

— Жим, бошқа синфдагиларга халақит берасизлар!

— Бу бола ким ўзи?— қичқириб сўради Эшим ўрнидан туриб.— Юзи Мирмирзага ўхшайди, лекин унинг укаси йўқ эди-ку?!

Мирмирза ўтирган жойидан ўртоғига қиялаб қаради. «Эшим, мени танимаяпсанми?» дегиси келди-ю, лекин болаларнинг чувурида овози эшитилмаслиги эсига тушиб индамай кўя қолди. Дарс бошланганда орқа партада ўтирган Эшимнинг олдига бориш эса, ноқулай эди.

— И-и, анавининг ёзишини! Ростакаси ёзяпти!— деди олдинги партада ўтирган қиз.

Насиба опа болаларни тинчитиш учун қўнғироқ чалинишидан анча олдин дарсни тўхтатиб, Мирмирза билан бўлган воқеани сўзлади. Шўхлик, катталарнинг гапига кирмаслик қандай оқибатларга олиб келишини мисоллар билан айтиб берди.

— Мана шу бола Мирмирза бўлади. Энди уни эҳтиёт қилинглар, ўқишига ёрдам беринглар,— деди сўзининг охирида.

Қўнғироқ чалинганда Насиба опа Эшимга:

— Сен Мирмирза билан қадрдон эдинг, қараб тур, биров хафа қилмасин.— деб тайинлади.

Насиба опа синфдан чиқиши билан болалар худди антиқа нарсани томоша қилаётгандек Мирмирзани қуршаб олишди, гоҳ уни ушлаб кўришар, гоҳ гапга солишарди. Мирмирза эса синфдошларидан чўчиб, жовдирарди. Уларнинг орасида Эшимни кўриб, унинг ёнига борди. Лекин Эшим меҳрибонлик қилиш ўрнига негадир хўмрайиб қараб турарди.

Шу пайт синфга Гуласал югуриб кирди.

— Ҳой, акам қанилар?— сўради у. Кейин Мирмирзанинг ёнига ўтиб:— Акам сизларга томоша бўлдимиз?— деди аччиғи қистаб.

— Мана акамг, уни биров еб қўядимиз?— деди кимдир.

— Гуласал, мен булардан кўрқяпман,— деди Мирмирза партага чиқиб, синглисининг қулоғига.

Яқинда турган Йўлдош унинг гапини эшитиб қолди.

— Вой жинниво-ей, нега кўрқасан?— деди у.

— Урасанлар,— деди Мирмирза.

— Кўрқма, биз сенга ёмонлик қилмаймиз,— уни юпати ди Йўлдош.

— Қасд олмайсизларми?

— Октябрятлар қасд олмайди, ўртоғига ёрдам беради. Биз сенга ёрдам берамиз, тўғрими болалар?— деди Йўлдош.

Ҳамма Йўлдошнинг гапини қувватлади-ю, фақат Эшим тескари қаради. Ундан кўзини узмай турган Мирмирза ҳайрон бўлди.

Мактабда бир ҳафта ғала-ғовур бўлиб, охири кўни-кишди. Энди Мирмирзага ҳеч ким эътибор бермас, ҳар ким ўз иши, ўқиши билан машғул эди. Ҳатто, Гуласал ҳам Мирмирзаларнинг синфига кам кирадиган бўлди. Фақат дарс тугаганда келиб, акасининг папкасини кўтариб олар, эшикда эса, Зийрак пойлаб турган бўларди.

Баҳорнинг илиқ ёқимли кунлари. Танаффусга кўнги-роқ чалиниши билан болалар мактаб ҳовлисига югуришар, қувлашмачоқ ўйнашар, копток тепишар, спорт майдончасида чопиб сакрашарди. Синфларда фақат навбатчи ўқувчиларгина қолишарди.

Шундай кунларнинг бирида Эшим навбатчиликда қолди. Мирмирза ҳаммадан кейин, шошмасдан чиқаётган эди, Эшим унинг йўлини тўсди.

— Энди қўлга тушдингми?— деди дағдаға қилиб.

Мирмирза ҳайрон бўлиб, унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Ҳазиллашяпсанми, Эшим?

— Илгари ҳазиллашардим, энди пачоқ қиламан.

— Нега энди? Сенга ёмонлик қилмаган эдим-ку?!

— Сенга доим ялиниб кун кўрардим. Қанча конфет, ўйинчоқ берганман. Энди ўшаларни тўлайсан.

— Ўзинг берардинг-ку?!

— Қўрққанимдан берардим. Энди қасдимни оламан.

— Ҳазилингни қўй, оғайни,— деди Мирмирза унга.—

Мен фақат сени чинакам ўртоқ деб билардим.

— Йўқ, энди сенга ўртоқ эмасман,— деди Эшим қўлларини мушт қилиб.— Сени деб дадамдан калтак едим. Эсингдами, милиция ушлагани? Ана ўша куни сўзингга кириб...

— Сени мажбур қилдимми?

— Урасан деб қўрқардим. Энди қасдимни оламан.

Ишонган ўртоғининг бу қилиғидан Мирмирза ўзини йўқотиб қўйди. У атрофга аланглаб, яқинида ёрдам бера-

диган одам йўқлигини тушунди. Жон ҳолатда партага, ундан дераза тоқчасига ўтиб олди.

— Яқинлашма, ҳозир ҳовлига сакрайман,— деди Мирмирза бақариб.

Эшим биров эшитмадими, деб эшик томонга аланглади. Кейин:

— Қани сакра, пачағинг чиққанини бир кўрай,— деди.

— Дадам, «қўрқоқ ялинчоқ бўлади, ялинчоқ ўртоқ бўлмайди. У камчилигингни юзингга айтолмайди. Сени йўлдан чиқаради», дер эдилар. Сен қўрқоққина эмас, пасткаш ҳам экансан,— деди Мирмирза жаҳли чиқиб.

Эшим парталар устидан юриб, яқинлашаётганида, Мирмирза ҳовлида турган Зийракни кўриб қолди.

— Зийрак!— деб чақирди у севинганидан. Зийрак икки метрча баланд деразадан сакраб, Мирмирзанинг олдига келди. Эшим бўлса, қўрқиб, партадан йиқилиб тушди.

Шу орада дарсга қўнғироқ чалинди. Зийрак қайтиб ҳовлига тушиб кетди. Эшим эса лат еган елкасини силаб ўрнидан турар экан:

— Ҳали сен, шошмай тур, бари бир қасдимни оламан,— деб дўқ урди.

ГУЛЧИ ЧОЛ

Дам олиш куни мактабда ҳашар эълон қилишди. Юқори синф ўқувчилари уйдан бел, кетмон, баъзилари гул кўтариб, қуйи синф ўқувчилари эса теша, гул уруғ олиб келишди. Мирмирза билан Гуласал мактабга лола, карнай гулларнинг пиёзларини ҳадя қилмоқчи бўлишди. Зебо опа гулларнинг пиёзларини иккита халтачага солиб, Зийракка ортиб қўйди.

Мактабга яқин қолганида Мирмирза Зийракка минди. Гуласал эса, акасини эҳтиётлаб, қўлидан ушлаб борди. Мактаб дарвозасидан киришганда ҳамма уларга қизиқиб қаради. Баланд бўйли, оппоқ соқолли тетик қария қўли-

даги кетмонни қўйиб, Мирмирзага яқинлашган эди. Зийрак унга тишларини иржайтирди.

— Вой, тентаг-ей!— деди қария.— Мени Берди бобонгни танимадингми?

— Зийрак, жим!— буюрди Мирмирза итнинг устидан сирғалиб туриб.

— Баракалла, азамат! Сен ҳам ҳашарга келдингми?— сўради Берди бобо чўнқайиб ўтираркан, Мирмирзани эркалатиб юзини силаб қўйди, кейин конфет узатди.

Берди бобонинг бундай муомаласи Мирмирзага ёқмади.

— Мен кичкина бола эмасман,— деди у орқага чекиниб.

— Шунақами?— Берди бобо кулди. Унинг соқол-мўйловлари оппоқ бўлгани билан тишлари бутун, юзида ажин кам, қўллари бақувват эди. У икки кун аввал мактабга гулчи-боғбон бўлиб ишга келганди. Шунинг учун уни кўпчилик танимас, Мирмирза эса кеча магазинда шу чолни кўрганини унутганди.

— Манави,— Мирмирза Гуласални кўрсатди,— менинг синглим!— У бу билан ўзининг катталигини исботламоқчи бўлди.

— Йўғ-е...— ажабланди Берди бобо,— кимнинг ўглисан?

— Миролим акани.

— Миролим ака-а...— эсламоқчи бўлгандек кўзларини юмди Берди бобо.— Йўқ, таний олмадим.

— Менинг дадамни-я?!— Мирмирза яна мақтангани эси туриб қизарди.

— Майли, азамат йигит, таништириб қўярсан,— Берди бобо Гуласал узатган гулпиёзларни олди-да.— Баракалла,— деди уни мақтаб. Кейин Мирмирза билан Гулазални гул экиладиган жойга бошлаб борди.

Шу кундан Берди бобо Мирмирзага меҳрибон бўлиб қолди. Эрталаб уни қарши олар, ўқишларини суриштирган бўлар, мақтаб қўярди. Мактабда биринчи очилган

атиргулни Берди бобо Мирмирзага атаб олиб қўйди. Дарс тугаганда ўша гулни узиб, ҳамманинг олдида Мирмирзага тутқазаркан:

— Бу сенинг биринчи олган беш баҳонинг учун,— деди ва Мирмирзанинг юзларидан ўпиб, елкасига қоқди.— Баракалло, аълочилар қаторига ўтганинг қуллуқ бўлсин!

Берди бобонинг Мирмирзага қилаётган меҳрибончилиги ҳеч кимни ажаблантирмади.

Аста-секин Берди бобога Гуласал ҳам, Зийрак ҳам кўникишди. Мирмирза Берди бобонинг олдида бўлса, Гуласал дугоналари билан хотиржам ўйнар, ёки дарсида хаёли бўлинмасди. Зийрак ҳам бир чеккада бемалол ётарди.

Уйда ҳам Берди бобо ҳақида кўп гапиршар, ширинсўз чолни мақташарди.

Болаларга меҳрибончилик қилаётган чолнинг таърифини эшитиб, Миролим ака уни кўргани келганида мактаб ҳовлиси жимжит, фақат синфлардан гоҳ ўқитувчиларнинг, гоҳ болаларнинг товуши эшитилиб қоларди.

Берди бобо эса, қийғос очилган атиргуллар орасида юрарди. У дарвозадан кириб келаётган Миролим акани кўрди-ю, баланд буталар ортига чўнқайиб, ўзини папа қилди. Миролим ака уни пайқамай ўтиб кетди.

Мактаб директори идорада нимадир ёзиб ўтирарди. Миролим акани кўриб ҳам севинди, ҳам ажабланди. Чунки бундай атоқли олимнинг мактабга келиши фахрли эди-да. Директор Миролим аканинг илтимосига кўра Берди бобони қидиртирди. Лекин уни топишолмади.

— Аттанг,— деди Миролим ака,— бугун бўшроқ эдим, бу қарияга бир миннатдорчилигимни билдириб қўймоқчи эдим.

— Майли, ўзларини уйингизга юбора қоламиз,— деди директор.

— Йўқ, йўқ, кекса одамга оғир ботиши мумкин. Яна ўзим вақт топиб келарман. Ўзлари қаерлик экан?

— Шаҳримизнинг таърифини эшитиб, узоқ қишлоқдан келибдилар. Бола-чақаларни йўқ экан,— деди директор.

«Унинг болажонлиги ҳам шундан бўлса керак», деб ўйлади Миролим ака. У мактабдан чиқаркан, гулзорни ҳавас билан томоша қилди. Ер шарига ўхшатиб безатилган марза олдида узоқ туриб қолди.

У дарвоза томонга битта-битта юриб бораркан, Берди бобо кўришиб қолмасмикан, деб алангларди.

Миролим ака кетганидан анча кейин майда-чуйда сақланадиган омбордан Берди бобо чиқиб келди. У бировдан ҳадиксираётгандек атрофга эҳтиёткорлик билан қаради. Қўнғироқ чалиниб, катта-кичик ҳовлига чиққанида яна гулзорга кирди.

Берди бобо чиройли гуллардан гулдаста ясаб Мирмирзани пойлаб турди.

— Манавиларни, ўғлим, уйда гулдонга солиб қўйсангиз, уйнинг ҳавосини яхшилайти, яхши дарс тайёрлайсиз,— деди у гулларни Мирмирзага узатиб.

— Вуй, қандай кўтараман?

— Гуласалхон, сиз кўтариб ола қолинг,— деди Берди бобо.

Шу пайт Эшим папкасини қўлтиқлаб бир четда кутиб турарди. У ҳар куни Мирмирзанинг холи қолишини пойларди. Ҳозир Гуласалнинг гуллар билан овора бўлиб тургани, яқинда синфдошларининг йўқлиги, Зийракнинг узоқда юрганидан фойдаланиб, Мирмирзани муштлаб қочмоқчи бўлди. Мирмирза унинг мақсадини пайқаб, Берди бобонинг ёнига ўтди.

— Нима гап?— сўради Берди бобо Эшимнинг бесаранжомлиги, Мирмирзанинг қисилиб турганини кўриб.

— Анави кетимга тушиб юрибди,— деди Мирмирза.

Берди бобо Эшимни жеркиди.

— Бари бир қўлга тушасан,— деди Эшим нарироқ бориб. Берди бобо Мирмирзани кузатиб қўйди-да, Эшимнинг йўлини тўсди.

— Ҳой, болакай, бери кел, гапим бор,— деди у.

Эшим бобонинг юзида сирли жилмайишни кўриб, дадил тортган бўлса ҳам, унинг олдига боришга ботинолмади.

— Келавер, нега тортинасан?

— Урмайсизми?

— Урадиган гуноҳ қилганинг йўқ-ку.

Эшим Берди бобога аста яқинлашаркан, эҳтиётдан орақасига қараб қўйди.

Берди бобо гулзор ўртасидаги скамейкага бориб ўтирди. Эшимга ҳам ёнидан жой кўрсатди.

— Хўш, Мирмирза сенга нима ёмонлик қилганди?— деб сўради Берди бобо Эшимнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Мен ундан қўрқардим.

— Шу муштдек боладан-а?— ўсмоқчилади Берди бобо.

— Илгари у мендан баланд эди.

— Йўғе-е!

— Ростдан. Дадаси ясаган дорини ичиб, кичкина бўлиб қолган.

Берди бобонинг бундан хабари бўлса ҳам жўртага ўзини гўликка солиб кулди.

— Қизиқ экансиз-а? Нимаси кулгили?— деди Эшим хафа бўлиб.

Берди бобо шу пайт суҳбатдошини унутгандек хаёл суриб кетди. Эшим бўлса секингина ўрнидан турди.

— Менга қара,— деди Берди бобо уни тўхтатиб.— Сен билан кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Унгача Мирмирзани хафа қилмай тур!

— Кейин нима бўлади?

— Кейин ўзим айтаман, хурсанд бўласан!

Эшим бобонинг мақсадига тушунмаса ҳам унинг кўз қисиб, кулиб қўйишида бир сир борлигини сизди.

ШУБҲА

Мирмирзага дунёда Берди бободан меҳрибон, ширинсўз одам йўқ эди. Айниқса, янги ҳайвонот боғига олиб бораман деганида, ўзида йўқ севинди. Мирмирза кечқурун, ойиси билан дадаси ишдан келганида Берди бобонинг номидан рухсат сўради.

— Намунча ғамхўр экан бу чол!— деди Зебо опа.

Ҳаммага ҳам шунақа қарайдими?— сўради Миролим ака ўғлидан.

— Уғлингизни яхши кўриб қолгандир-да!— деди Мир-олим акага Зебо опа.— Мирмирзани хурсанд қилса ёмонми?

— Нега энди биргина Мирмирзани хурсанд қилар экан?! Бунинг бошқалардан ортиқча жойи борми? Майли, аввал Берди бобонинг ўзи билан бир гаплашай. Эртага меҳмон-га айтиб келсин.

Берди бобо икки кундан кейин меҳмон бўлиб келди. Ушанда ҳам қоронғилатиб келди. У бошини рўмол билан танғиб олган, томоғи боғлиқ эди.

— Уэр, кеча келолмадим, тўсатдан тобим айниб қол-ди. Қаричилик-да,— деди у хириллаган товушда.

Миролим ака меҳмон билан суҳбатлашиб ўтираркан, савол берар, Берди бобо эса кам гапиришга уриниб «ҳа» ёки «йўқ» деб қисқа жавоб қилар, суҳбатдошига кўзлари-ни ярим юмиб қарар, ўзини гўлликка соларди. У иштаҳаси йўқлигини баҳона қилиб кам овқат ерди, Миролим ака бирор қизиқ гап айтса, негандир оғзини беркитиб куларди.

Ҳаммалари овқатланаётганида Мирмирза Берди бобога яқинроқ ўтирмоқчи бўлган эди, у:

— Мен тузалгунимча ўртоқчиликдан чиқиб турамиз,— деди ҳазил қилиб.

— Ҳайвонот боғига қачон борамиз?— сўради Гуласал.

— Борамиз, албатта, борамиз...— дудмал жавоб қилди Берди бобо.

У дам олишни баҳона қилиб, ўрнидан турди. Қадди бир оз эгик, ора-чора ишқиллаб қўярди. Эшик олдида қўл бер-май хайрлашиб, битта-битта юриб кетди.

— Бечора,— деди Зебо опа.— Ўзи зўрға юрибди-ю, ле-кин кўзи қиймаганидан келибди.

Миролим ака индамади. Ўз хонасига кириб узоқ ўтир-ди. Берди бобо уйда шубҳа қўзғаб кетганди. Унинг бурни,

баъзи ҳаракатлари Холтой ўртоғини яна эсига солди: «Қизиқ» деди ўзига-ўзи.

Миролим ака Холтой исмли йигит билан институтда та-нишганди, иккаласи бир факультетда ўқишганди. Холтой-нинг ўқишга хафсаласи йўқ, дарс тайёрламас, лекциялар-ни ёзиб бормасди. У баъзиларни туртиб, баъзиларнинг қў-лини қисиб, зўравонлик ҳам қилиб қўярди.

«Кучингни ўқишга ишлатсанг-чи!» дейишарди ўртоқла-ри. Шунда Холтой: сенлар аввал мулла бўла қолларинг, деб жавоб қилар, лекин имтиҳон пайтида бирининг лекция дафтарини ўғирлаб, биридан кўчириб оларди. Шу тариқа амаллаб курсдан-курсга ўтиб юрарди.

Унинг билими саёз бўлгани учун институт стипендия бермасди. Кўпинча у пул сўраб уйига хат ёзар, баҳор ва куз пайтларида гулчиларга қарашиб, топган пулни ҳам ҳа-ралла-таралла билан тезда йўқ қиларди.

«Нега бундай қиласан, вақтингни бекор ўтказганингни ачинсанг-чи!» дерди кўпинча унга Миролим ака.

Холтой эса, ишшайиб қўя қолар ва:— Ешлигингда ўй-наб қол,— дерди мақтаниб.

Ундан кишиларга наф тегмаслигини ҳамма биларди. Ҳатто бирор студент дарсдан оқсаса, «Холтойга ўхшама!» деб таъна қилишарди.

Ишёқмас, ўйинқароқ Холтой институтни битириб, Мир-олим ака билан бир лабораторияга ишга кирди. У ерда ҳам узоқ туролмади. Миролим ака янги бир модда кашф этиб, олим сифатида танилди. Холтой Миролим акага: «Мени қўлламасанг хафа қиламан», деб дўқ урди. «Ўзинг ҳеч нарсани билмасанг, сени қачонгача сургаб юраман. Вақтимни бекор кетказасан. Мен ҳали кўп иш қилишим, одамларга катта фойда етказишим керак», деб жавоб қил-ди Миролим ака.

Шундан кейин Холтой Миролим аканинг пайнга тушиб юрди-ю, лекин ким биландир уришиб, қамалиб қолди.

— Сизга нима бўлди?— деди Зебо опа Миролим ака-нинг хаёл суриб ўтирганини кўриб.

— Берди бобонинг Мирмирзага пашшахўрда бўлиб қолганига ҳайрон бўляпман.

— Бу қария ёмон одамга ўхшамайди-ку!— деди Зебо опа.

— Зора яхши одам бўлса. Бу одамнинг нимасидир менга Холтойни эслатди. Кўз олдидан у сира кетмай қолди. Бу одамнинг Мирмирзага хушоматида бир гап йўқми-кан?!— деди Миролим ака ўзига-ўзи гапиргандек секин.

— Бўлди, дамингизни олсангиз эртага Холтой эсингиздан чиқади,— деб эрини юпатди Зебо опа.

Уларнинг гапидан беҳабар Мирмирза Гуласал билан хонада дарс тайёрлаб ўтирарди. Буни кўриб Миролим аканинг кайфияти кўтарилди. Ўғлининг берилиб дарс тайёрлаётганидан у хурсанд эди. У авваллари, Мирмирза ҳам Холтойга ўхшаб ишەқмас бўлиб қолмаса эди, деган хавотирда эди.

Миролим ака Холтой тўғрисидаги ўйларини эсдан чиқариш учун телевизор кўрди, кечқурунги газеталарни ўқиди, лекин «Берди бобо ким ўзи?» деган савол миясидан кетмади.

БЕКИНМАЧОҚ

Май ойининг бошларида иккинчи синф ўқувчилари сайрга чиқадиган, Мирмирзани Берди бобо кузатиб борадиган бўлди. Бунгача улар ҳайвонот боғида, циркда бўлишган, Миролим ака Берди бобога кўникиб, ўғлининг у билан сайрга чиқишига розилик берганди.

Аввал дарё ёқалаб кўл томонга юришди, сўнг чўлга бурилишди. Қумнинг йўлини тўсиш учун экилган қатор дарахтлар узоқдан қорамтир-кўк тусда товланар, ортидан баланд қизғиш барханлар шу баҳорда пайдо бўлган яшил водийга ҳасад билан боқаётгандек қаққайиб турарди.

Сўқмоқ йўл анча баландлаб борарди. Болалар қадимий

чўлдан мерос қолган буталар олдида тўхташди. Илгари, сувсизликдан миждов бўлиб, ғуж ўсган буталар, энди қанот пайдо қилгандек шохлай бошлаганди. Бу ер жуда баҳаво, дарё ва кўл кафтдек кўриниб турарди.

Болалар завқланиб кулишар, ҳазиллашишар, бир-бирини қувлашишарди. Нонуштадан сўнг бекинмачоқ ўйнашди. Мирмирза ҳам четда қолмади. Болалар дўнглик, буталар ортига яшириниб, бир-бирини қувлашиб югуришганда ҳаммаёқни шовқин, қийқириқ, кулги тутганди. Ўйинга Мирмирза аралашиси билан, боятдан бери бир четда турган Эшим унинг кетидан соядек эргашди.

Буталар ғуж ўсган ерда бир одам зўрға сиғадиган оралиқ бор эди. У ерга яшириниш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Чунки буталар сертикан бўлиб, қўйлакни йиртиши, баданга санчилиши мумкин эди. Бекиниш навбати келганида Мирмирза ўша буталар орасига эмаклаб кириб кетди. Бундан Берди бобо беҳабар қолди. Унинг кетидан зўрға суқилиб Эшим кирди. Бутазор ўртасида уч-тўртта одам бемалол тура оладиган очиқ жой бўлиб, унинг бир четида чуқур бор эди. Болалар бир-бирини қувлашиб шовқин солаётган пайтда Эшим Мирмирзанинг олдига келди.

— Энди сен билан бемалол гаплашамиз,— деди Эшим.— Кўрдингми, сени деб кўйлагим йиртилди, қўлим тирналди.

— Сенга кетимдан юр, дедимми?

— Гап қайтарма!— Эшим Мирмирзанинг пешанасига чертди.

— Берди бобо!— бақирди Мирмирза.

— Эшим унинг оғзини кафти билан маҳкам беркитди.

— Қалайсан? Бировларни урганингда ҳам шунақа додлармидинг? Сени кўрсам зириллаб турардим, шунда раҳминг келармиди?

— Энди ундай қилмайман,— деди Мирмирза ғўлдираб.

— Энди кучинг етмайди-да.

— Кучим етса ҳам бировларга озор бермайман.

— Бари бир мен ёмон кўраман,— деди Эшим.

Мирмирза типирчилаб қаршлик кўрсатган эди, Эшим уни чуқурга итариб юборди-да, ҳеч нарса кўрмагандек буталар орасидан чиқди.

Чуқур бир метрдан ошиқроқ бўлса ҳам, таги қумлиги учун Мирмирза қаттиқ тушмади-ю, лекин у ердан чиқа олмади. Болаларнинг шовқин-суронида бақиргани эшитилмади. Мирмирза қаттиқ қўрқди. Агар ҳамма кетиб қолса, Берди бобо ҳам қидириб тополмаса, чуқурда қолиб кетиши аниқ. Борди-ю, бу бир йиртқич ҳайвоннинг ини бўлса, ҳоли нима кечади? У кетма-кет бақиравериш овози хиппа бўғилиб қолгач, ожизлигига хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Ўзидан кичкиналарга, кучсизларга зўрлик эмас, ёрдам қилиш кераклигини энди тушунди. Чуқурга йиқилганига атиги бир неча минут бўлди-ю, лекин Мирмирза ўзини бу ерда бир йил қолиб кетгандек ҳис қилди. Шу орада болаларнинг қичқириви эшитилди. Улар Мирмирзани қидиришарди. Берди бобо эса аюҳаннос солиб бақирарди. Ҳамма бараварига чақириб, қулоқ солди. Узоқ-узоқлардан «Мирмирза-а-а...» деган акс-садо келарди. Товуш тингач:

— Бу ердан!— деб овозининг борича, лекин хириллаб жавоб қилди Мирмирза.

Буталарнинг шатир-шутури, шохларнинг сингани эшитилди. Бу Берди бобо эди. У зум ўтмай чуқур устида пайдо бўлди. Қўл чўзиб Мирмирзани тортиб олди-да, телбалардек уни бағрига босиб, очиқ жойга олиб чиқди-ю, ҳушидан кетди. Уни елпиб, сув сепиб зўрға ҳушига келтиришди. Берди бобонинг кўйлаги йиртилган, ҳаммаёғи тимдаланган эди, лекин у оғриқни ҳам сезмай яна Мирмирзани қучоқлади.

— Бахтимга омон экансан, болам,— деди у йиғлаб.

Болалар сайрдан таъбилари хира бўлиб қайтишди. Берди бобо Мирмирзани уйига ўқитувчи билан юбориб, ўзи ҳужрасига қайтди.

Берди бобо йиртилган кўйлагини энди алмаштирмақчи бўлаётганида эшик олдида тиржайиб турган Эшимга кўзи тушди.



— Нима қилиб қўйдинг, нодон бола?!— деди Берди бобо. Унинг овозидан жаҳл эмас, ўпкалаш сезиларди. Шунинг учун Эшим жавоб ўрнига яна ишшайди.— Мендан бехушсат Мирмирзага тегма, деган эдим-ку.

— У туфайли дадамдан тарсаки еганимни сира унутолмаяпман,— деди Эшим.

Берди бобо чўнтагидан танга чиқариб Эшимга узатди.

— Мана, морожний олиб, жаҳлингни босиб тур, кейин керак бўлади,— деди у жиддий.

Эртасига Берди бобо Мирмирзани дарвоза олдида кутиб олмади. Мирмирза уни йўқлаб кирганида Берди бобо ўринда инқиллаб ётарди. У Мирмирзани кўриб жилмайди-да, бошини силади.

— Нима қилди сизга, бобо?— меҳрибончилик билан сўради Мирмирза.

— Кеча сен йўқолганигда жуда қўрқиб кетган эканман, болагинам. Энди тузалиб қолдим,— деди у.

Кечга яқин Мирмирза ойисини бошлаб келди.

— Уғлимиз учун шунча азоб чекибсиз, раҳмат, яхшилигингизни унутмаймиз,— миннатдорчилик билдирди Зебо опа. У Берди бобога иссиқ овқат ва майда-чуйдалар олиб келганди. Шу кундан бошлаб Берди бобонинг обрўси Мирмирзалар оиласида яна ҳам ошди.

Уч кундан сўнг Берди бобо гулзорда пайдо бўлди. Унинг соғайиб кетганига ҳамма севинди. Айниқса Мирмирза хурсанд эди. У жўяклар орасидан Берди бобонинг олдига борди-да:

— Ваҳ!— деди тўсатдан.

Берди бобо чўчиган бўлиб, кўкрагига туфлади-да:

— Қаердасан?— деди.

— Бу ердаман.

— Оббо-о сен-ей,— деди Берди бобо қизил атиргул тагида биқиниб турган Мирмирзани кўриб. Унинг қўлига бир дона тилла ранг атиргул тутқазди-да:— Дарсинг тугагач ҳужрамга бор,— деди.

Мирмирза хужрага кирганида Берди бобо бошини ушлаб, хаёл суриб ўтирарди.

— Бошингиз оғрияптими, бобо?— ташвишланиб сўради Мирмирза.

— Ҳа, ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

— Қанақа ўй?

— Сенинг ташвишинг, болажоним,— деди Берди бобо хўрсиниб.— Асли ҳолингга қайтганингни кўрсам эди.

Мирмирза ғамгин тортиб Берди бобонинг ёнига ўтирди. У ҳозирги аҳволига анча кўникиб қолган эди. Берди бобонинг гапи яна бахтсизликни эсига солди.

— Даданг сени аслингга қайтаришининг чорасини қил-яптими?

— Билмайман.

— Намунча қаҳри қаттиқ экан?

— Дадам яхшилар,— деди Мирмирза.

— Мен ҳам ёмон деяётганим йўқ. Фақат тезроқ иложини топмаганига жаҳлим чиқяпти.

— Дадамнинг сочлари мени деб оқарди. Мен сўзларига кирмадим.

— Сўзга кирмаслик ёмон,— хўрсинди Берди бобо.— Афсус, баъзи одамлар кеч тушунар экан буни. Ёши бир ерга бориб қолгач, қийин бўларкан.

— Кимни айтяпсиз, бобо?

Берди бобо афсуслангандек ғалати кулиб қўйди-ю, жавоб бермади. Кейин Мирмирзанинг кўзига қараб сўради:

— Аслингга қайтишни истайсанми?

— Ҳозир бўлса ҳам майли. Эшимдан қўрқиб юрмасдим. Илгари бекордан-бекорга калтак еган болалар мени кечиришди. Лекин ишонган ўртоғим, Эшим икки юзламачи экан. Икки юзламачи ўртоқ бўлиб юраркан-у, пайти келса хиёнат қиларкан.

— Сен дадангнинг гапини гапиряпсанми?

— Йўқ, Эшимни кўриб шундай деяпман.

— Ҳар ҳолда катталарнинг гапини гапиряпсан. Ҳа, майли. Ишга ўтайлик. Мен сени аслингга қайтармоқчиман.

— Ростданми?
— Бу анча қийин. Ўзинг ёрдам беришинг керак.
— Қанақа қилиб?
— Ваъда қилсанг айтаман.
— Хўп.
— Лекин буни иккаламиздан бошқа одам билмаслиги керак. Агар биров пайқаса, иш пачава бўлади. Унда шундай қолаверасан.

— Мен нима қилай?

— Аввал ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бер.

— Айтганингизни қиламан.

Берди бобо ўрнидан туриб, эшикдан қараб қўйди. Кейин Мирмирзага яқин ўтириб, секин гапирди.

— Уша сен ичган доридан топиш керак, бир-икки томчи бўлса етади. Тажриба учун ҳайвонларга укол қилинаётган дори юқили ампулани олиб келсанг ҳам бўлади. Мен таркибини билсам, унга қарши дори ясайман.

— Сиз ҳам дори тайёрлашни биласизми?

— Ешлигимда шуғулланганман.

— Дадам пайқаб қолсалар-чи? Яхшиси сўраб ола қолайлик.

— Йўқ, даданг билмасин. Аслингга қайтганингдан кейин айтаман. Унда жуда хурсанд бўлади.

— Майли,— деди Мирмирза қатъий.

Эртасига Берди бобо дарс тугаши билан Гуласалга:

— Мен акангни ўйнатиб келаман, ойнинг хавотир олмасин,— деб тайинлади-да, Мирмирзанинг папкасини ундан бериб юборди.

Вақт ўтказиш учун аввал шаршара олдида ўтириб, марожний ейишди. Кейин бири-биридан чиройли кўчаларни айланишиб, дори заводи олдига етиб боришди.

Заводнинг ўзидан-ўзи очиладиган дарвозаси булар яқинлашганида қимир этмади. Мўйловининг бир учини пастга, бир учини тепага бураган киши қоровулхонанинг деразасидан мўралаб, бош ирғади. Берди бобо қўлини кўксига қўйиб ялингач, уларнинг олдига келиб:

— Хизмат?— деди.

— Манави боласи тушмагур шу ерга келганимизда, дадамни кўриб кетаман, деб қўймайти.— деди Берди бобо.

— Дадангни уйда кўрарсан, болакай,— деди қоровул. У эшикни ёпмоқчи эди, Мирмирза ялинди:

— Кирита қолинг, жон амаки!

Кичкина боланинг бийрон гапини эшитиб қоровул тўхтади.

— Кимнинг ўғлисан?— ажабланиб сўради у.

— Миролим аканинг...

— Ие, сен анави...— қоровул у ёғини гапирмади,— ҳозир, ҳозир.— деди-да, телефонга Миролим акани чақиртирди.

Бир оздан сўнг Миролим ака ҳовлиқиб чиқиб келди.

— Нима гап, тинчликми?— сўради у ҳам ўғлидан, ҳам Берди бободан.

— Шаҳар айлангани чиққан эдик, шу ерга келганда Мирмирзагина тушмагур, «дадамни кўриб кетаман» деб туриб олди. Кеч бўлиб қолди. Ўзингиз олиб кетарсиз, деб сўзига кира қолдим,— деди Берди бобо.

— Кекса одамни овора қилибсан-да,— ўғлини койинган бўлди Миролим ака.

Мирмирза дадаси билан лабораторияга кирганида шогирдлари тажриба билан банд эди. Миролим ака ўғлини бир четга ўтқазиб, ўзи ҳам шогирдлари ёнига борди. Бу сафар улар каламушлар устида тажриба ўтказишарди.

Бир бўйдор қизил юзли, спортчига ўхшаган йигит учтўртта каламуш солинган қафасни тажриба ўтказилаётган жойга қўйди.

— Анави чол бор-ку, ўғлимни ўша олиб келибди. Юрагим ғаш... бу бежиз эмас!— деди Миролим ака бу йигитга шивирлаб.— Сиз ўғлимдан хабардор бўлиб туринг.

Шогирдлардан бири қорни шишган катта каламушни қафасдан ушлаб олди. Иккинчиси, ампуланинг учини синдириб, шприцга дори тортди, учинчиси, спиртланган пахта тутиб тургани, каламушнинг укол қилинадиган жойини

артди-да, ампуланинг синиғи билан пахтани саватга ташлади. Шу пайт Мирмирза аста саватга яқинлашди. Унда яна бир неча учи синдирилган ампулалар ётарди. Тагида кўпроқ дори қолганини мўлжаллади-да, дадасига қараб қўйди. У ўз иши билан машғул эди.

Спортчига ўхшаган йигит эса, кўз қири билан аста кузатарди. Мирмирза мўлжалланган ампулани олиб, чўнтакка солди-ю, жойига бориб ўтираверди.

Йигит воқеани Миролим акага шипшитди.

«Бу синдирилган ампула унга нимага керак бўлиб қолди? Бунда бирор мақсад бор» деган хаёл қилди Миролим ака.

— Сен анави хонага кириб ўтира тур, бу ерда халақит берадиганга ўхшайсан!— деди ўғлига у.

Мирмирза хонага кириб, эшикни ёпиши билан йигит унинг кетидан бориб, калит ўрнидан мўраллади. Шу пайт Мирмирза, ампуланинг синдирилган оғзига пахта тиқиб эҳтиётлик билан ён чўнтагига солди. Шубҳа кучайди. «Агар ампула Мирмирзага керак бўлса, ичидагисини тўкиб ташларди, ёки бунчалик эҳтиётлаб ўтирмас эди» деган фикрга келди йигит. У мана шу гапларни Миролим акага айтди:

— Кузатиш керак, мен шиша ичидаги дорини олиб қўяман. Қани, нима бўларкин,— деди Миролим ака.

Эртасига Мирмирза ўрнидан тура солиб, чўнтагини пайпаслаб кўрди. Сўнг тез-тез ювиниб, дадаси билан бирга чой ичди.

Миролим ака эса негадир кам гап. Қовоғини солиб ўтирар, Зебо опанинг гапларига ҳам қисқа жавоб қиларди.

— Бугун сизга нима бўлди, хомушсиз?— деди Зебо опа.

Миролим ака сабабини айтгиси келмай:

— Ўзим,— деб қўя қолди.

Мирмирза мактабга ҳам эртароқ борди. Берди бобо уни қучоқ очиб кутиб олди. Юзидан ўпишни баҳона қилиб:

— Олиб келдингми?— деб сўради секин. Мирмирза бош қимирлатган эди, у севиниб елкасига қоқиб қўйди. Бо-

бо дарров гулдаста ясаб Гуласалга тутқазаркан:— Сен бо-
равер, қизим, Мирмирзани ўзим синфига киритиб юбора-
ман,— деди.

Мирмирза Гуласал кетгач, ампулани Берди бобога тут-
қазди.

Дарс тугагач, Берди бобо мактабнинг химия кабинетига кирди. Бу ерда микроскоп ва бошқа энг сўнгги тажриба ашёлари бор эди. Берди бобо ампуланинг тагида қолган суюқликдан ойнага бир томчи томизиб, текшира бошлади. У ўз ишига шу қадар берилиб кетган эди-ки, деразадан мактаб қоровулининг мўралаганини ҳам пайқамади. Кўп уриниб, мақсадига эриша олмагач, томчи туширилган ойна бетини ялаб кўрди-да, зарда билан тупуриб ташлади.

— Лаънати, юрак дориси экан-ку!— деди ўрnidан ту-
риб.

Шу пайт деразадан узоқлашаётган қоровулни кўриб, юраги ғашланди. «Мендан шубҳаланишаётганга ўхшайди. Хушёр бўлишим керак», деди Берди бобо ўзига-ўзи. У қоровулнинг кетидан кўчага чиққанида, магазиндан уйига майда-чуйда олиб келаётган Эшимга дуч келди.

— Қўлингдагиларни менга бер, сен ҳов анави қоровулнинг кетидан юр. Қаерга борганини билиб келасан. Биров билан учрашгудек бўлса, гапига қулоқ сол,— деб тайинлади унга.

Эшим қоровулнинг кетидан бораркан, унинг Мирмирзалар эшиги олдида тўхтаганини кўриб, муюлишда яшири-
ниб турди. Қоровул ичкарига кириб, кўп ўтмай ёшроқ йигит билан қайтиб чиқди. Улар Эшимнинг ёнгинасидан ўтаётиб Берди бобонинг номини тилга олишди.

Эшим кўрган-эшитганларини оқизмай-томизмай тоқатсизланиб кутаётган Берди бобога етказди. Унинг гаплари бобонинг юрагига гулғула солди. Эшимга жавоб бериб, ҳужрасига қайтди. У ерда ўзига қарашли нарсаларни йиғиштириб мактабдан чиқиб кетди. Кўчада таксига ўтириб, шаҳар чеккасидаги ўттиз қаватли бино олдида тушди. У ерда Берди бобога таниш бир шофёр турарди.

НАҒРАНГ

Эртасига Берди бобо Мирмирзани мактаб гулзорида эмас, кўчада кутиб турарди. Гуласал унинг қўлидан ушлаб, Зийрак эса, папкани тишлаб, ёнма-ён келишарди. Мирмирзани Берди бобо кўтариб олганида Гуласал ҳам, Зийрак ҳам аҳамият беришмай кетаверишди. Берди бобо атайлаб орқароқда қолиб, Мирмирзанинг қулоғига шивирлади:

— Сен иккинчи дарсга кирмай, дарвоза олдига чиқ. Бўй ўстиришни биладиган доктор билан гаплашиб қўйдим. Лекин ҳозирча ҳеч кимга айтма,— деди.

Иккинчи дарсга қўнғироқ чалиниб, ҳамма болалар синфларга югурганида Мирмирза лип этиб гулзорга кирди-да, жўяклардан кўча томон юрди. Дарвозага яқинлашиб қолганида, буталар ортида ўтирган Берди бобо уни секин чақирди. Худди шу пайт дарвоза олдида машина тормози чийиллади. Берди бобо Мирмирзани кўтара машинага югурди. Моторни ўчирмай турган шофёр машинани зудлик билан ҳайдаб кетди.

Берди бобо билан шофёрнинг ҳаракатларидан Мирмирза ҳайрон бўлди-ю, лекин сабабини сўрамади. Берди бобонинг эса хаёли кўчада. У машинанинг орқа ойнасига тутилган парда орасидан мўралаб, юзи бужмайиб кетди, кўзларида қўрқув кўринди.

— Ҳайда, тез!— бақирди у шофёрга.

Мирмирза ўрнидан туриб, парда орасидан қарамоқчи бўлган эди, Берди бобо уни силтаб ўтқазиб қўйди. Меҳрибон, мулоим қариянинг бундай қўпол ҳаракати Мирмирзанинг хўрлигини келтирди.

— Тез, тезроқ!— деб буюрарди шофёргга қария.

— Бундан тез юролмайман,— жавоб қилди шофёр.

Шу пайт чорраҳада қизил чироқ ёнди. Лекин Мирмирзалар ўтирган машина физиллаб ўтиб кетди.

— Муюлишдаги тоннель олдида тўхтат,— тайинлади Берди бобо. У Мирмирзани кўтариб тайёрланиб турди, ма-

шина тўхтаган заҳоти ўзини тоннелга олди.— Хайрият, бу ерда қолганимизни пайқашмади,— деди у бир оз нафасини ростлагач.

— Қим?— сўради Мирмирза.

— Сенинг аслингга қайтишингни истамаётганлар-да,— деди Берди бобо.

У йўл қолиб, баланд-баланд иморатлар оралиғидаги йўлкалардан юриб, ўттиз қаватли бинонинг орқасидан чиқди. Уғридек аланглаб, лифтга кириб олди.

— Доктор мана шу уйда туради,— деди Берди бобо лифтдан чиқиб, шкафга ўхшаган эшик олдида тўхтар экан. У кетма-кет қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни бир қари хотин очди. Берди бобо ичкарига киргач, катта хонанинг деразаси олдига бориб, ташқарига қаради. Мирмирза аввал аланглаб хонани кўздан кечирди-да, иккинчи дераза олдида турган стулга чиқди. Бу ердан бутун шаҳар кўриниб турарди. Манзара жуда завқли эди-ю, негадир Берди бобонинг юзидан ташвиш аримасди.

— Войбўй, неварангиз ҳали жуда кичкина экан-ку!— деди кампир.— Даҳмаза қилмай, онасига бериб юбора қолинг эди. Кеча ўғлим гапирганда, катта боладир, деб ўйловдим.

— Усмай қолди-да, онаси ўғлимдан ажрагач, буни баттарроқ қийнамасин, деб олиб қочдим.

— Нима қиласиз ёлғон гапириб Берди бобо!— деди Мирмирза.

— Вой, митти бўлса ҳам бийронгина экан,— деди кампир.

— Эрка-да, эрка,— деди Берди бобо.

— Қайсарлиги ҳам борга ўхшайди.

— Йўқ, қайсар эмасман. Қайсарлигим қолиб кетган,— деди Мирмирза.

Кампир кулиб, Мирмирзанинг елкасига қоқди. Берди бобо уни имлаб, йўлакка чақирди-да:

— Неварамнинг ухлайдиган вақти бўлди, уни ётқизиб,

кўчани айланиб келаман, бировга учрашадиган ишим бор эди,— деди.

Кампир нариги хонага жой қилиб берди. Берди бобо Мирмирзани у ерга олиб кириб, эшикни ёпди.

— Қани докторингиз?— сўради Мирмирза.

— Ҳозир келиб қолади.— Берди бобо ёнидан ялтироқ қоғозга ўроғлиқ пахта олиб, тўсатдан Мирмирзанинг бурнига тутди. У нима гаплигини билмасдан туриб уйқуга кетди. Берди бобо Мирмирзани каравотга ётқизиб, рўпарасида турган тошойнага қараб қолди. Ойнада унинг бесаранжом кўзлари жавдирар, оппоқ соқоли ярашмагандек туюларди. У ғижиниб соқолини тутамлади-да, юлиб олди. Сўнг мўйловини кўчириб чўнтагига солди. Бу — Миролим ака билан институтда бирга ўқиган, лабораторияда бирга ишлаган Холтой эди.

«Енгилтак, ишёқмаслик билан ўтказган кунларингнинг жабрини тортяпсан, Холтой,— деди у ўзига-ўзи.— Миролимнинг янги дори кашф этганини эшитиб бу ерларга келиб қолдим. Агар манави қулоқсиз Мирмирза ўша доридан ичиб кичкина бўлиб қолмаганида, бу сирни қаёқдан билардим. Охирги марта бахтимни синаяпман. Дорини билинтирмай қўлга кирита олмадим. Энди Миролимни келишувчиликка мажбур этаман. То у кўнмагунча Мирмирзани кўрсатмайман».

Холтой бурнини артаётгандек дастрўмоли билан юзини бекитиб, чиқиб кетди. У бинодан узоқлашгач, сайр қилиб юрган одамдек битта-битта юриб, атрофга разм солди. Ёнидан иккита таниш ўқувчи гаплашиб ўтди.

— Берди бобо ёмон киши экан. Ундан шубҳаланиб юришган экан, мана бугун қочиб қолибди,— деди ўқувчилардан бири.

Холтой болаларни гапга солгани қўрқиб, ўтиб кетаверди. У чарх айланиб сув тўзитаётган фаввора олдида аста ён-берига аланглади. Кўп ўтмай Эшим пайдо бўлди. У кимнидир қидиарди.

— Эшим сен эмасмисан?— сўради Холтой уни танимаган бўлиб.

Эшим Холтойга тикилиб қаради. Уни Берди бобога ўхшатди-ю, лекин соқоли йўқлигиа ҳайрон бўлди.

— Сиз Берди бобо...

— Укасиман,— деди Холтой унинг гапини бўлиб.— Акам сени кўп мақтардилар. Манави хатни бериб юбордилар. Миролим аканинг уйига билдирмай ташлаб кетасан.

— Берди бобога айтинг, уни қидириб юришибди. Мактабимиздаги болалар ҳам қидиришга чиққан. Шофёр қўлга тушибди.

Холтойни қалтироқ босди. Эшим кетиши билан тез орқага қайтди. Лифтдан чиққач, соқол-мўйловини наридан бери ёпиштириб, кампирнинг уйига кирди.

— Уғлим келаман деганмиди? Нега шу пайтгача дароги йўқ?— сўради кампир.

— Келиб қолади. Неварам уйғонгани йўқми?

— Пишиллаб ухлаб ётибди.

— Майли, ухлайверсин. Сиз манави пулга магазиндан майда-чуйда олиб чиқинг. Уғлингиз ойим палов дамлаб турсинлар, деган эди.

— Уйда ҳамма нарса бор,— деди кампир,— фақат гўшт қотганроқ. Майли, янгисидан олиб кела қолай.

Кампир сумка кўтариб чиқиши билан Холтой югуриб Мирмирзанинг олдига кирди. Кеча келтириб қўйган катта чамадонга кийимларини солиб, устига Мирмирзани ётқизди. У димиқиб қолмаслиги учун чамадоннинг бир томони-ни пичоқ билан тешди-да, соқол-мўйловини чўнтагига солиб хонадан чиқди.

Лифтдан тушганида кампирга тўқнаш келди. Кампир шубҳаланиб, Холтойнинг кетидан қараб қолди.

Холтой кўчада аланглаб, чапга, чўл томонга юрди, чунки ўнгда бинодан сал нарида болалар, Зийракнинг бўйинбоғидан ушлаб олган Гуласал, милиционер билан ниманидир гаплашишарди. Зийрак чамадон кўтариб узоқлашаётган Холтой томонга интилиб, вовиллади-да, Гуласални

судраб кетди. Холтой буни кўриб қадамини тезлатди. Милиционер ҳуштак чалган эди, Холтой чамадонни ташлаб қочди. Зийрак уни қувиш ўрнига, чамадонга ёпишиб тирнар, тўхтовсиз вовилларди. Одам тўпланди. Бир неча бола билан милиционер Холтойни қувиб кетди.

Зийракнинг безовталаниб чамадонни тирнаётганини кўрган кишилардан бири уни силтаб очди. Зийрак эса чамадондаги кийимларни тишлаб тортган эди, Мирмирза кўринди. У уйғониб, тўпланганларга ҳайрон бўлиб боқди.

— Ака, акажон,— Мирмирзани қучоқлаб олди Гуласал.

Зийрак бўлса унинг юз-кўзларини ялай бошлади. Ҳама хурсанд. Яқин-атрофда уни қидираётган болаларнинг барчаси тўпланган эди. Уларнинг орасида Эшим ҳам бор эди.

Кўп ўтмай Холтойни тутиб келишди. У ўзини дарёга ташламоқчи бўлиб турганида ушлаб олишибди.

— Оғайнилар, биродарлар, мен сизларга нима ёмонлик қилдим?— дер эди Холтой ялиниб. У жуда қўрқиб кетганди.

Чиндан ҳам унинг кимлигини ҳали ҳеч ким билмас, чамадонни ташлаб қочганидан шубҳаланиб тутиб келишганди.

— Берди бобо, соқолингиз тушди,— деди кимдир.

Холтой беихтиёр аланглаб, ўзини билдириб қўйди. Болалар унинг ҳолатига қулишди. Шу пайт Миролим ака ҳам етиб келди. Холтой уни кўриб, юзини ўгирди.

— Ҳали ҳам бемаънилигинг, фирром йўл билан ҳаёт кечиришга уринишиг қолмаган экан-да, Холтой?— деди Миролим ака.— Манави хатингни олиб қўй, Мирмирзани восита қилиб, менга шерик бўлмоқчимидинг. Бировлар жон куйдириб ишласа-ю, сен осонгина бахтга эришмоқчимидинг?

— Менга таъна қилгунча, ўз ўғлингни бил?— деди Холтой.

Миролим ака индаёлмай қолди.

— Елгон, мен энди унақа эмасман,— деди Мирмирза.

Милиционер хатни Миролим аканинг қўлидан олиб қўйди.

— Бу ҳали керак бўлади,— деди у. Шу пайт милициянинг енгил машинаси етиб келиб, Холтойни олиб кетди.

Мирмирзани таниганлар унинг топилганига севиниб тарқалишди.

— Кўрдингми, ўғлим?— деди Миролим ака уйга келгач.— Яхшидан — от, ёмондан — дод қолади.

Мақтабда энди Мирмирзани Берди бобо эмас, болалар кутиб олишди. Уни синфигача кузатиб қўйишди.

Мирмирзани бошлаб дўппослаш ниятидан қайтмаган Эшим эса, унинг холи қолишини пойларди. Шу орада синфдошлари ўзи билан ўзи овора бўлиб, Мирмирзага аҳамият бермай қўйишди. Фақат Гуласал билан Зийрак бирга келиб, бирга кетишарди.

Ўғлининг ташвишини бир он ҳам унутмаган Миролим ака шогирдлари билан охири янги дори яратишди. Бу буй ўстирадиган дори бўлиб кичрайтирадиган дорининг таъсирини қирқар эди. Уни аввал ҳайвонларда синаб кўришди. Кейин, ўсмай қолган болаларга ҳам бериш мумкинлигини аниқлашди. Бу дори буй ўстирадиган турли витаминлардан ясалган эди. Ўзи суюқ бўлиб ҳар куни нонуштадан олдин чой қошиқда бир мартадан ичиш лозим эди. Лекин унинг таъсири айрим болаларда бир ҳафта-ўн кунда, айримларида ундан кечроқ билинарди. Шунинг учун уйда маслаҳатлашиб, Мирмирзага кенгроқ қўйлак билан шим олиб боришди. Туфлигинг қиса бошласа киясан, деб аввалги эски шиппагини ҳам қоғозга ўраб папкасига солиб қўйишди.

Мирмирзани ҳалпираган кийимда кўриб болалар кулишди. Мирмирза эса, парвойига ҳам келтирмади.

Езги каникулга чиқишдан олдин мактабнинг катта залида ҳар куни турли йиғилишлар бўлиб турди. Қўғирчоқ театри келган куни дарс тугаши билан болалар олдинги қаторни эгаллаш учун шошиб чиқиб кетишди. Мирмирза эса орқада қолди. Шу топда туфлиси оёғини қиса бошлаган

эди. У папкага солиб қўйилган шиппагини кияётганида Эшим пайдо бўлди. Мирмирза унинг важоҳатини кўриб, ўрнидан ирғиб турди. Шу пайтда, мушт қўтарган Эшимнинг юзидаги ғазаб аста-секин сўниб, кўзлари қўрқувдан жавдиради. Кейин орқага чекина бошлади.

Мирмирза аввалига тушуна олмади. Фақат кўйлагининг тугмалари чирт-чирт узилиб кетганидагина воқеага тушунди. Бўй ўстирадиган дори тўсатдан ўз таъсирини кўрсатганди. Узун, кенг шими шу топда тор трусикка ўхшаб қолганди. Мирмирза қўлтигини қисаётган кўйлагини зўрға ечиб, партага ташлади. Эшим эса, мени урмоқчи деб ўйлаб:

— Бўлди, тавба қилдим, урма, урма!—деб бақириб юборди.

— Эсингни едингми? Мен энди ҳеч кимни урмайман.

Мирмирза бўйи Эшимдан баланд бўлиб қолганини сезиб, севинганидан хахолаб кула бошлади. Акасини йўқлаб келган Гуласал бир зум анқайиб турди-да, югуриб бориб унинг бўйнига осилди. Шовқинни эшитиб кирган болалар Мирмирзани ушлаб кўришар, аслига қайтганига ишонгач хурсандлик билан уни табриклашарди.

Шу маҳал синфга Зийрак кириб қолди. Лекин Мирмирзадан ҳайиққандек, думини қисиб чекинди.

— Тентак,— деди Мирмирза Зийракни қучоқлаб,— мен сени яхши кўраман-ку.

Шу кундан бошлаб Мирмирза, агар ўзи яхши бўлса, бошқалар ҳам яхши бўлишини, қарс икки қўлдан чиқишини тушунди. Фақат Эшимдан бир оз хафа эди. Чунки, икки юзламачи одамдан яхшилик чиқмаслигини билган эди-да.

ВАЛИШ ВА УНИНГ ЎРТОҚЛАРИ





БАЙРАМ

Орқа кўчадаги мактаб радиосидан шўх музика, қўшиқ, карнай-сурнай садолари янграрди. Байрамларда, тўйларда карнай-сурнай, музика чалинишини билган Валижон ўртоғи Мухторни қидириб қолди. Уни уйдан тополмай қайтиб чиққанида, эшик олдида тўқнаш келди. Мухторнинг эғнида дазмолланган оқ шойи кўйлак, янги қора шим, қўлида янги папка бор эди. Худди байрамдан келаётганга ўхшарди. Валижоннинг қовоғи тушиб кетди.

— Нега мени оболмадинг?— деди аразлагандек лабларини буриб.

— Сен ҳали кичкинасан-ку, жиннивой,— Мухтор икки бармоғини кўрсатди,— яна шунча йилдан кейин сен ҳам борасан.

Энди Валижонни юпатиш осон эмасди. Мухтор борсюю у қолса, чидаб бўладими? Мактабнинг очилишига бир кун қолганди, Валижон хархаша қилавериб, эски папкага ҳар хил китоб, дафтарларни жойлаб, қўйди.

Уқиш бошланадиган кунни эрталаб Мухтор Валижонни йўқлаб кирганда, у туш кўрарди шекилли, қиқирлаб куларди. Кейин ёнбошига ағдарилди-да, яна мушук боласидек билинар-билинемас пишиллашга тушди. Уйнинг деразасида офтоб акс этиб, шуласи айвонни ёритса ҳам Валижон уйғонмади. Бувиси бир қўлида челақ, ҳовлига кафтлаб сув сепар, гулзор четига экилган райхонлардан ёқимли бўй тараларди.

— Ассалому алайкум, опойи, Валиш ҳали ҳам турмадимми?— бир қўлида папка, бир қўлида гулдаста билан Мухтор айвонга юрди.

— Уйғотмай қўяқол, кетингдан хархаша қилади,— деди Шакар буви.

Мухторнинг тўққизинчи синфда ўқийдиган Василадан опаси остонадан чақирди:

— Юр, кечга қоламин!

— Ҳозир!— қистайверма дегандек, зарда билан жавоб қилди Мухтор. Кейин айвонга чиқиб, папкасини гул ушлаб турган қўлига олди-да, аста Валижоннинг сочинини силади.— Валиш, Валиш мен кетаяпман,— деди секин.

Валижон яна жилмайдию, кўзини очмади. Василадан укасини қистаб, қўлидан тортди. Мухтор қайсарлик қилар, лекин Валижонни уйғотиб юбормаслик учун қаттиқ галирмасди.

Анчадан кейин уйғониб кетди Валижон. Ҳовлида бувисидан бошқа одамни кўрмай, жавдираб:

— Ойижон, қани у?— деб сўради.

Шакар буви невараси кимни сўраётганини билиб турса ҳам атайлаб:

— Ким?— деб сўради.

— Мухтол!

— Мактабга кетди.

Валижон бирдан йиғлаб юборди. Қаравотидан қорни билан сирғалиб тушиб, кўчага югурган эди, бувиси ушлаб қолди. У юлқиниб бувисининг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлар, лекин кучи етмасди.

— Мен ҳам боламан, боламан...— дерди «бораман» дейишга тили қовушмай Валижон.

Бувиси аранг овутди уни. Валижон наридан-бери тамадди қилиб, эшикдан бош суқиб, кўчага мўралади. Муюлишдаги токнинг тагида уч киши стол қўйиб, чой ичиб ўтиришарди. Уларнинг бири — пенсияга чиққан Раҳмон амаки, уни партизан амаки ҳам дейишарди, иккинчиси — доктор амаки, у урушда шикастланган, чап оёғини судраб, лапанглаб юргани учун Полвон амаки ҳам дейишарди, учинчиси — тарвузга ўхшаган думалоқ Етим амаки, у ёшлигида ота-онасидан ажрагани учун ҳам шундай дейишарди.

— Э, э, Валиш, буёққа кел, зерикиб қолдик-ку, олма бераман,— деб чақирди Раҳмон амаки Валижонни кўриши билан.

— Кел, келақол,— дейишди бошқалари.

Валижон дўмбоқ, сал танқайган бурни думалоқ юзига ярашар, шунданми у доим кулиб турганга ўхшар, ҳудабехудага йиғламас, сўзлари ширин бўлгани учун катталар кўп тегажоқлик қилишар, гапга солишарди.

Қариялар Валижонни чақирришганида ҳамон мактаб томондан музика, карнай-сурнай товуши эшитиларди. Валижон чақирганларга жавоб қилмай эшикни ёпди-да, катта кастрюльканинг қопқоғи билан ўқловни кўтариб чиқди.

— Ана керак бўлса, энди қулоқларингни бекит,— деди Етим амаки ҳозир Валижон қапқоқни тақиллатади, деб ўйлаб.

Лекин Валижон жиддий иш билан банддек индамай бориб, ўқловини Раҳмон амакига берди-да, қопқоқни чилдирма қилиб чала бошлади. У ҳақиқий чилдирмакашларга ўхшаб, ўзидек келадиган қопқоқни гоҳ баланд кўтариб, гоҳ тушириб чалар, ўнг оёғининг учи билан оҳангга ер тепар, Раҳмон амаки эса, ўқлови нимага керак бўлишини билмай кулиб ўтирарди.

— Қойил, яша!— деди амаки ҳам завқланиб.

Полвон доктор амаки эса, қийқириб чапак чала бошлади.

Валижон кулги, мақтовларга парво қилмай бирпас қопқоқни тиқиллатиб туриб, кейин уни Раҳмон амакига тутқазди-да, таёқни олди, боши билан «чал» ишорасини қилиб, ўзи ўқловини карнай қилиб чала бошлади. Раҳмон амакининг ғайрати қўзиб, ўрнидан туриб олди-да, қопқоқни тиқиллатиб:

— Тур, Етим,— деди.

Валижон карнайга тақлид қилиб «ғаға-ғағу»лар, Раҳмон амаки оғзида «бадабанг, гиж бадабанг», дер, Етим амаки дум-думалоқ бўлиб, муқом қилар, Полвон амаки тиззасига уриб куларди.

Ўйин энди қизиб турганида кўчанинг нариги бетидан салом-алик қилмай, қовоғидан қор ёғиб, Бўривой ўтиб кетди. «Қап-катта одамларнинг бачканалигини...» деб тўнғиллагани ҳам эшитилди. Чарақлаб турган офтобни қор булути ўраб, изғирин тургандек, қарияларнинг таъби хира бўлди. Ўйин тўхтади. Уч хонадон наридани уйи олдида Бўривойнинг ўғли Назир кўринди, у еттига бир ой етмагани учун мактабга бормаганди. Валижонни у ҳоли топса турткилашдан қайтмасди. Шунинг учун Валижон уни кўриб, ўқлови билан қопқоқни кўтара уйига жўнаб қолди.

ЗАҒИЗҒОНЧА

Мухтор мактабдан қуруқ қайтмади. Васида онасининг дугонаси даладан зағизғон боласини олиб келибди. Мухтор бир тўда болаларни эргаштириб Валижонларнинг уйига кирди.

— Нима шовқин? Нима бало эди унинг?— деди Шакар буви.

— Зағизғон!— жавоб қилди Мухтор ноёб совға олиб келгандек ғурурланиб.

— Опке, менга бел, менга!

— Ҳали ҳам сенга, жиннивой!

Валижон чўчинқираб қўлини узатди.

— Олавер, тишламайди.— деди Мухтор.

— Унинг итмиди!— кулди Шакар буви.— Шумшаймай ўлсин, намунача хунук.

— Йўқ, яхши, бел менга!

Валижон қушчани иккала қўли билан маҳкам ушлади.

— И-и-и, секин, эзиб қўясан,— дейишди болалар.

Зағизғонча Валижоннинг қўлидан тушиб, ҳаккалаб қоча бошлади. Болалар чувиллашиб уни ушлаб олишди.

Шу кундан бошлаб болалар зағизғончани парвариш қила бошлашди. Гоҳ униси, гоҳ буниси ойнисидан бекитиб гўшт олиб чиқишар, гаҳ-гаҳлаб, зағизғончани чақиришарди.

— Бўктириб қўясанлар,— деб Шакар буви болаларни уришарди.

Зағизғонча тап тортмай, болаларнинг қўлидан овқат оладиган бўлди. Айниқса, Мухтор билан Валижонга қаттиқ ўрганди. Аввалига ҳовлида айланиб юрарди, кейин кўчага ҳам чиқадиган бўлиб қолди. Энди сакраб-сакраб, ўсиб қолган қанотларини силкиб учар, девордан ошиб, қўшниларникига ҳам чиқарди.

— Валиш, зағизгонинг бу ёқда юрибди, чақир,— дейишарди қўшни хотинлар. Болалар бўлса, ушлаб олиб келишарди. Ҳаммага эрмак бўлиб қолганди зағизғонча.

Бир куни Бўривой уни уйдан қувиб чиқиб қолди. Одамга ўрганган зағизғонча унинг олдига тушиб, гоҳ ҳаккалаб, гоҳ учиб қочарди.

Раҳмон амакию Ётим амакилар кўчада гаплашиб ўтиришганди. Қапкатта одамнинг қушчани қувиб юрганига энсаси қотди уларнинг.

— Ҳа, Бўривой, қушчани ҳам жинингиз чиқиштирмайдими?— деди Раҳмон амаки жаҳли чиқиб.

— Бу қуш эмас, бало! Қўзни шамғалат қилиб бир нимани илиб кетади,— деди Бўривой.

Шовқинга Валижон югуриб чиқди. Зағизғонча унинг елкасига қўниб, энди тили чиқаётган боладек «қа-га, қа-

ға»лади. Бўривойга бу «қалайсан», дегандек алам қилдию, қўшнилардан ҳайиқиб, турган жойидан дўқ урди:

— Яна бизниқига тушса калласини узаман!

— Ҳа, эҳтиёт бўл, қовуннинг фойдасини уриб кетмасин,— деди Раҳмон амаки эшиттириб.

Бўривой узоқда ранги ўчиб туриб қолди. Бир нима деса, Раҳмон амаки гапдан қолмаслигини биларди. Жаҳл билан эшиги олдидаги токда бепарво ўтирган мусичага кесак отди. Беозор мусича патирлаб учди.

Бўривойнинг дағдағаси ҳамманинг қулоғига етди, лекин битта ўшани деб зағизғончани қафасга солиб қўйишни истамасди болалар.

ТУРҚИ СОВУҚ

Валижон зағизғони билан овуниб кўпда кўчага чиқмас, Мухторлар мактабдан келганча ўзидаи бир ёш катта Умид билан бирга ўйнашарди. Тушликка Шакар бувиси қовурма қилиб келди, зағизғоннинг қорни очган экан шекилли, хонтахтага келиб қўнди.

— Суқ бўлмай кет-э, дастурхонни кир қиласан!— қувлади қўли билан Шакар буви.

— Улишманг, улишманг!— Валижон лагандан жаз олиб, ерга ташлади.— Ол, е!

Зағизғон ерга учиб тушди, жазни бир-икки чўқиб, сўрининг тагига кириб кетди. Валижон бувиси билан овқатлана туриб, қушни унутди. Қорни тўйиб, эсига тушганида, зағизғони қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Валижон уни «гаҳ-гаҳ»лаб чақирди, қуш товуш бермади. Югуриб кўчага чиқди. Назир узун таёқ олиб, зағизғонни кўчада қувиб юарди. Қуш ҳақкалаб кўчанинг гоҳ у-гоҳ бу бетига ўтар, таёқдан ҳуркиб, ўрганган эшиги томонга ўтолмасди.

— Ҳей, ҳей, улма уни, улма!— бақирди Валижон. У қушни Назирдан қутқазгани югурди.

Зағизғонни тутта олмагани Назирга алам қилиб, Валижонга дўқ урди:

— Ҳозир мана шу таёқ билан қушинга қўшиб абжағингни чиқараман!— У таёғини ўхталиб Валижонга яқинлаша бошлади.

— Ҳай, ҳай, нима қилаяпсан ярама!— қиз боланинг товуши эшитилди шу маҳал. Узоқдан папкасини силкитиб, ҳаллослаб Гулнора чопиб келарди. У Раҳмон амакининг невараси, иккинчи синфда ўқир эди.

Назир Гулноранинг вазоҳатини кўриб тўхтади. Энди у гоҳ Валижонга, гоҳ яқинлашиб келаётган Гулнорага жавдираб қарар, зағизғонни эса, унутганди.

— Нима қилаяпсан, турқи совуқ?— деди Гулнора Назирга яқин келиб. У қотма, нозиккина эдию, лекин шу топда бақалоқ Назир билан муштлашадиган вазоҳати бор эди.— Шу бола сенинг тенгингми?

— Нега менга зўравонлик қилаяпсан? Ўзинг ким бўпсан?— деди Назир атрофига аланглаб олиб. Бошқа ҳеч ким кўринмагач яна анча дадилланди.

— Кимлигимни билмайсанми?— деди Гулнора.

— Вей, дўқ ураверма, ўша партизан бобонгдан ҳам кўрқмайман.

— Шунақа зўр бўлиб кетганмисан? Ҳозир бобомни чақирайми?

— Чақир, чақиравер,— деди Назир яна аланглаб. Кўчада бошқа ҳеч ким кўринмагач, Гулнорани бир туширдию, таёғини ерга ташлаб юборди.

— Вой,— деб юборди Гулнора оғриқдан елкасини силаб ва шу заҳоти ердан таёқни олди.

Назир шуни кутиб турганди, Гулнора таёқни олиши билан товуши борича додлаб қочишга тушди. Гулнора эса, аламига чидолмай унинг кетидан югурди.

Назир атайлаб кўчада гир айланар, уйига кириб кета қолмасди. Лекин Гулнора унга қувиб етолмасди. Ўғлининг додлаганини эшитиб, уйдан Бўривой югуриб чиқди. Бу ёқда Раҳмон амаки кўринди. Бўривой ўғлига қўшилиб аю-

ҳаннос соларди. Гулнора қўлида таёқни ушлаганича сер-райиб қолганди.

— Мен сенларга нима ёмонлик қилди-им, қўясанларми, қўймайсанларми, энди таёқ билан биргина ўғлимни уришларинг қолганмиди? Урларинг, ўлдирларинг!

Гулнора жиноят устида қўлга тушган одамдек, таёқни ташлаб юборишни ҳам, эгасига қайтиб беришни ҳам бил-лолмай турарди.

Валижон Гулноранинг бегуноҳдан-бегуноҳ айбдор бў-либ қолганини кўнглида сезар, лекин нима дейишни бил-май, ҳимоя истаб, Раҳмон амакига жавдирарди.

— Товушингни ўчир!— бақириб юборди Раҳмон амаки ҳам.

Бўривойнинг товуши ўчди.

— Ўзи улди, ўзи!— деди Валижон Назирни кўрсатиб.

— Ё туҳматингдан ўргилай, парвардигор,— деди Бўри-вой ёқасини ушлаб.— Муштумдагисининг гапини қаранг! Таёқ унда-ю, ўғлим урадимиз? Вой туҳматчилар, кўчиб кет-сам қутиламаними?

— Йўқ, сенинг дастингдан биз — ҳамма қўшнилари кў-чиб кетамиз. Сен бир ўзинг яйрайсан!— деди Раҳмон ама-ки зарда қилиб.

Қилар ишни қилиб, безрайиб турган Назирни ҳам, но-ҳақ ўғлининг ёнини олиб дод-вой қилган Бўривойни ҳам Валижон жуда ёмон кўриб кетди. Бу ёқда Раҳмон ама-кининг кўчиб кетаман деганини эшитиб ҳафа бўлди. Ҳозир кетиб қоладигандек, бориб унинг қўлидан ушлади-да:

— Кетманг, Назилни ўзи ёмон! Зағизфонни улди, Гул-нолни улди,— деди.

ЗАҒИЗФОННИ КЎРГАН БОРМИ?

Ҳаво салқинлашиб қолди. Энди Валижоннинг каравоти айвондан уйга олиб кирилган эди. У Умид билан уч фил-диракли велосипедда учавериб чарчади-да, уйга кириб ух-лаб қолди.

Бир вақт Умид ҳовлиқиб кирди.

— Ҳа, ўт тушдимми?— деди кулиб Шакар буви.

— Валиш қани?

— Ухлаб ётибди.

Умид Шакар бувининг «ҳай-ҳай»лашига ҳам қарамай уйга югуриб кирди.

— Валиш, тур. Назир зағизғонга рогатка отаяпти,— деди Умид ўртоғининг елкасидан тортиб.

— Нима, нима?— уйқу аралаш сўради Валижон.

Умид унинг қўлидан тортиб турғизди. Иккаласи кўчага чиққанида Назир ҳам, зағизғон ҳам кўринмади.

Иккала ўртоқ зағизғонни чақириб, уйма-уй кириб чиқишди. Қуш товуш бермади. Валижон ўпкаси тўлиб, йиғлагиси қистар, Умид «ҳозир топамиз» деб уни юпатарди. Улар олдинма-кетин бошлашиб катта кўчага чиқиб қолишди. Валижон майка, трусикда, оёқяланг, Умиднинг эғнида гулдор кўйлак, калта шим, оёғида шиппак. Кўча беткайида атрофга аланглашар, пиёда йўловчи деярли кўринмас, кимдан сўрашни билишмасди. Бу катта кўча ўтган йили битган, ўртаси кетганча гулзор, расамати билан экилган паст бўйли, садага ўхшаган дарахтлар кўм-кўк, машина юраверганидан бетон йўл ялтираб кетганди. Болалар тўхтовсиз ўтиб турган катта-кичик, турли рангдаги машиналарни бирпас томоша қилиб туришди-да, йўлкадан кунботар тарафга юришди. Бирор қуш учиб ўтса ёки мусичанинг кукулаши эшитилса, олазарак бўлиб қарашарди. Биринчи дуч келган кўк эшик олдида тўхтаб, яна бир атрофга қараб олишди-да, уни итариб кўришди. Эшик орқасидан берк, қўнғироқ тугмаси баландда эди.

— Амақи, ҳов амақи!— чақирди Валижон сабри чидамай.

Эшик очилиб, остонада баланд бўйли, қотма, қуюқ калта соқоли оппоқ, устарада қирилган боши йирик тўқилган оқ тўр дўппи тагида ҳам ялтираб турган, кўзойнак таққан бобо пайдо бўлди. У кўзойнагини тўғрилаб, болаларга энгашиб қаради-да:

— Келдингларми, болаларим, ҳа баракалла!— дедию болаларга гал бермай гапира кетди:— Салом қани, еб қўйдингларми? Мен сенларга салом бер, деб неча марта таъинлаган эдим, қулоқсиз экансанлар-ку!..

Болалар шошиб салом беришди.

— Ҳа, бу бошқа гап, баракалла! Ойинг қани? Олдинроқ келавердиларингми? Ҳа, ойингнинг одати қурсин, имирсилагани-имирсилаган, сенларни ишониб жўнатганини қара, кўча тўла машина бўлса... Ҳа майли, бўлар иш бўлибди, қани ичкарига кирларинг, Аҳад... Самад... ҳе, йўғе, отларинг нима эди?

— Менинг отим Умид, буники Валиш,— деди Умид отанинг бировга ўхшатаётганини сезиб.

— Шошма, шошма,— деди ота ойнагининг устидан қараб,— манови ширин болани Валиш, дедингми? Қизимнинг Валиш деган ўғли йўқ эди шекилли... Қани, қани уйга киринглар, ўша ерда гаплашамиз.

— Амаки, зағизғон...— деди Валижон сабри чидамай.

— Ия, зағизғонинг нимаси?!

— Биза зағизғонни қидириб юрибмиза.

— Вой қизиқ болалар экансанлар-ку! Санобархон,— чақирди ота ичкарига қараб,— қизим, бу ёққа қараворинг.

Бир қўлида картошка, бир қўлида пичоқ ушлаб чиройли, худди меҳмонга борадигандек ясанган жувон эшик олдига келиб, болаларга совуқ қараш қилди-да:

— Ота, шу мишиқиларга мени овора қилиб ўтирибсизми!— деди аччиғи қнстаб.

Чиройли аёлнинг совуқ гапи болаларга алам қилиб, индамай жўнаб қолишди. Улар яна дов-дарахт, девор, томларга аланглаб, бир табақали очиқ эшик олдида тўхташди. Рўпарадаги токнинг тагида омонатгина столга чиқиб, қора атлас кўйлагининг енгини шимарган аёл узум узар, уни пуф-пуфлаб, ёнидаги челакка соларди.

— Кеннойи!— чақирди Валижон хавотиранқираб.

Аёл ярқ этиб қаради, унинг кўзларида меҳр балқиб турарди.

— Вой келинойинг айлансин сенлардан. Келинлар, келинлар, узум енлар, меҳмон бўлинглар,— деди илтифот билан.— Ҳай қоқиндиқ,— олдинроқда турган Умидга катта бош узумни узатди,— ол, ёнингдаги ширин болага ҳам бер.

Умид тортиниброқ яқинлашган эди, аёл:

— Шошма, ўзим ювиб бера қолай,— деди-да, бир қўлини стол четига тираб, сакраб тушди, водопроводда узумни яхшилаб чайиб, иккала болага бўлиб берди.— Ана энди уйга киринлар, қовун сўйиб бераман.

— Раҳмат, кеннайи,— деди Умид.

— Зағизғоним қани?— сўради Валиш, гўё қуши шу ерда бўлиши керакдек.

— Қанақа зағизғон? Вой қоқиндиқ, зағизғонни қаёқдан оламан, бошқа нарса сўрагин, топиб берай.

— Зағизғонимиз учиб кетди,— тушунтирди Умид оғзига ғужум солатуриб.

— Йўқ, кўрмадим-а! Мен шунақаман, қанчадан-қанча қушлар учиб ўтади, парво қилмайман, узумни чўқимаса бўлгани. Мана, хира чумчуқлар ҳоли-жонимга қўймайди. Узумни бутун-бутун еса майлия, чўқиб ташлайди. Энди узум ейман деганингда, пўчоғи қолади.

— Майли бўлмаса, биза кетдик,— деди Умид.

— Вой қоқиндиқлар-ей, келиб туринлар, мен болаларнинг узум ейишини яхши кўраман.

Жувон «айланай, ўргилай»лаб болаларни кўчагача кузатиб чиқди.

Катта кўчанинг нариги бетидаги катта ёнғоқнинг ёнбошидан офтоб болаларга мўралаб турарди, улар юрса, офтоб ҳам юрар, югурса, югурар, гоҳ дарахтлар орқасига яшириниб, бекинмачоқ ўйнаётгандек кўринмай турар, бир оздан кейин яна липиллаб чиқарди.

Бир неча ҳовли наридан карнай-сурнай товуши эшитилди. Болалар ўша ёққа юришди.

ҚАЙДАСАН, ВАЛИШ?

— Опойи, Валиш қани?— сўради Мухтор мактабдан келасолиб. У ҳали уйига ҳам кирмаган, папкасини қўлатиқлаб турарди.

— Умид билан чиқиб кетган эди,— жавоб қилди Шакар буви.

Кўчадан Мухторнинг товуши эшитилди:

— Ва-лиш, Ва-а-ли-и-ш!..

Жавоб бўлмади. Мухтор ҳовлиқиб, папкасини эшик орқасига қўйди-да, кўчани бошига кўтариб чақира бошлади. Қаламуш инидан чиққандек эшикдан бош суқиб, Бўривой кўринди, аввал узумига қараб олди-да, Мухторга дўқ урди:

— Тинч қўясанларми, йўқми? Жўна товшинг ўчкур!

Дадасининг орқасидан Назир тиржайиб қараб турарди.

— Назир...— чақирди уни Мухтор.

— Назрилло, дегин тилинг кесилгур!— жерикди Бўривой.

Мухтор ранжиб, тескари бурилиб кетди. Аввал бир-икки ҳовлига кириб чиқди. Валижоннинг дараги бўлмагач яна чақира бошлади.

Шакар буви ҳам хавотир олиб кўчага чиқди, нарироқда Етим амаки кўринди. Мактабдан келиб, тушлик қилаётган Гулнора ҳам югуриб чиқди. Бирин-кетин катта-кичик йиғилди. Энди бир кўча бўлиб Валижон билан Умидни қидиришарди. Уларнинг катта кўчада зағизгонни қидириб юришгани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Раҳмон амаки автомат телефондан милицияга хабар қилди: «Шу атрофда бўлса дараги чиқарди, узоққа борадиган ёшда эмас», деди у трубкага.

Ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетди. Фақат Бўривой уйдан чиқмай ўтирарди. Катта кўчада узоқдан машина тормозининг чийиллагани эшитилди. Ҳамма олдинма-кетин ўшаёққа югурди. Бу ёқдан битта икки ғилдиракли, битта кажавали мотоциклда милиционерлар етиб келди. Улар ран-

ги ўчиб, аланг-жалаанг бўлиб турган Шакар бувудан суштиришди.

— Бири беш, бири олти ёшда эди ўргилай,— деди Шакар буви, кейин йиғлаб юборди:— Жуда ширин бўлган эди, қоқиндиқ.

Кажавали мотоцикл минган милиционер катта кўчадан, икки ғилдираклисини мингани тор кўчадан кетди.

Бу маҳалда Валижон билан Умид карнай-сурнайга маҳлиё бўлиб, тўйхонага кириб-чиқиб турган меҳмонларга ағрайиб қарашарди.

— Ҳой, болалар, нари тур!— жеркди сочи қизларникидек узун, мўйлов қўйган йигитча.

— Булар ҳам меҳмон, меҳмонни ҳайдамайди,— деди дўппи кийган кексароқ киши олифта йигитчага, кейин болаларга қараб гапирди:— Ҳа, баракалла, қани олинглар,— у куёвлар олдидаги дастурхондан иккита варақи олиб, болаларга узатди.

— Биза, зағизғонни қидириб юрибмиза,— деди Умид варақини олатуриб.

— Менинг зағизғоним,— деди Валижон.

— Вой сени қараю, қизиқ бола экансан, тўйда зағизғон нима қилади,— деди киши кулиб.

Болалар тўйхонадан энди жилишаётганида милиционер егиб келиб қолди. У мотоциклни болаларнинг олдида тўхтатиб:

— Йўл бўлсин,— деб сўради.

— Зағизғонимни кўрмадингизми, амаки?

— Э, э,— деди милиционер кулиб,— отинг Валиш эмасми?

— Ҳа,— деди Валижон зағизғон топилибди, деб ўйлаб севиниб.

— Сенинг отинг Умиджон-а?

— Қаёқдан билдиз, амаки?— ҳайрон бўлди Умид.

— Қани, буёққа ўтиринглар, зағизғонни бирга қидирамиз.

Кўчада пойлаб турганлар кажавали мотоциклни ўраб

олишти. Мухтор бўлса, Валижоннинг топилганига севинганидан йиғлаб юборди.

— Валиш, Валиш,— дерди унинг юзларидан ўпиб.

ВАЛИШНИНГ УРТОҚЛАРИ КЎП

Валижон кечаси билан иситмалаб, ғингшиб чиқди. Бувиси чироқни ёқиб, унинг пешонасига кафтини қўйди: ҳароратдан лаблари пўрсилдоқ бойлаган, ҳарсиллаб нафас оларди. У аста кўзини очиб:

— Бувижон, Назил бўлими? Адаси ҳам бўли-а?— деди.

— Нега ундай дейсан, болам?

— Йўқ, бўли, зағизгонимни еб қўйди.

Шакар буви неварасининг алаҳлаётганини сезди. Бобоси доктор амакини чақириб чиқди. Анчадан кейин у Валижоннинг олдига полвонча юриш қилиб кириб келди.

— Оббо, азамат-ей, нима бўлди?— сўради у ёнидан фанендоскопни олиб.

— Сизни ҳам ширин уйқидан безовта қилиб...— деди Шакар буви хижолатлик билан.

— Ҳеч, ҳеч... вазифа шунақа. Болалар шўхлик қилади, боболар куйнади, докторлар...

— Укол қилмайди...— деди Валижон ҳарсиллаб. Лекин кулоққа тутадиганга кўзи тушиб, харҳаша қила бошлади.

— Гапинг катталарники, йиғинг болаларники,— кулди Полвон амаки.— Мана, ишонмаётган бўлсанг, бу томони-ни ўзинг қорнингга қўй. Ҳа, балли. Энди ўзимга берақол, мулла Валиш, оғритмайман. Ҳа, балли. Шамоллабдилар йиғитча.

Валижон шамоллабдию, бобоси билан бувиси бу ёқда, доктор амакилар у ёқда овора — ҳаммасининг тинчлиги кетди.

Эрталаб Мухтор юз-қўлини ювмасданоқ югуриб чиқди. Валижоннинг иситмаси бир оз пасайгану ҳамон ҳарсиллаб ухлаб ётарди.

— Валиш, Валиш,— секин чақирди Мухтор Валижоннинг бошини силаб.

У аста кўзини очиб, йўталди.

— Мен касал бўп қолдим,— деди секин.

— Опойи,— ошхонада сут пишираётган Шакар бувини чақирди Мухтор.— Валиш касал бўлиб қолибди.

— Биладила,— деди Валижон, Полвон амаки доли белдила.

Мухтор, мактабга борадиган вақт яқинлашаётган бўлса ҳам Валижоннинг олдидан кетмади, охири Василадан чақириб чиқди.

— Ўзинг боравер мактабингга!— жавоб қилди Мухтор.

— Ўқитувчинг уришади.

— Валиш касал, демайсанми!

Василадан ҳар қанча қистаса ҳам Мухторни кўндира олмади, шу кун у ўқишдан қолди. Доктор амакини қистаб, бошлаб чиқди. «Биладан, ўзим бораман», деганига ҳам қулоқ солмай, хиралик қилиб туриб олди.

Доктор амакининг кетидан Раҳмон амаки билан Етим амаки ҳам бошлашиб кириб келишди.

— Ўртоғимиз касал бўлиб қолибдию, билдирмабсизлар-а!— деди гинахонлик қилиб Раҳмон амаки.

Ҳовлига стол қўйиб, дастурхон ёзишди. Валижон бу сафар меҳмонларнинг олдига чиқа олмади.

САЙРАЙДИ-Ю. КҲРИНМАЙДИ

Мухтор Валижоннинг олдидан жилмас, унутилган ўйинчоқларни олиб, ўзича беморни овутомқчи бўлар, уришиб қоласан, деб уни каравотдан туширмасди.

— Ана зағизғоним, зағизғоним, келди, келди!— Валижон ўрнидан туриб ятди.

— Тўхта,— Мухтор уни қўлидан ушлаб тўхтатди.

Қўшни томондан зағизғоннинг товуши эшитилди.

— Қўйвор, қўйвор мени!

— Шошма, сен деразадан қараб тур, мен тутиб келаман.

Мухтор ҳовлига чиқиб аланглади. Зағизғон кўринмас, Валижон деразага бурнини тираб, дарахтларга қарарди.

— Сен ётиб тур, мен кўчани қараб келаман,— деди Мухтор ва югуриб кўчага чиқди.

Назир рогатка билан ниманидир мўлжалга оларди. У ўзи томонга югуриб келаётган Мухторни кўриши билан дод солиб қоча бошлади. Уйдан Бўривой ҳовлиқиб чопиб чиқди. Ранги ўчган, семиз қорни ҳансираганидан кўтарилиб тушар, Мухторни еб юборгудек бўлиб, унга яқинлашарди. Кўчада ёнини оладиган одам бўлмаса ҳам Мухтор тап тортмасдан, Бўривойга жаҳл билан тикилиб тураверди. У Назир сингари гуноҳкор эмаслигини билгани учун ҳам қочмасди.

— Нега болани урасан, ярамас!— бақирди Бўривой.

— Сизнинг ўғлингиз ярамас! Зағизғонни қувлади, Валишни касал қилиб қўйди!— деди паст келмай Мухтор.

— Вой тўхматчилар, биров касал бўлса ҳам боламдан кўрасанларми? Етти ёшингдан етмиш яшарингача жигмга тегаверасанларми!— тўсатдан кўкрагига муштлай кетди Бўривой.— Ўзимни ўлдирсам, қутиламанми сенлардан!..

— Ҳой бола, узумга тегма!— узоқдан қичқирди Етим амаки.

Бўривой тўсатдан нафаси ўчиб, токка қаради. Турли рангдаги латта халталар кийгазилган узум бошлари токда осилиб турарди. Бўривой орқасига қараб, алданганини билгач, аламини Мухтордан олмоқчи бўлиб турганида Етим амаки етиб келди.

— Ҳа, Бўривой, биров жунларини тескари силадими?— деди у ҳазил аралаш.

— Нега боламини уради, шумтака!

— Урганим йўқ, ўзи Валишнинг зағизғонини яна ҳайдаётган экан.

— Ёлғон, ёлғон гапирма!..

— Бақирма! — баланд келди Етим амаки. — Сенинг дастингдан бола-чақаларга ҳам тинчлик йўқ, олибсотар!

Эртасига ҳам, индинига ҳам узоқ-узоқлардан зағизгоннинг сайраши эшитилиб қоларди, лекин ўзи кўринмасди. Унинг безиб кетганини Валижоннинг кўнгли сезиб, хўрсиниб қўярди.

ЯНА БИТТА ОВУНЧОҚ

Мухтор Валижонни бошқа бир эрмак билан овутишни ўйлаб юрганди, бугун Гулнора билан бошлашиб кириб келди. Сарик, дўмбоқ кучукчани кўтариб олганди у. Мухторнинг хурсанд товушини эшитиб айвонга Валижон қўйлакчан югуриб чиқди. Кетидан жемперини кўтариб чиққан Шакар буви кучукчани кўриб:

— Вой қуриб кетмасин, намунча дўмбоқ бунинг! — деди.

Гулнора Мухтордан кучукчани олиб, бағрига босиб силлади-да, Валижонга узатди.

— Йўқотларинг бунни, мен-қандай боқаман, — деди Шакар буви.

— Овқат емайди, опойи, сут ичади, — тушунтирмоқчи бўлди Мухтор. Кучукча Валижоннинг қўлтиғи, томоғини искаб ингиллади. Кучукчанинг дарагини эшитиб у ёқдан Умид югуриб чиқди. Кўплашиб уни боқадиган бўлишди. Чети учган талинкага сут қўйиб беришди. Кучукча сутни ялаб ичатуриб, талинканинг четига оёғи тегиб, сутни тўкиб юборди. Шундан кейин Гулнора уйдан шиша билан сўрғич олиб чиқди, кучукчани тўйдириб, эски пўстинчага ўраб қўйишди.

Уч-тўрт кундан кейин кучукча овқат ейдиган, Валижонга эргашадиган бўлиб қолди. У ҳовлида чопса, кучукча ҳам чопаман деб умбалоқ ошиб кетар, лекин вангилламай яна эгасининг кетидан югурарди. Катта бир овунчоқ бўлиб қолди кучукча. Валижон унга «Дўмбоқ», деб от қўйди.



Энди чопишга ҳовли торлик қилиб, кўчада ўйнашарди. Салқин тушиб қолгани учун пенсионер амакилар кўчада камдан-кам ўтиришар, кўпинча шаҳарнинг гавжум жойларига боришарди. Валижон Дўмбоғини эргаштириб, кўчага чиққанида ҳеч ким йўқ эди — болалар мактабда, катталар ишда. У Умидни чақирди. Иккаласи Дўмбоқни эрмак қилиб уёқдан-буёққа югуришар, кучукча вовуллаб уларни қувлар, етиб олиб, дуч келганнинг шими ёки кўйлагидан тортарди — ўйнашарди. Шовқинни эшитиб кўчага Назир ҳам чиқди. Лекин яқинлашгани кучукдан қўрқиб, узоқдан томоша қилиб турди. Болалар ўйнаша туриб, Назир турган томонга қочишди. Дўмбоқ ириллаб уларнинг кетидан югурган эди, Назир қўрқиб чинқириб юборди, кучукча эса ўйин билиб, қочаётган Назирни қува кетди. Бўривой йўқ экан шекилли, уйдан ҳеч ким чиқмади. Назир кучукчага тутқич бермай, уйига кира солиб, эшигини ёпиб олди.

ШИҚОЯТ

Бу воқеа жумада бўлганди, дам олиш куни эрталаб участкавой келди. У биринчи Раҳмон амакининг эшигини тақиллатди. У билан эски қадрдонлардек сўрашиб, нима мақсадда келганини айтди:

— Кўчангизда хулиган болалар бор экан. Катталар ҳам уларнинг ёнини оларкан...

— Кимлар экан?

Участковой ёнидаги узун тасмали сумкасини очиб, бир варақ қоғоз олди-да, ўқиди:

— Валиш ва Умиш деган болалар...

— Оббо чатоқларей, қаранг-а!— мийиғида кулди Раҳмон амаки.

Хатдан кўзини узмай турган участкавой Раҳмон амакининг кинояли кулгисини сезмади-да, давом этди:

— Ушаларни бир кўриб қўяй, сиздек табаррук отахон турадиган жойда хулиганларнинг бўлиши уят.

— Уят, уят!— деди Раҳмон амаки нимагадир ачиниб.— Хатни ким ёзган экан?

— Бўривой деган бир меҳнаткаш. «Асосий айб катталарда, болаларни ўшалар бузаяпти. Уларнинг кимлигини оғзаки айтиб бераман»,— дебди хатида.

— Ана Бўривойнинг уйи. Узи кўрсатиб берақолсин хулиганларни. Ҳа, айтгандай,— участкавойни тўхтатди Раҳмон амаки,— нима қилган экан у хулиганлар?

— Бўривойнинг беозор боласини кучугига қоптирибди.

— Этини узиб олмабдими?

— Бунисини шикоятда кўрсатмаган. «Менга, бола-чақама тинчлик йўқ, жами хулиганлар эшигимнинг тегида ғужғон ўйнайди. Совет милицияси бир меҳнаткашни ҳимоя қила олмайдими?» деб ёзибди.

— Ана халос!— кулди Раҳмон амаки.— Майли, сиз Бўривойни бу ёққа бошлаб чиқинг, мен қўшниларни йиғиб тураман. Хулиганларнинг бир адабини берайлик.

Участкавой Бўривой билан Назирни бошлаб келганида, Раҳмон амакининг эшиги олдида катта-кичик йиғилган, воқеадан хабар топган Валижон эса кучукчасини уйга қамаб, ўзи деразадан қўрқиб қараб турарди.

— Мана, даъвойингизни шуларнинг олдида айтинг,— деди участкавой.

Бўривой эса, без бўлиб:

— Менга ҳам, ўғлимга ҳам тинчлик йўқ,— деди.— Хулиганларнинг дастидан ҳимоя қилинг. Эшигимнинг тегига ток экдиму, бошим балога қолди.

— Тиқ этса югуриб чиқавериб чарчадим, денг,— гап қўшди Етим амаки.

— Мана, мен ҳам кўчага ток экканман, ўткан-кетган есин, деб...

— Мен бу токни пулчамга экканман. Ахмоқ борми едириб қўядиган!

— Ҳим,— деди участкавой бир нимани сезгандек,— яна қандай даъвойингиз бор?

— Иккита хулиган ўғлим бечорага кун бермайди. Улар-

нинг дастидан кўчага чиққани қўрқади. Утган кунни уни итига қоптирибди.

— Ўша хулиганлар шу ерда борми?

— Милиция бўлганингиздан кейин топасиз-да,— дуд-мал жавоб қилди Бўривой.

— Ҳў, ана, Валиш, хулиганларнинг каттаси!— дераза-да олазарак бўлиб турган Валижонни кўрсатди Раҳмон амаки.

Участкавой, ҳазилнинг пайти эмас, дегандек Раҳмон амакига жиддий қаради.

— Ҳа, ўша!— деди Назир.

— Ҳим,— ишонмай ҳаммага бир-бир қараб чиқди участкавой. Бошқа ҳеч кимдан садо чиқмагач:— хулиган шу бўлса, ити қандоқ?

— Олиб чиқ!— буюрди Раҳмон амаки Мухторга.

Мухтор билан Гулнора Валижонларникига кириб кетди. Уйдан Валижоннинг йиғиси эшитилди. Кейин кучук-часини маҳкам қучоқлаб, болалар билан чиқиб келди.

— Қопоғон ити шуми?— баттарроқ ҳайрон бўлди участкавой. «мени калака қилишаётгани йўқми», деб ўй-ларди.

— Мана шу ит!— тасдиқлади Назир.

Участкавой тўсатдан кулиб юборди. Унга қўшилиб бир кўча одам кулар, Бўривой бўлса, аччиғи қистаб, кичкина бурнини чўзгиларди.

— Нега куласизлар, маймун ўйнатаяпманми!— деди у тўнғиллаб.— Бугун бўлмаса, эртага тишлайди, қаранг тиши чиқаяпти. Емонликнинг олдини олиш керак.

— Иккинчи хулиганни ҳам бир кўриб қўяй,— деди участкавой жиддий тус олиб. Унга Умидни кўрсатишганида яна кулдию, бирдан аччиғи қистаб, Бўривойга дўқ уракетди:— Қандай бетамиз одамсиз, қаерда ишлайсиз?

— Ҳукуматнинг ишида,— жавоб қилди Бўривой ҳам бўш келмай.

— Ҳеч вақоси йўқ идорада қоровул туради, бу фил!— деди Етим амаки.

— Ачиб қолай деган қовун-тарвузларни арзонга олиб, қимматга сотади, бировни заҳарлаши билан иши йўқ,— деди доктор амаки.

— Буларнинг ҳаммаси менга душман, мени касал қилиб қўйишди, асабимни бузушади...

— Бас қилинг! Қим кимнинг асабини бузуши маълум бўлди,— деди участкавой.— Эртага участкага боринг, бор-масангиз зўрлаб олиб кетаман, сиз билан ўша ерда гап-лашамиз.

Овора қилгани учун ҳаммадан узр сўраб, участкавой жўнаб кетди.

— Ҳақиқат қила олмадингиз, устингиздан арз қилман!— унинг кетидан бақириб қолди Бўривой. Кейин кулиб турган одамларга бирма-бир қараб чиқди. Ҳеч кимнинг юзида ўзига ҳайрихоҳликни кўрмади.

Раҳмон амаки уйига кириб, ўйинчоқ чилдирма кўтариб чиқди:

— Сенга олиб келгандим, бир чал, ўйинни соғиниб қолдик. Унта хафагарчиликдан битта хурсандчилик яхши!

Валижон севиниб, кучукчани Мухторга берди-да, ҳақиқий чилдирмакашлардек берилиб чала бошлади. У ҳеч кимга парво қилмас, чилдирмани гоҳ баланд кўтариб, гоҳ тушуриб, ўнг оёғининг учи билан ер тепиб чалар, бошқалар қарсак уриб жўр бўлишарди. Аввал Умид, кейин Гулнора билан Мухтор ўйинга тушди, Етим амаки ҳам чидаб туролмай муқом қила бошлади. Бўривой эса, эшигини ичканидан занжирлаб олганди.



МУНДАРИЖА

ҲОФИЗ БОЛА	3
Чўри билан хизматкор	4
Ҳофизнинг бахти	15
Жудолик	22
Йўл азоби	32
Одам одамга ҳамдард	37
Поезд ўтар кетма-кет	44
Кўқонда	52
Нотаниш қариндош	60
Қуш уясига қайтади	70
Яна Фарғонада	81
Катта шаҳар	88
Отанинг кўнгли болада	104
МИРМИРЗА МИТТИ	111
Мирмирза митти	116
Танишув	122
Гулчи чол	127
Шубҳа	131
Бекинмачоқ	134
Найранг	144
ВАЛИШ ВА УНИНГ ЎРТОҚЛАРИ	151
Байрам	152
Зағизгонча	155
Турқи совуқ	157
Зағизгонни кўрган борми?	159
Қайдасан Валиш?	163
Валишнинг ўртоқлари кўп	165
Сайрайди-ю кўринмайди	166
Яна битта овунчоқ	168
Шикоят	170

Ю 57

Юнусов Собир.

Ҳофиз бола: (Қиссалар). (Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун).— Т.: «Ёш гвардия», 1982.—176 б., ил

Юнусов Сабир. Судьба юного певца. Повести.

Уз 2

Для детей среднего и старшего
возраста

Сабир Юнусов

СУДЬБА ЮНОГО ПЕВЦА

Повести

Ташкент. Издательство «Еш гвардия»,
1982

Редактор М. Раҳмонов
Рассом Р. Зуфаров
Расмлар редактори А. Гуломов
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова
Корректор М. Ортиқова

ИБ № 1132

Босмахонага берилди 6.10.1981 й. Бо-
сишга рухсат этилди 18.03.1982 й.
Р—15403. Формати 70×108¹/₃₂. 1-бос-
ма қозоғга «Литературная» гарни-
турада юқори босма усулида босилди.
Босма листи 5,5. Шартли босма ли-
сти 7,7. Нашр листи 8,022. Тира-
жи 40000. Буюртма 2047. Шартнома
№ 105—79. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,
700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси, Тошкент,
«Правда Востока» кўчаси, 26.

70803—45 135—82 4803000000
Ю 356 (04)—82